

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ
йўналиши**

**“ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ
ТАЪМИНОТИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ
йўналиши**

**“ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ
ТАЪМИНОТИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **Рахмонов Қ.Р. – ТИҚХММИ, Геодезия ва геоинформатика кафедраси доценти**

Тақризчи: **Маркос Б. – Венгрия Обуда университети профессори**

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти илмий кенгашининг 20__ йил _____ даги __-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	2
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари.....	8
III. Назарий материаллар	
1. Мобил энергетик воситаларни қишлоқ хўжалигидағи ўрни. Кишлоқ хўжалик тракторлари ва двигателлар. Двигателлар механизмлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар.	18
2. Мобил энергетик воситалар двигателлари тизимлари тузилишидаги янги конструктив ечимлар. Двигателларда фойдаланилган электрон тизимлар	32
3. Мобил энергетик воситалар трансмиссияси	45
4. Мобил энергетик воситалар узатмалар қутиси	52
IV. Амалий машғулотлар материаллари	
1. Хорижий двигател мисолида механизмлар тузилиши ва ишлашини ўрганиш	61
2. Хорижий двигател мисолида тизимлар тузилиши ва ишлашини ўрганиш	63
3. Хорижий трактор мисолида узатмалар қутиси тузилиши ва ишлашини ўрганиш	66
4. Хорижий трактор мисолида гидромуфта ва гидротрансформатор ҳисобини бажариш	67
5. Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш усусларини ўрганиш ва синов натижаларини таҳлил қилиш	70
V. Кейслар ва тест топшириқлари	71
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	74
VII. Глоссарий.....	75
VIII. Адабиётлар рўйхати	77

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Мазкур дастурда геоахборот тизимининг асосий тармоқларидан бири бўлган ер-ахборот оқимлари таркибига кирувчи ер кадастри ахборот таъминотининг ўрни, маълумотлар базасини яратишда янги технологиялар ва ечимлар, уларнинг механизмини ишлаш хусусиятлари баён этилган. Дастурда шунингдек ер-ахборот тизимидан фойдаланиш кўлами ва ахборотлар алмашув методлари хам келтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Давлат ер кадастрининг ахборот таъминоти” модулининг мақсад ва вазифалари:

Ердан фойдаланишнинг кўп мақсадли характерда бўлиши ер ресурсларидан фойдаланишнинг табиий, хўжалик ва хуқуқий ҳолатини характерловчи турлитуман ва сифатли ахборотларга нисбатан жумладан ер кадастрини ахборот таъминоти бўйича малакавий **кўникмаларини шакллантириши;**

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Давлат ер кадастрининг ахборот таъминоти” курсини ўзлаштириш жараёнида доирасида:

Тингловчи:

- ер кадастри ахборотининг моҳиятини;
- ер кадастри ахборотини шакллантириш тамойилларини;
- ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонунчилик базасини шакллантириш услубларини **билиши;**

Тингловчи:

- ер кадастри-ердан фойдаланишнинг ахборот таъминоти функцияси эканлигини инобатга олишни;
- ер кадастри ахбороти тизимининг давлат кадастри ва қўчмас мулк ахбороти тизимлари билан боғлиқ холда ер кадастри малумотларини таҳлил қилиш;
- ер кадастри ахборотини ишлаб чиқишининг методик асосларини такомиллаштириш **бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- ер кадастри ахборот тизими маълумотлар базасининг тузилиши;
- ер кадастри ахборот тизимининг ишлаши, ер кадастри ахборот - дастурий таъминоти дастурларидан фойдаланиш ва олинган натижаларни баҳолаш;
- ер кадастри ахборотини масофадан узатиш назарияси ва методларини билиш;
- ер кадастри ахборот тизимларини яратишда чет эл тажрибасини республикадаги илмий тадқиқотлар хақида маълумотга эга бўлиш ва уларни таҳлил қилиш **бўйича компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Давлат ер кадастрининг ахборот таъминоти” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва мультимедиа технологияларидан;
- ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда лаборатория жиҳозларидан техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик

гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Давлат ер кадастрининг ахборот таъминоти” модули мазмуни ўқув режадаги “Ер муносабатларини тартибга солиш” ва “Ер тузишни лойиҳалашда замонавий технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларни ер кадастри ахборот таминоти бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ер кадастри ахборот таъминотини шакллантириш, маълутмотларни электрон дастурлар ёрдамида тизимлаш, тартибга келтириш хамда ҳисоблаш ва таҳлил қилишга, улар иш сифатини баҳолаш ва ростлашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

(1-жадвал)

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, с					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустакил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машгу́лот	Кўчма машгу́лот	
1	Ер кадастри ахборот тизимини шакллантиришнинг назарий асослари.	5	4	2	2		1
2	Ер кадастрининг ахборот базасини яратишда геоахборот тизим ва технологияларни тадбик килиш методологияси.	5	4	2	2		1
3	Ер кадастри маълумотлар тизимининг амалдаги холати ва услублари таҳлили.	5	4	2	2		1
4	Ер кадастри ахборот тизими моделларини худудий субъектларда синовдан ўтказиш	5	4	2	2		1

	методларини такомиллаштириш.						
5	Давлат ер кадастри ахборот минотини максадли дастурини гиш ва тадбик этиш истикболлари.	4	4			4	
	Жами:	24	20	8	8	4	4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Ер кадастри ахборот тизимини шакллантиришнинг назарий асослари.

Ер кадастри ахборотининг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Ер кадастри ахборотини шакллантириш назарияси ва тамойиллари. Ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонунчилик базасини шакллантиришнинг методологик асослари.

2- Мавзу: Ер кадастрининг ахборот базасини яратишда геоахборот тизим ва технологияларни тадбик қилиш методологияси.

Ер кадастри-ердан фойдаланишнинг ахборот таъминоти функцияси сифатида тадқиқ қилиш. Ер кадастри ахбороти тизимининг давлат кадастри ва қўчмас мулк ахбороти тизимлари билан боғлиқ холда ер кадастри малумотларини тахлил қилиш методлари. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқишининг методик асосларини такомиллаштириш.

3 - Мавзу: Ер кадастри маълумотлар тизимининг амалдаги холати ва услублари тахлили.

Ер кадастри ахборот тизими маълумотлар базасининг тузилиши ва амалдаги холати . Ер кадастри ахборот тизимининг ишлаши, электрон дастурлардан фойдаланиш ва олинган натижаларни баҳолаш услублари тахлили. Ер кадастри ахборотини масофадан узатиш назарияси ва методлари. Ер кадастри ахборот тизимларини яратишда чет эл тажрибасини республикада жорий этиш имкониятлари.

4- Мавзу: Ер кадастри ахборот тизими моделларини худудий субъектларда синовдан ўтказиш методларини такомиллаштириш.

Ер кадастри ахборот тизими маълумотлар базасининг тузилиши.

Ер кадастри ахборот тизимининг ишлаши, ер кадастри ахборот - дастурий таъминоти дастурларидан фойдаланиш ва олинган натижаларни баҳолаш.

5 –Мавзу: Давлат ер кадастри ахборот таъминотини максадли дастурини

яратиш ва тадбик этиш истиқболлари.

Давлат ер кадастри ахборот таъминотини максадли дастурини яратиш методлари ва тадбик этиш истиқболлари Ер кадастри ахборотини масофадан узатиш назарияси ва методларини. Ер кадастри ахборот тизимларини яратишда чет эл тажрибасидан фойдаланиш кўлами.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот

Ер кадастрининг бирламчи маълумотларини шакиллантириш амалиёти.

Ер контури ва ер участкаси –ер кадастри маълумотларини олишда бирламчи маълумотлар сифатида тадқиқ этиш услублари. Ер контури ва ер участкаси даражасида ер кадастри малумотларини йиғиш, тахлил қилиш ва тизимлаш услублари. Ердан фойдаланувчи субект ва ўз-ўзини бошқариш органлари худудида ер кадастри малумотларини шакиллантиришни ўрганиш. Ердан фойдаланувчи субъект ва махалла фуқаролар йигини (массив)да ер кадастри ахборотларини тизимлаш кўникмаларини шакллантириш.

2 – Амалий машғулот

Маъмурий тумани ва шахар худудида ер кадастри малумотларини шакллантириш технологияси.

Маъмурий тумани ва шахар худудларида ер кадастри ахборотларини шакллантириш. Ер балансини тузиш технологияларини тадбиқ этиши.

3 – Амалий машғулот

Республика миқёсида ер кадастри ахборотларини тизимлаш босқичларини шакллантиришни ўрганиш.

Вилоят, ҚҚР ва Тошкент шахри бўйича ер кадастри маълумотларини тизимлаш, тахлил этиш услублари. Республика даражасида ер балансини тузиш технологиясини такомиллаштиришнинг амалий масалалари.

4-Амалий машғулот

Ер кадастри ахборот таъминоти бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш.

Ривожланган давлатларда ер кадастри ахборот таъминоти ютуқлари.

Мустакил хамдўстлик давлатларида ер кадастри ахборот таъминотининг холати ва тахлили. Хорижий тажриба ва илфор технологияларни ўрганиш асосида республикада ер кадастри ахборот таъминотини амалга ошириш имкониятлари.

5- Күчма амалий машғулот

Ер кадастри ахборот таъминоти бўйича соҳа ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар тахлили ва тажрибаси.

“Ергеодезкадастр” давлат қўумитаси ва унинг қуи тизимларида ер кадастрини юритиш тартибини ўрганиш. “Ўздаверлойиха” илмий лойиха институтида, КҚР, вилоятлар ва Тошкент шахри “Ер ресурслари ва давлат кадастри ” бошқармаларида ер кадастри ахборот таъминоти бўйича амалга оширилаётган ишларни тахлил қилиш ва тажриба алмашиш. Туман, шахар, массив ва ер участкаларида ер кадастри малумотларини йиғиши, тизимлаш, тахлил қилиш ва улардан фойдаланиш тажрибаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган масала ёки муаммолар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (масала ёки муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);
- кўчма машғулотлар (ер кадастри ахборот таъминотининг холати, маҳсус электрон дастурлардан фойдаланиш услублари, маълумотларни тизимлаш бўйича билимларни мустаҳкамлаш, мавжуд методлар билан яқиндан танишиш)

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	“Давлат ер кадастрининг ахборот таъминоти” модули бўйича	2.5	Тест – 1.5 балл Дарслардаги фаоллик, мустақил таълим, топширикларни бажариш – 1 балл

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Интерфаол (Interactive) сўзидан олинган – сухбатли маъносини билдиради. **Интерфаол** таълим бериш - сухбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади. Қишлоқ хўжалик мобил энергетик воситалари модулини ўқитишида қўйидаги интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин.

Кластер методи


Кластер – тутам, боғлаш маъносини билдиради. Кластер маълумот харитасини тузиш воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофига фояларни йигади. Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очиқ кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузишда синф доскаси ёки катта қофоз варафи марказида калит сўзлар 1 – 2 сўздан иборат мавзуу номланиши ёзилади.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзуу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотилмагунча давом эттирилади.

Кластер намунаси

Двигателлар мойлаш тизими элементлари учун кластер



Тоифали жадвал методи

Тоифа-мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган умумий белги.

- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди;
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш қўнимасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади.

Янги ўқув материали билан танишилгандан кейин олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади. Бунда гурухни мини гуруҳларга ажратиш ва ақлий хужумдан фойдаланиш мумкин.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Фоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Иш якунида олинган натижага тақдимот қилинади.

Тоифали жадвал намунаси

Тракторлар учун тоифали жадвал

Қишлоқ хўжалик тракторлари		
Умумий ишларни бажарувчи тракторлар	Универсал чопиқ тракторлари	Ихтисослашган тракторлар

Концептуал жадвал методи

Концептуал жадвал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш қўнимасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан

танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини - гурухларда концептуал жадвал қурилади ва тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади

- горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Концептуал жадвал намунаси

“Еравтобанк” электрон дастури учун концептуал жадвал

(2-жадвал)

Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар, ажралиб турадиган белгилар ва бошқалар	
Электрон дастур турлари	
“Еравтобанк” электрон дастури	
Ер участкаларига Кадастр рақамларни шакллантири шга оид электрон дастур	

Т- жадвал методи

Т – жадвал - битта концепция (маълумот)нинг жиҳатларини ўзаро солиштириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) афзаллик/камчиликларини аниқлаш учун ишлатилади. Бу жадвал танқидий мушоҳадани ривожлантиради, у кўпроқ якка тартибда расмийлаштирилади.

Олдин Т – жадвал қоидалари билан танишилади. Ажратилган вақт оралиғида якка тартибда (ёки жуфтлиқда) тўлдириади, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Т-жадвал намунаси

Ер кадастри ахборт таъминотини шакллантириш учун Т-жадвал

Афзалликлари	Камчиликлари

Топшириқ якунида тузилган жадваллар таққосланиб барча ўқув гурухи ягона учун ягона Т – жадвал тузилади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Ер кадастри ахборот таъминоти бўйича SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

(З-жадвал)

S	Ер кадастри ахборот таъминотида электрон дастурлардан фойдаланишнинг кучли томонлари	Ишончли ва тезкор ер кадастри маълумотларини олиш, тизимлаш ва улардан фойдаланиш сифатини яхшиланиши ...
---	--	---

W	Ер кадастри ахборот таъминотида электрон дастурлардан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Дастурларни тузиш мураккаблиги, мутахассисларни этишмаслиги ...
O	Ер кадастри ахборот таъминотида электрон дастурлардан фойдаланиш имкониятлари	Электрон тизим мураккаб ечимлар учун имкониятни кенгайтиради ...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Бундай тизим билан мутахассис ва фойдаланувчиларнинг таниш эмаслиги ...

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



-тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



-тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни таркатали;



-ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



-навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Двигателларда фойдаланилган газ тақсимлаш механизмлари

2 клапанли		4 клапанли	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида,

мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Двигател цилиндрларига ҳавони босим билан киритиш двигател қувватини оширишнинг асосий усуllibаридан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Венн диаграммаси методи


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

Намуна:

Ер кадастри ахборотларини бирламчи манбалари



- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

«Нима учун?» схемаси

«Нима учун?» схемаси - муаммонинг дастлабки сабабини аниqlаш бўйича бир бутун қатор қарашларни ўз ичига олади. Тизимли, ижодий, таҳлилий муроҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Топшириқни беришдан олдин «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан танишилади.

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. «Нима учун?» сўроги билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширган сабаби ўрнатилмагунча давом эттирилади. Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мини-гурухларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритадилар, маълумотларни умумий схемага жамлайди. Натижалар тақдимоти қилинади.

«Нима учун?» схемаси намунаси

Ер кадастри ахборот тизими учун «Нима учун?» схемаси



“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш;

ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

Кейс топшириғи. Ер кадастри ахборот таъминотида кўп учрайдиган қўйидаги омилларга эътибор қаратинг:

- 1.Электрон карталарни яратилган муддати эскирган
- 2.Ер участкаси тўғрисидаги хаққоний маълумотларни олиш имкони бўлмаяпти
- 3.Электрон дастур мавжуд эмас
- 4.Маълумотлар тизимланмаган
 - Ушбу камчиликларни кўп ёки кам учрашини аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва носозликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
 - Ноқулайликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқинг.
 - Ноқулайликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хуносалар ёзинг.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик групда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Ер кадастри ахборот тизимини шакллантиришнинг назарий асослари.

Режа:

- 1. Ер кадастри ахборотининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.**
- 2. Ер участкаси – ер кадастрининг бирламчи маълумотлар манбай сифатида.**
- 3. Ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонунчилик базасини шакллантиришнинг методологик асослари.**

Таянч иборалар: ер контури, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, ер муносабатлари, кўчмас мулк объекти, ер кадастри, ер хисоби кўрсаткичлари, ер баҳолаши, кадастр рақами, ер баланси.

1.1 Ер кадастри ахборотининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Ер ресурсларидан фойдаланиш мақсадларида жамият талаблари сабабли ер ахбороти зарурати туғилди. Жамиятда ердан фойдаланиш кўп мақсадли характерга эга, шунинг учун бу кўп мақсадли жараёнлар турли- туман бўлади. Ер ахбороти жамият фаолиятининг барча соҳаларида, барча маъмурий-худудий даражасида ер ресурсларининг ҳолати ва ундан фойдаланишни тавсифловчи маълумотлар, хабарлардан иборат.

Ер ахбороти деганда маҳсус (кадастр) кўрсаткичлари мажмуаси тарзида келтирилган ягона давлат ер фондининг ҳолати ва ундан фойдаланиш, унинг асосий категориялари, ер-кадастр бирликлари ва уларнинг таркибий элементлари ҳақидаги миқдорий ва сифатий маълумотлар(хабарлар) тушунилади. У мамлакат ер фондининг ҳолати, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни акс эттирувчи натижалар бўлиб ҳисобланади, мамлакат ягона ер фондидан ва унинг таркибий қисмларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласи.

Ер ахбороти иқтисодий бир кўриниш бўлиб, ердан фойдаланиш ва қўриқлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнларини тавсифлайди. Ахборотнинг иқтисодий мазмуни жамиятда ерга муносабатларни акс эттирувчи ердан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатларига боғлиқ. Шу сабабли ер ахбороти иқтисодий мазмун-моҳиятга эга. У меҳнат жараёни (ер-кадастр жараёни натижаси) маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ахборотга унинг турли-туманлигига ва сифатига нисбатангина эмас, балки тежамлилигига ҳам талаблар қўйилади, чунки у маълум даражада янги маҳсулотнинг истеъмол баҳосини ҳам аниқлайди. Ахборот қайта ишлаб чиқаришнинг тўла цикли характерли бўлиб, маҳсулот ҳаракатининг ҳамма фазаларини ўз ичига олади. Бошқарув функциялари нуқтаи назаридан ахборот ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш учун

зарурий шарт, меҳнат бошқаруви предметининг воситаси ҳисобланади. Ер ахбороти Ўзбекистон Республикасининг „Давлат ер кадастри ҳақидаги” Қонунида белгиланганидек, халқ хўжалигининг турли масалаларини самарали ҳал қилиш мақсадида қизиқувчи фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун мўлжалланган. Ахборот, аввало, жамиятда ерга муносабатларни тартибга солиш ва ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун зарурдир.

Ер ахбороти бир қатор белгилари бўйича тавсифланади, улар қўйидагилар: ердан фойдаланиш жиҳатлари ва мақсади билан боғлиқ ахборот тузилиши тақдим қилиш шаклларининг мураккаблиги, ахборот кўрсаткичларининг мураккаблиги, ахборотни қайта ишлашни автоматлаштириш (компьютерлаштириш) зарурлиги.

Ахборот ердан фойдаланиш мақсадли вазифаси белгиларига ва жиҳатларига қараб ер ресурсларининг ҳолатини ҳамда тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларида уларни тавсифловчи ахборотларга бўлинади. Ер ҳолатини тавсифлаш учун давлат ер кадастрини киритишда ишлаб чиқиладиган ер кадастри ахборотидан фойдаланилади. Ишлаб чиқиш ҳажми бўйича берилган ахборот асосий ҳисобланади, шунингдек, иккиласмчи (ҳосилавий) ахборотни ишлаб чиқиш шу асосда бажарилади. Турли мақсадлардаги хусусий ер участкаларини шакллантириш ва ташкил этиш мақсадида лойиҳавий ахборот ҳосилавий ҳисобланмайди, бироқ ер кадастри ахборотидан фойдаланиб ишлаб чиқилади.

Иқтисодий ер ахбороти ер ресурслари худудларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди ҳамда ҳосилавий ҳисобланади ва кадастри ер ахборотидан фойдаланиб ишлаб чиқилади. Кадастри ер ахбороти яна қайд қилинувчи, рўйхатга олинувчи ва баҳоланувчи ахборотларга бўлинади.

Ер ахбороти шаклига қараб матнли ахборот, график ва электрон ахборотларга бўлинади.

Ер ресурсларининг миқдорий ва сифатий тавсифларини тасвирловчи маълумотларга эга бўлган ахборотлар матн шаклида бўлиб, у асосан матн ва жадваллар кўринишида берилади.

Ер ахборотининг график шаклда берилиши визуал қабул қилиш, ер

кадастрининг график маъноси ва ер тузиш мақсадида ер участкаларининг (массивларнинг) картографиялаш талабларидан келиб чиқади. Матнли ва график (қоғозга чизилган режалар ва карталар) ахборотлар ер ахборотини келтиришнинг анъанавий усули ҳисобланади.

Ер ахборотини электрон шаклга келтириш ердан фойдаланишда компьютер технологияларини жорий этиш ва ахборот ишлаб чиқиш жараёнларини автоматлаштириш, тартибга солиш, сақлаш, янгилаш ва узатиш билан боғлиқдир. Ахборотни анъанавий усулда ва электрон шаклда тақдим этиш мазмуни ва кўргазмалилиги бўйича деярли бир хилдир, бироқ кейинги ҳолда ахборотни ишлаб чиқишга, тартибга солишга, янгилаш ва узатишга анча кам маблағ ва вакт сарфланади.

Ер ахборотини маъмурий-худудий белгиларига қараб ажратиш ер участкалари, туманлар, вилоятлар, республика бўйича тўла маълумотлар олиш талаблари билан қабул қилинади. Бундай ҳар томонлама ва тўлиқ ахборотлар ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юқорида санаб ўтилган ҳудудлардаги ҳалқ хўжалиги масалаларини ечиш учун зарурдир. Ер ахборотининг ушбу тур бўйича таснифланиш шарти бу кўрсаткичларнинг барча маъмурий-худудий даражаларида эканлигидир. Ер ахборотининг ушбу кўриниши, одатда, „Ўзбекистон Республикаси Ер фонди” жорий йилининг 1.01 ҳолати бўйича келтирилади.

Ахборот кўрсаткичлари уларни ишлаб чиқиш усуллари бўйича ҳам фарқланади. Баъзи ҳолларда кўрсаткичлар ўлчаш жараёнлари (бирламчи) бўйича белгиланса, бошқа ҳолларда бирламчи ҳосилавий ёки иккиламчи кўрсаткичлардан фойдаланиш асосида ҳисоблаб чиқилади, учинчи ҳолда жойнинг ўзида тупроқ типи, участка жойлашган ер, ўлчами ва конфигурацияси ва бошқалар визуал айниглаштириш йўли билан аниқланади.

Ер ахборотининг тузилиш кўрсаткичлари мантиқий, мазмуний боғланган ва табиий, хўжалик ва ҳуқуқий муносабатлардаги ягона давлат фондини тавсифловчи миқдорий ва сифатий тўпламдан иборат.

Ерни ҳисобга олиш (рўйхатга олиш) ахбороти кўрсаткичлари ер

участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини юридик расмийлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг турғунлигини таъминлаш ва муҳофаза қилишга ҳуқуқий асос бўлади. Ер участкасидан фойдаланиш учун топширилган юридик ва жисмоний шахсларнинг реквизитлари мазкур ахборот турининг кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Реквизитлар ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланувчининг номини, унинг манзилини, эгалик қилиш ва фойдаланиш муддати, ер участкасининг майдони, ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш учун берилган ҳуқуқий хизматнинг рақами ва берилган санаси, ер участкасига эгалик қилиш қайдномаси ҳақидаги гувоҳнома, сифатий баҳоси кабиларни ўз ичига олади.

Ерни ҳисобга (рўйхатга) олиш ахбороти кўрсаткичларининг мақсади ер ресурсларининг миқдорий жиҳатдан ҳар томонлама тавсифларини бнришдан иборат. Улар қаторига ер участкалари, туманлар, вилоятлар, республика, шунингдек, санаб ўтилган ҳудудий ер мулклар, майдонларининг контурлари киритилган. Ахборот Ер-баҳолаш кўрсаткичлари тупроқ типлари, ернинг сифати, унинг баҳолаш нархини тавсифлайди. Тупроқнинг сифат кўрсаткичлари жуда кўп, уларга тупроқ типи ва кичик типлари, механик таркиби, чириндилар миқдори, сизот сувларининг шимилиши, шўрланиш даражаси, емирилганлик даражаси, суғориш шароитлари, тупроқ ва ернинг банныланиши, баҳолаш нархи киради. Ерни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларига қуйидагилар киритилган: гектаридан олинадиган ялпи маҳсулот қиймати, ҳосилдорлик, ишлаб чиқариш харажатлари, харажатларнинг қопланувчанлиги, дифференциал даромад, ердан фойдаланиш интенсивлиги кўрсаткичлари-мехнат ва меҳнат воситаларининг солиштирма сарфлари, минерал ўғитларни киритиш нормалари.

Санаб ўтилган ер ахбороти кўрсаткичлари яхлит ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизимидан иборатdir. Ўзаро боғланишга сабаб, биринчидан, ерни рўйхатга олиш ва ҳисоб-китоб қилиш миқдорий кўрсаткичлари орасидаги мавжуд узвий боғланиш бўлса, бунда ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бошланғич кўрсаткич ҳисобланиб, улар асосида ерни рўйхатга олиш кўрсаткичлари билан боғланади. Ерни ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ҳам баҳолаш кўрсаткичларини белгилаш учун

бошлангич (бошқалари қатори) кўрсаткичлар бўлиб чиқади. Иккинчидан, ер ахбороти кўрсаткичлари тизимининг бир бутун ва ўзаро боғлиқлиги уларнинг мақсади вазифаси билан тушунтирилади: улар факат мажмua сифатида ер ресурсларининг ҳар томонлама ва тўлиқ тавсифини бериши мумкин ва улар ер ҳолати ва фойдаланишнинг алоҳида томонларини акс эттириб, факат мажмua сифатида татбиқ этилиши мумкин. Ниҳоят, ҳосилавий микдорий кўрсаткичларнинг сони жуда кўп эканлиги уларни методик жиҳатдан аниқлаш, ишончлилиги ва таққосланарлиги улар орасида боғланишлар мавжудлигини кўрсатади.

Ер ахбороти кўрсаткичлари тизими борган сари мураккаблашиб бориш тенденциясига эга. Диалектик жиҳатдан амалга ошган ҳар қандай эҳтиёж, шу жумладан, ишлаб чиқариш талаби ҳам, объектив равища янги, янада мураккаб эҳтиёжни юзага келтириб чиқаради. Шу сабабли эҳтиёжларнинг ўсиши ва мураккаблашуви ишлаб чиқариш ривожланишининг қудратли омили ҳисобланади, у ўз навбатида, бундан ҳам мураккаброқ имкониятларнинг амалга ошишини кўзда тутади. Бу айтилганлар ер-кадастр ахборотларига ҳам ўринлидир. Жамиятда ерга бўлган муносабатларни ўзгартириш, ернинг ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда иқтисодий омиллар ролининг ошиб бориши ер ресурсларининг ҳолати ва фойдаланиши хақида янги қўшимча ахборотларга талабларнинг ошишига сабаб бўлади. Ахборотга бўлган талабларнинг ўсиши, ўз навбатида, уни ишлаб чиқиш, янги кўрсаткичларни яратишнинг технологик жараёнларини такомиллаштиришни тақозо қиласди, яъни ер ахбороти кўрсаткичлари тизимини объектив равища мураккаблаштиришга сабаб бўлади.

Ер ахбороти кўрсаткичларининг тавсифланиши, амалий жиҳатдан, уларни олишнинг оқилона усулларини танлашга, уларнинг ишончлилигини, амалда қўллаш учун яроқлилиги ва тежамлилигини баҳолашга ва ахборот сифатини баҳолашнинг илмий-методик асосини ишлаб чиқишига ёрдам беради. Кўрсаткичларни таснифлаш ахборотни барча белгилари бўйича тартибга солишига имкон беради ва уни истеъмолчиларнинг сўровлари бўйича тезкор излаб топиш ва

тақдим этиш учун шарт-шароитлар яратади.

Ер ахбороти кўрсаткичлариниг мазмун-моҳияти ва уларнинг вазифасини қараб чиқамиз. Ахборот назариясида исталган кўрсаткичнинг вазифаси ҳодиса ёки жараён маъносининг миқдорий ўлчовини аниқлашдан, яъни уларнинг сифат томонларини тавсифлаш дан иборатdir. Академик В.С.Немчиновнинг таърифига кўра, ҳар қандай кўрсаткич „... муайян сифатнинг миқдорий ифодаланиши ва у фақат бирор сифатини ўчрайдиган ҳолдагина маънога эгадир” (17). Ер кадастр ахборотининг объектнинг миқдорий томонини унинг сифат характеристикиси билан мантиқий боғланишини ифодаловчи ҳар бир кўрсаткичи ўзининг аниқ мазмуний таърифига эга, бу ҳодиса содир бўлган жой ёки ҳудудга, вақти (санаси) ва у ифодаланган катталик бирлигига эга бўлади (17).

Ер кадастр ахборотининг бўлинмас структуравий бирлиги, иқтисодий ахборотники каби реквизит-белгиси ва реквизит-асосини ўз ичига олувчи реквизитлар ҳисобланади (24). Биринчиси объектнинг сифат томонини тавсифлайди ва натурал ёки нарх-наво ўлчамликларидан, абсолют ёки нисбий катталикларда олинган сонлар билан белгиланади. Реквизитларнинг иккала тури юқорироқ разряддаги структура бирлигини ташкил этади – бу кўрсаткич иқтисодий кўрсаткич бўлиб, фақат битта асосга ва бир ёки бир нечта белгиларга эга. Ер-кадастр ахборотида ер-мулк майдони контури, ер-мулклар, заминдорлик ва ердан фойдаланиш (ер участкаси), ерни баҳолаш баллари асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Масалан, контур асоси-унинг майдони, белгиси ер-мулк тури ҳисобланади. Ер-кадастр ахбороти кўрсаткичларининг кўп қисмини биттадан кўп белгига эга: ер-мулк туридан ташқари табиий шароитлар ва ердан фойдаланишнинг хўжалик шарт-шароитлари, масалан, суғориладиган шудгорлар, бутазор яйловлар ва бошқалар кўрсатилади.

Ер мулк контури муҳим иқтисодий хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирламчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Контур, ахборот кўрсаткичи сифатида, жойнинг ёпиқ чизма билан чегараланган ер участкасининг миқдорий ўлчовини тавсифлайди. Контур ер мулкининг маълум кўринишини тавсифлайди, унинг миқдори ва сифатини белгилайди. Контур бирламчи кўрсаткич сифатида,

заминдорлик ва ердан фойдаланишда ер мулкининг ҳамма турини барча сифатий тавсифи билан аниқлаш учун ерни ҳисобга олишдаги бирламчи ўлчов бирлиги бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бу кўрсаткич ички хўжалик ҳисоби билан чамбарчас боғланган. Контур доирасида барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича барча ишлаб чиқариш жараёнлари амалга оширилади, ҳамма турдаги ресурсларга қилинадиган харажатлар бажарилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳосилдорлик аниқланади. Ер ижарасида контур муҳим аҳамиятга эга. Ер майдони ва сифатини ҳисобга олишда ер-мулк контурининг реквизитлари ўрнатилади.

Ер-мулклар ер кадастрининг асосий элементи каби ер-кадастр ахборотининг миқдорий ва сифатий жиҳатдан ҳосилавий кўрсаткичини тавсифлайди, унинг асосида бирламчи кўрсаткич – ер-мулклар контури ётади. Барча турдаги ер-мулкларнинг миқдорий ва сифатий ўлчовлари контурники билан бир хил бирликларда ўлчанади, натижада бў кўрсаткичларнинг таққосланарлилик методологик асоси жорий этилади. Ер-мулклар хўжалик, иқтисодий тушунчалар бўлиб, бу кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти билан боғлиқ бўлади. Шунинглек, у ер миқдори ва сифатини ҳисобга олиш жараёнида ҳам аниқланади.

Ер участкаси, асосий ер-кадастр бирлиги сифатида, ер-кадастр ахборотининг бирламчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бу кўрсаткич битта асосга-ер участкасининг майдони кўрсаткичига эга ва бир нечта белгилари бор: заминдорлик ёки ердан фойдаланиш номига, тури ва фойдаланиш муддати, тартиб рақами ва ерга эгалик қилиш вайд қилинган санаси. Ер участкаси, ердан фойдаланишнинг хуқуқий томонини ва иқтисодий моҳиятини ифодалаб, берилган ахборот кўрсаткичининг хуқуқий ва ивтиносий характеристини белгилайди. Ер участкасига эгалик хукуқини рўйхатга олишда белгилаб ўтилади. Бирламчи кўрсаткич каби туманнинг умумий майдонини аниқлаш учун фойдаланилади.

Баҳолаш бали ер баҳолаш ахборотининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. У биргина асосга эга-сони (баллар сони) ва бир неча белгига: тупроқ баҳоси, ҳосилдорлик, ишлаб чиқариш харажатлари, харажатларнинг қопланувчанлиги, дифференциал даромад, ер-мулкининг самарадорлигига эга. Уни ҳисоблаб чиқиш

учун бир қатор иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан асосийси ва мажбурийси-ер ҳисоб-китоб ахбороти ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар баҳолаш ахборотининг қўшимча кўрсаткичларини- меҳнат ва меҳнат воситалари солиштирма харажатларини, минерал ўғитларни киритиш нормаларини ҳисоблаб топиш учун зарур кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу ҳолат ерни баҳолашнинг ерни ҳисобга олиш маълумотларига асосланиши зарурлигини кўрсатади, ахборот турлари орасидаги узвий боғланишда, ерни ҳисобга олиш ахборотлари қийматларининг устунлигига сабаб бўлади. Ҳамма ер-кадастр ахборотларининг сифатий ва амалий аҳамияти, аввало, ер-ҳисоби кўрсаткичларини белгилаш ишончлилигига ва тежамлилигига боғлиқ бўлади.

Ахборот кўрсаткичлари юқорироқ даражадаги структура бирликларини: хабарлар, массивлар, ахборот оқимларини шакллантиришга имкон беради. Ер участкаси даражасидаги тегишли кўрсаткичлар тўплами ер-кадастр ахбороти маълумотларини ташкил этади: ерни ер-кадастр ахбороти билан ерни экспликациялайди. Маълумотлар тўплами тегишли даражадаги ер-кадастр ахбороти массивларини ташкил этади, улар туман, вилоят, мамлакат миқёсида ер фондини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти сифатида яққол кўринади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ер ахбороти қандай моҳиятга эга?
2. Ер ахборотининг иқтисодий моҳияти қандай тушунтирилади?
3. Кадастри ер ахбороти атамаси нимани англатади?
4. Ер ахборотини келтириш шаклларини айтинг.
5. Ер ахбороти турларини айтинг.
6. Кўрсаткичларнинг моҳияти нимадан иборат?
7. Ер ахбороти кўрсаткичларини таснифлаб беринг.
8. „Ер участкаси“ атамаси деганда нима тушунилади?
9. „Ер мулки“ атамаси қандай тушунилади?
10. „Ер мулк контури“ атамасини тушунтиринг.

11. „Тупроқ (ер)ни баҳолаш бали” тушунчасига қандай мазмун берилади?
12. „Хабарлар”, „массивлар”, „ахборот оқимлари” атамалари қандай маънони англатади?

1.2 Ер участкаси – ер кадастрининг бирламчи маълумотлар манбаи сифатида.

Республикамиз миқёсида ердан фойдаланувчи субъектларнинг сони, майдони, тупроқ сифати, ижтимоий – иқтисодий, экологик ва техник-ташкилий тизимларини ҳамда ресурслар таъминотини муттасил ўзгариб бориш жараёнида ер - ахборот базасини яратиш ва уни амалиётда қўллаш заруриятини туғдирмокда. Албатта, бу жараён кўп қиррали ва хажмдор ахборот алмашишнинг кенг қўламини қамраб олади.



Маълумки Республикаизда 6 млндан ортиқ ердан фойдаланувчи субъектлар тасарруфидаги 6,6 млнга яқин ер участкалари мавжуд. Ер участкасининг майдони ва бошқа ўлчамлари хажмидан қатъи назар, у табиат ва атроф мухитнинг ажралмас бир бўлаги хисобланади. Келтирилган таърифга асосан, ер участкаси – чегараси, майдони, манзили, хуқуқий мақоми ва кадастр ракамларига эга бўлган ер фондининг бир бўлаги деб хисоблаймиз[1]. Шу нуқтаи назардан, ер участкасини ер кадастрининг бирламчи маълумотлар манбаи деб хисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам ер кадастри обьектлари ўртасида ер участкасининг аҳамияти катталигини эътироф этилади. Қўйидаги расмларда ер контуридан бошлаб республика миқъёсигача бўлган босқичларда ер участкаларининг шаклланиш жараёнининг умумий тизими акс эттирилган (1, 2, 3 ва 4- расмлар).

Ердан фойдаланиш субъектлари ва ер-ахборот базасининг шаклланиш босқичлари



1-расм. Ер контурини шакллантириш шартлари(1-босқич).

2-расм. Ер участкасини шакллантириш омиллари (2-босқич)



3-

расм. Туман (шахар) ер-ахборот базаси (3 – босқич).

4-расм. Республика ер-ахборот базаси (4– босқич).

Изоҳ: ҚФЙ - Қишлоқ фуқаролар йигини, МФЙ - Махалла фуқаролар йигини, ҚҚР – Қора- қалпоғистон Республикаси.

Республикамизда ер кадастри маълумотлари базасини шакллантириш учун ердан фойдаланувчи субъектларга оид ер - ахборот тизимини яратишда қуидаги блоклар (таркибий қисмлар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ердан фойдаланишга оид хуқуқий хужжатлар тизими;
- ер ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар тизими;
- ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш тизими;
- кўчмас мулк обьектлари ҳақидаги маълумотлар тизими;
- ер участкисининг техник- иқтисодий кўрсаткичлар тизими;

Ердан фойдаланишга оид хуқуқий хужжатлар ва ер ҳисоби хар бир ердан фойдаланувчи субъектнинг ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда ердан фойдаланиш хуқуқини берувчи хужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Хозирги даврда фаолият юритаётган субъектларнинг ер участкасига бўлган хуқуқларини рўйхатга олиш маълум бир ер майдонидан фойдаланиш хуқуқларини расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Бунда дастлабки хужжатлар ер участкаларининг хуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади.


Ер участкаларини рўйхатга олиш жараёнининг якуний босқичида хар бир ер участкасига кадастр рақамларини шакллантириш ишлари бажарилиши қўзда тутилади. Шу сабали мамлакатимизда ер кадастри тизимини ривожлантириш, фойдаланувчиларга ўз вақтида қулай, керакли маълумотларни тақдим этиш, уларни ягона услубият асосида электрон ахборот кўринишида маълумотлар базасини яратиш учун кадастр рақамларини қўллаш долзарб ҳисобланади. Маълумки, кадастр рақами Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ер участкаси ва унинг ҳудудидаги кўчмас мулкларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга оид ягона, такрорланмас кадастр рақамлари бериш мақсадида амалга оширилади. Кадастр бўйича бўлиш ва кадастр рақами бериш тизими кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимида ҳар қандай ер участкаси, бино ва иншоотларни бир хилда идентификациялашни таъминлайди.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарорининг иловасига мувофиқ кадастр рақами 21 рақамдан иборат тузилмага эга [2].

2014-2016 йиллар давомида Тошкент вилояти Қиброй тумани ҳудудида жойлашган 42000 дан ортиқ ер участкаларини рўйхатлаш ишларини амалга ошириш жараёнида олиб борилган тадқиқотлар давомида ер участкалари бўйича кўрсаткичлар тизимини яратишда маълум қонуниятлар аниқланган. Яъни,

биринчидан Давлат кадастрлари ягона тизимиға киравчи ер ҳамда бино ва иншоотлар кадастрларини юритиш ва ушбу тизимда маълумотлар базасини яратишда кадастр рақамлари орқали маълумотларни киритиш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчиларга белгиланган тартибда тақдим этиш туман(шаҳар) бўйича ягона тизимни яратиш имконияти пайдо бўлади. Иккинчидан, кадастр рақамлари бу такрорланмаслиги ва уни ер кадастри маълумотлар қатламиға киритишда асосий кўрсаткич эканлиги билан аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистонда кенг ривожланиб бораётган ер-ахборот банкини яратишда ер ва кўчмас мулк кадастрларини шакллантириш, улар тўғрисидаги тўлиқ ахборотларни харидорларга ёки шу соҳа вакилларига кўрсата билишда ҳам қидирув тизимини жорий этиш зарур ҳисобланади. Бу жараён ўз-ўзидан маълумки вакт сарфини тежашни, иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



5-рас
м.
Ер
уча
стк
аси
га
оид
кад
аст
р
рак
амл

арини қидирув намунаси.

Юқорида қайд этилган ер участкасига бериладиган кадастр рақамларини шакллантириш жараёни қарорда белгиланган тартибда амалга оширилиши хар бир ердан фойдаланувчи субъект тасарруфидаги ер участкаси худудидаги кўчмас мулк объектларини ҳам инобатга олган холда бажарилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 5-расмда ер участкасида шакллантирилган кадастр рақамларини маҳсус электрон дастур ёрдамида бажариладиган қидирув тизимининг намунаси кўрсатилган.

Бу расмда кадастр рақамидан фойдаланиб, ер участкаси ёки унда жойлашган обьект тўғрисидаги маълумотни кам вакт сарфлаб, тезкорлик билан олиш мумкинлиги кўрсатилган. Ер участкаси даражасида шаклланадиган ер кадастри маълумотлар банкини яратишда ҳамда ахборотлар алмашинувида хозирги вақтда ягона формат сифатида ArcGIS формати кўлланилмоқда. Кадастр рақамларидан фойдаланишнинг афзаллик тарафи шундан иборатки, ер участкасига, бино, иншоотга эгалик қилиш ҳукуқларининг бошқа қонуний ҳукуқ эгасига ёки ҳукуқ турининг ўзгаришини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур обьектларнинг кадастр рақами ўзгартирилмайди.

Ер участкаси билан, мавжуд чегараларнинг ўзгариши ва янги участкаларнинг

шакллантирилиши билан боғлиқ равища бўлиш ёки унинг бошқалари билан кўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи жараёнларни амалга ошириш вақтида уларга белгиланган тартибда янги кадастр рақамларини берилиши хам назарда тутилади. Бундай холатда дастлабки берилган кадастр рақамлари йўқотилган ҳисобланади ва улардан қайта фойдаланилиши мумкин эмаслиги эътироф этилади. Булар эса маълумотларни бир тизимда фойдаланишда муаммоларни келтириб чиқармайди. Яъни, Қибрай туманида ер кадастрини юритишга оид ишларни бажаришда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ер участкалари га кадастр рақам бўйича янги фойдаланувчиларни қайд қилиб бориш эвазига архив маълумотларни кўздан кечиришни соддалаштириш жараёни кузатилган.

Ер ҳисоби давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятлари билан боғлиқдир. Халқ хўжалиги тармоқларида ер участкалари белгиланган мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан, ер участкасида ер ҳисобини доимий равища юритиш ишлари ни амалга ошириш мухимдир. Ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқларида (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги) ер участкаларини макон асоси сифатида ҳисоб қилишдан ташқари, унга асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида хам қараш зарур бўлади.

Кўйилган аниқ вазифалари га асосий мақсадларига қараб ер ҳисоби турлича ахамиятга эга бўлиши мумкин. Баъзан у давлат миқъёсдаги ёки маълум бир тармоқдаги ер участкаси бўйича тадбир сифатида гавдаланади. Бундай шароитда унинг вазифаси, мазмуни ҳамда юритиш тартиби давлат томонидан белгиланади: ер ҳисоби маълумотлари ва уларни олиш усуслари; ҳисоб китоб ва ҳисбот хужжатларининг шакллари ва мазмуни; уни амалга оширувчи органлар ва мутахассислар; ерларни ҳисоб қилиш ишларини доимий юритиб бориш вазифалари бажарилади.

Ер ҳисобининг обьекти ягона давлат ер фонди бўлганлиги сабабли кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу ер майдонлари маълум мақсадларда фойдаланилаётими ёки йўқми, булардан қатъий назар, ер фондига кирувчи барча ер участкалари ҳисоб қилинади. Демак, ягона давлат ер фондининг барча майдонларини ер ҳисоби ҳамма ер участкаларини қамраб олиши керак. Бу ўз навбатида ер участкаси бўйича ер ҳисоби маълумотларини шакллантиришни тақозо этади.

Ер участкасида ер ҳисобини тўғри ташкил этишнинг мухим шарти уни ўз вақтида ва узлуксиз юритишдир. Бу эса ер ҳисоби маълумотларини давр талаби даражасида тутишга имкон беради. Бу тамойил ер майдонларининг ҳолати ва фойдаланишида рўй берадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларни тизимли тарзда ҳисоб қилиб боришга зарурият туғдиради.

Ер ҳисобида юқори аниқлик талаб этилган ҳолда унинг юритиш турларига риоя этишни таъминлаш зарур бўлади. Ер ҳисоби барча ер участкалари ва уларнинг таркибига кирувчи обьектлар даражасида, жумладан, бино-иншоотлар, ҳайдалма ерлар, қўп йиллик дарахтзор, пичанзор, яйлов, бўз ер ва бошқа ер турларига бўлинган ҳолда контурлар кесимида олиб бориш талаб қилинади. Шунинг учун, ер ҳисобини ўтказишда кам харажат талаб қиласидиган

маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувнинг такомиллашган усулларини қўллаш мамлакат ягона ер фонди ҳисобини тўғри, ўз вақтида юқори сифатда амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини муваффақиятли юритишга замин тайёрлайди.

Ер кадастрини ахборот тизими таркиби киравчи ер баҳолаш, яъни, тупроқнинг сифат холатига оид маълумотлар блокида акс этувчи маълумотлар тупроқ баҳолаш ва тупроқ қидирав ишларининг материалларидан ҳамда хўжаликнинг тупроқ ҳаритасида келтирилган экспликациядан олинади. Ер баҳолаш ишлари давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми ҳисобланади. Баҳолаш ишларини амалга оширишни муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, унинг обьекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир.

Кўчмас мулк обьектлари ҳақидаги маълумотлар тизимини шакллантиришда ер участкаси худудида жойлашган барча бино-иншоотлар ва кўп йиллик дараҳтлар бўйича ер кадастри ахборотлари ер участкалари даражасида йиғилиб тартибга солинади.

Ер кадастрига оид ер участкалари тўғрисидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар блокида барча ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкалари худудий жойлашувини тавсифловчи ҳамда моддий бойликлари, молиявий-иқтисодий аҳволи ҳақидаги тўлиқ маълумотларни жамлаш тавсия этилади. Ушбу маълумотлар ердан фойдаланувчи субъектларнинг келажакдаги фаолиятида асқотадиган ер участкасининг техник такомиллашуви ва иқтисодий ривожланиши бўйича тафсиялар бериш учун ҳизмат қиласида.

Демак, ер кадастри жараёнига тортиладиган ер участкалари худудидаги ердан фойдаланиш ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиш ва хўжалик субъектини келажакдаги фаолиятини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш мақсадида юқорида берилган ер-ахборот тизимини шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, маъмурий туман ёки шаҳар худудидаги ер кадастри маълумотлар тизимини шакллантиришда ер участкаси бўйича ер-ахборот базасини замонавий кўринишида ва талаб даражасида юритиш учун марказлашган ахборотлар банкини яратиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини эътироф этимиз.

Маълумки, ер кадастрига оид ахборотлар оқимининг асосини ташкил этувчи бошланғич маълумотлар ерга эгалик қилиш ёки ердан фойдаланиш даражасида шакллантирилади. Маълумотлар оқими турлича омиллар таъсири остида ўзининг ҳолатини ўзгартириб ер кадастрини юритиш жараёнидаги барча босқичларда изчил ўтади. Баъзи кўрсаткичлар вақти билан ўзининг таркиби ва мазмунини ўзгартириб боради ёки ер кадастрини юритишнинг муайян даражаси учун аҳамиятини йўқотиши мумкинлиги тадқиқотлар давомида ўрганилган. Бошқа яъни, нисбатан ўзгармайдиган кўрсаткичлар аксинча, мухим аҳамият касб этиши ҳам аниқланган. Буларга ер участкасининг умумий майдони, шакли, манзили ва

х.к. киради.

Ер - ахборот тизими геоахборот тизимининг ости тизими бўлиб, ер, кўчмас мулк ва унга бўлган ҳукуқ билан боғлиқ ахборотларни бошқариш, таҳлил қилиш, акс эттириш учун мўлжалланган кадастр тизими ривожланишининг маҳсули бўлади. Демак, ер участкаси даражасида шаклланадиган ер кадастри ахборот базасини яратишда маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, компьютер хотирасида сақлаш, янгилаш, таҳлил қилиш, яна қайта ишлашни таъминловчи электрон дастурий воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги даврда республикамизда ер ресурсларидан фойдаланишни оқилона бошқариш учун объектив омиллар сони ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида бевосита ер участкалари тўғрисидаги кўп қиррали ва батафсил ахборотларни маҳаллий худудий бошқарув органлари кўламида яратишни хамда амалиётда жорий этишни талаб қилмоқда. Бу маълумотларни тайёрлашда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари қуи бўғинда бўлиб, туман миқёсида ер-ахборот базасини шакллантиришда асосий поғона ҳисобланади.

Қибрай туманида ер кадастрига оид ер-ахборот тизимини яратишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни қўрсатадики, ердан фойдаланувчи субъект ва туман даражасида ер фондидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳақидаги умумий маълумотлар етарли бўлмаган ва яхлит тизимда шаклланмаган хозирги шароитда мукаммал ер-ахборот базасини яратиш зарурияти мавжуд. Бу эса туманда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар тасарруфидаги ер участкалари даражасидаги ер - ахборот тизимини яратишга ва такомиллаштиришга ундовчи бирламчи омил деб ҳисоблашга асос бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг тадқиқотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси, Қора Қалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар миқёсида олиб борилаётган ер кадастрини юритиш бўйича тадбирларни бажарилишида хар битта ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар яхлит ер-ахборот тизими сифатида шаклланниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ер участкаси ер кадастрининг бирламчи маълумотлар манбаи сифатида тадқиқ этиш заруриятини эътироф этамиз. Бунда айниқса ер участкаларидан фойдаланиш жараённида ва уларга оид маълумотларни тезкор ўзгариш шароитида ер-ахборот тизимини ўрнининг аҳамияти катталиги қайд этилади.

1.3 Ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонунчилик базасини шакллантиришнинг методологик асослари.

Ер ахборотини тайёрлаш ва фойдаланиш доирасида муносабатларин тартибга солиш мақсадида республикада тегишли қонунчилик базаси ишлаб чиқилган. Қонунчилик базаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат Ер кадастри тўғрисида” қонунини, Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти ҳақида” қонунини, Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби ҳақидаги

Низомни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998 йил, апрель) мамлакатда ердан фойдаланиш ва ер ахборотидан фойдаланишни тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Унда Ер ҳақидаги ахборот ернинг табиий, хўжалик ва хуқуқий ҳолати, уларнинг категориялари, сифат ва қиймат характеристикалари ҳақида, ер участкаларининг жойлашиши ва майдони ҳақида, ер участкалари бўйича тақсимланиши ҳақидаги зарур ва ишончли маълумотлар тизимидан иборат экани қайд қилинган (15-банд).

Ер ҳақидаги ахборотларда давлат органлари учун, ердан фойдаланишни бошқариш ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаларини бошқариш, ундан юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланилиши кўзда тутилган. Бунда улар ер ресурсларини ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш, ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, ердан фойдалангандик учун тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва асослаб бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фойдаланишлари мумкин. Ер ҳақидаги ахборотлар ҳужжатлаштирилган материал бўлиб, ундан ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда, ер участкаларини ажратиб бериш ва олиб қўйиш, ер учун тўловлар суммасини белгилаб бериш ва бошқа тадбирларни амалга оширишда албатта фойдаланиш шарт. Ер ахбороти Ўзбекистон Республикаси ягона давлат кадастрлари тизимини ташкил этувчи хўжалик ва табиий ресурслар бўйича давлат ва тармоқлар кадастрларини юритиш учун асос бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ер-кадастр ахбороти ҳақида тушунча берилган, ер ахбороти тузилиши ва турларининг мақсади, вазифаси ҳақида таъриф берилган, унинг ҳужжатлаштирилиши, амалда мажбурий қўлланилиши кераклиги қайд этилган. Давлат ер кадастрининг мақсади ер-кадастр ахборотини шакллантириш бўйича ягона тизим сифатида таърифланади, уни маҳсус ишлаб чиқиш методлари аниқланган. Ер ҳақидаги ахборотларни ишлаб чиқиш бюджет маблағлари ҳисобига, шунингдек, ер билан ишлайдиган субъектларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида” Қонуни (1998 й.

август) ер ахборотини ишлаб чиқиши соҳасида қонуний ҳужжат ҳисобланади. Қонуннинг 1-бандида унинг мақсади давлат ер кадастрини юритиш ҳуқуқий асосини ўрнатиш, кадастр маълумотларидан иқтисодиётни тараққий эттириш учун фойдаланиш, ер участкаларига ҳуқуқий кафолат бериш, ерлардан оқилона фойдаланиш, тиклаш ва муҳофаза қилишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси ер ахборотининг жамиятнинг барча фаолиятида ва аввало иқтисодий соҳасида мухим рол ўйнашини таъкидлайди.

Ер-кадастр ахбороти рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларининг мажмуаси каби талқин қилинади (23-банд). Бу қонунга ерлардан фойдаланиш, тиклаш ва муҳофаза қилишда, ер участкаларини ажратиб бериш ва олиб қўйишида, ер участкаларини, ер тўловини аниқлашда, ердан фойдаланиш функцияларини амалга оширишида, ерга нисбатан қонуний муносабатларда ва субъектларнинг хўжалик фаолиятин баҳолашда албатта риоя қилиш керак. Ер-кадастр ахбороти кадастр маълумотларида жамланади. Бундай ҳужжатларга қўйидагилар киради: ер участкасига эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома, туман (шаҳар)нинг ер-кадастр китоби, ернинг миқдорий ва сифатий ҳолати ҳамда баҳоси ҳақидаги ҳисботлар, анъанавий ва электрон шаклдаги кадастр карталари ва планлари. Мамлакатнинг асосий кадастр ҳужжати ер ресурслари ҳолати ҳақидаги Миллий Ҳисботидир, у ҳар йили тайёрланади ва бутун республика бўйича ерлар миқдори ва сифати ҳамда уларнинг баҳоси кўрсатилган бўлади (11-банд).

Қонунда рўйхатга олинган, ҳисобий ва баҳолаш ер ахбороти тушунчаси ва мазмuni алоҳида кўрсатилган. Ер участкаларига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишида ер-кадастр китобига қўйидаги маълумотлар киритилади: қонуний ҳуқуқий муносабатлар субъекти ҳақида, ер участкаси ҳақида, ер участкасини ажратиб бериш шартлари ҳақида, эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиллиги ҳақида гувоҳнома (14-банд). Қонуннинг 17-бандида ер участкаларининг ўлчами, жойлашиши, турлари ва сифати ҳақида маълумотлар ер-ҳисоби ахборотини ташкил этади дейилган. Қонунда халқ хўжалигида баҳолаш ахборотининг роли ва вазифасига алоҳида ўрин берилган. Ерни баҳолаш ахбороти

ер участкаларининг сифати ва уларнинг қиймат баҳолари ҳақида маълумотларни ўз ичига олади (18, 19-банд). Баҳолаш аппарати асосан ер учун тўловларни белгилашда, ер ва кўчмас мулк бозори учун, умуман, ер рентаси муносабатларини таҳлил қилишда қўлланилади.

Ахборот ишлаб чиқариш ва фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг „Ахборотлаштириш ҳақида” Қонуни (2004 й). билан тартибга солиб турилади. Унда ахборот соҳасидаги маҳсус атамаларининг изоҳи келтирилган (3-банд).

Қонунда таърифи келтирилган „ахборотлаштириш” деганда, юридик ва жисмоний шахслар талабини қаноатлантириш учун ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнларни ташкил этишда уларни ахборот ресурсларидан, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланишга шарт-шаротилар яратиш тушунилади. Демак, „ахборотлаштириш” барча фойдаланувчиларни ахборот ресурслари асосида ижтимоий тизимлаштирилган таъминлаш жараёни каби қаралади ва замонавий ахборот технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланилади. Бунда „ахборотлаштириш” тушунчасини аниқлаш учун бир қатор бошқа тушунчалардан ҳам фойдаланилади, булар: ахборот ресурслари, ахборот технологияси, ахборот тизими; буларга ҳам Қонунда тегишлича изоҳ берилған.

Ахборот ресурси Қонунда ахборот тизимидағи электрон шаклда берилган маълумотлар банки, маълумотлар базаси деб талқин қилинади. Таърифдан келиб чиқадики, ахборот ресурси ахборот (маълумот) дан фақат тақдим этиш шакли – электрон шаклда берилиши билан фарқ қиласди. Демак, ахборот ресурси ахборот (маълумот)нинг ўзи бўлиб, фақат электрон шаклда берилади ва компьютер хотирасида қаттиқ диск ёки бошқа магнит элтувчилар (флешка, DV-диск, дискет)да сақланади. Бунда электрон шаклдаги ахборот албатта ахборот тизими таркибида бўлади. Бошқача айтганда, ахборот ресурсининг таърифи, ўз навбатида ахборот тизими атамасига таянади.

„Ахборот технологиялари “ тушунчаси Қонунда ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, ишлов бериш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган методлар, қурилмалар,

усуллар ва жараёнлар тўплами деб таърифланади. Амалда ахборот технологиялари ахборотларни электрон шаклда тўплаш, сақлаш, излаш, ишлаб бериш ва тарқатишга ёрдам берувчи методологик асослар ва маҳсус техник воситалар тўпламидан иборатdir.

Ахборотларни тўплаш, сақлаш, излаш, ишлаб бериш ва фойдаланишни амалга оширишга ёрдам берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг тартибга солинган тўплами Қонунда „ахборот тизими” сифатида талқин қилинади. Бошқача айтганда, ахборот тўплами (ахборот ресурси) деганда ахборотни шакллантириш ва фойдаланиш учун методологик асослар ва маҳсус техник воситалар тўплами, шунингдек, барча истеъмолчиларга етказиб беришни таъминловчи алоқа техника воситалари тушунилади.

Қонунда белгилаб ўтиладики, ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатининг йўналишларидан бири ҳар бир истеъмолчининг ахборот олиш ва тарқатишга конституциявий хуқуқини амалга ошириш ва шунингдек, ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади(4-банд). Ахборот тизимларининг ишлаши учун хуқуқий режим ўрнатилган, улар қуидагилардан иборат (7-банд):

-ахборотни хужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш;

- кириш (олиш) мумкин бўлган ахборот ресурслари категориялари;
- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш тартиби;
- ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиш тартиби.

Ахборотни хужжатлаштириш ахборотни ахборот тизимига улашнинг мажбурий шарти ҳисобланади (8-банд). Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ундан фойдаланишга ҳақлидир, кириш тақиқланган ахборот ресурслари бундан мустаснодир (12-банд). Юридик ва жисмоний шахслар ер участкалари ва кўчмас мулк обьектлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурсларидан тўлиқ ва ишончли эканига ишонч ҳосил қилиш мақсадида эркин фойдаланишлари мумкин(14-банд).

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимидан ноқонуний фойдаланишдан

ҳимоя қилинади.

Жамиятнинг турли фаолиятида ва иқтисодиёт соҳаларида ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар тегишли қонунлар билан тартибга солиб турилади, бу қонунлар: Ўзбекистон Республикаси „Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонуни (1992 й), „Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тұғрисида” Қонун (2004 й), „Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Қонун (1993 й), „Ўрмон ҳақида” Қонун (1999 й) ва бошқ. Бу масалада Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамаси томонидан 1998 йил 543 раками билан тасдиқланган давлат ер кадастрини юритиш ҳақидаги Низоми мухим рол ўйнайди.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг „Давлат кадастрлари тўғрисидаги” Қонунида давлат ва тармоқ кадастрларини юритишида зарур бўлган ер ахбороти ҳақида, шунингдек, ер-рўйхатга олиш, ер-ҳисоби ва ер-баҳолаш, табиий ва хўжалик обьектлари жойлашган графикли кадастр режаси ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республика Ер кодексининг 15-бандида кўрсатиб ўтилганки, давлат ер кадастри маълумотлари бошқа давлат ва тармоқ кадастрларини юритиш учун асос бўлади.

Қараб чиқилган ва санаб ўтилган қонуний-норматив ҳужжатлар ер ахбороти ишлаб чиқариш ва фойдаланишда ҳуқуқий база бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг янги кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, унда жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва экологик характердаги ҳамда ердан фойдаланиш, шунингдек ер ахборот таъминоти соҳасидаги барча ўзгаришлар акс эттирилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ер ахбороти соҳасида қонунчилик базаси нималарни ўз ичига олади?
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ер ахборотини ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг қайси масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?

3. Ўзбекистон Республикасининг „Давлат ер кадастри ҳақида”ги Қонуни ер ахборотини ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг қайси масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?
4. Ўзбекистон Республикасининг „Ахборот ҳақида”ги Қонуни ер ахборотини ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг қайси масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?
5. Ўзбекистон Республикасининг „Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги” Қонуни ер ахборотидан фойдаланишнинг қайси масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?
6. Ўзбекистон Республикасининг „Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида” ги Қонуни ер ахборотидан фойдаланишнинг қандай масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?
7. Ўзбекистон Республикасининг „Ўрмон ҳақида” ги Қонуни ер ахборотидан фойдаланишнинг қандай масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?
8. Ўзбекистон Республикасининг „Давлат ер кадастрини юритиш тартиби ҳақида”ги Низоми ер ахборотини ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг қандай масалаларини ҳал қилишни тартибга солади?
9. Замонавий автоматлаштирилган ер ахборот тизимларини яратиш соҳасида ер-мулк қонунларини такомиллаштириш масалаларига нималар киради?

2- Мавзу: Ер кадастрининг ахборот базасини яратишда геоахборот тизим ва технологияларни тадбик қилиш методологияси.

Режа:

1. Ер кадастри-ердан фойдаланишнинг ахборот таъминоти функцияси сифатида тадқиқ қилиш.
2. Ер кадастри ахбороти тизимининг давлат кадастри ва қўчмас мулк ахбороти тизимлари билан боғлик холда ер кадастри малумотларини тахлил қилиш методлари.

3. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқишининг методик асосларини такомиллаштириш.

Таянч иборалар: ер контури, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, ер муносабатлари, кўчмас мулк объекти, ер кадастри, ер хисоби кўрсаткичлари, ер баҳолаши, “Еравтобанк” электрон дастури, ер участкасини рўйхатга олиш, кадастр рақами, ер баланси, ер сервистути.

2.1 Ер кадастрини ердан фойдаланишнинг ахборот таъминоти функцияси сифатида тадқиқ қилиш.

Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда иқтисодий моҳияти чукур ва халқ хўжалигида аҳамити катта бўлган давлат ер кадастри муҳим роль ўйнайди. Ер ҳақида ахборотларнинг зарурлиги сабабли ер кадастрини юритиш объектив характерга эга. Ер кадастри ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда халқ хўжалигини режалаштириш, қишлоқ-хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда ерни мелиорациялаш, бошқа ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик ишларини амалга ошириш ахборот билан таъминлаш учун мўлжалланган ердан фойдаланишнинг муҳим функцияси ҳисобланади. (4-расм) (СЗП- ЕФ)


4-расмдан кўринадики, ердан фойдаланиш тизимини бошқаришда ер-кадастр ахбороти унинг барча бошқариш функцияларини бажариш учун зарур эканлиги келиб чиқади. Ахборот, аввало, ер муносабатларини бошқариш учун, шу билан бир қаторда унинг ер ҳақида қонунлар ишлаб чиқиш, ер ресурсларидан фойдаланишни режалаш ва прогнозлаш, ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлаш (қайта тақсимлаш), умуман мамлакат миқёсида ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун зарурдир. Ушбу ахборотлар ер ресурсларидан фойдаланишни регионал ва маҳаллий ҳудудий даражада қўлланилишини талаб қиласди. Шундай қилиб, ердан фойдаланишнинг ер кадастридан ташқари барча жавҳаларида ер ахборотидан фойдаланишни талаб қиласди, бу эса ер кадастрига ердан фойдаланишни ахбороти билан таъминловчи вазифасини қўяди.

**Ердан фойдаланишни
бошқариш функциялари**



Ердан фойдаланишнинг кўп қиррали характеристи турли ер-кадастр ахборотига заруратни тақозо қиласди, бу ахборот ернинг табиий, хўжалик ва хуқуқий ҳолатлари ҳақидаги ишончли маълумотларни ўз ичига олиши керак. Мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти ва унинг ушбу ахборотларга доимий эҳтиёжи ер кадастрининг ягона тизим сифатида ривожланиш характеристини аниqlайди. Ўзбекистон Республикасининг Ер ҳақидаги кодексида (15-банд) шундай дейилади: „Давлат ер кадастри ер ҳақидаги табиий, хўжалик ва хуқуқий режими ҳақида, уларнинг категориялари, сифатий тавсифлари ва аҳамияти ҳақида, ер участкаларининг жойлашиши ва ўлчамлари, уларнинг заминдорларга, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ва мулкдорларга тақсимланиши ҳақида зарурий ва ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар

Ер- кадастр тизими



5-расм. Ер-кадастр тизими

(* лойихавий ахборт ер тузишда ишлаб чиқилади)

тизимидан иборат. Давлат ер кадастрини юритиш топографик-геодезик, картографик, тупроқ, агрокимёвий, геоботаник ва бошқа текшириш ва тадқиқотлар билан ерни хисобга олиш ва баҳолаш, ер участкалариға заминдорлик, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулқдорларнинг ер участкалариға эгалик хукукини белгилашлар билан таъминланади. "Ер кадастр тизими қуйидаги кўринишда кўрсатилиши мумкин (5-расм).

5-расмдан кўриниб турибдики, ер кадастр тизими иккита нисбатан автоном ва шу билан бирга органик ўзаро боғланган кичик тизимни ўз ичига олади: ер-кадастр жараёни кичик тизими ва ер-кадастр ахбортини ишлаб чиқиш бўлиб, у турли хил ва ишончли ахбортни ишлаб чиқиш бўйича технологик жараёнларни (съёмкалар, текширишлар, режали картографик асосини тузиш, картометрик ва баҳолаш ишларини, ерга эгалик хукукини қайд қилиш жараёнини) ўз ичига олади.

ЕК ни икки кичик тизим бирлиги сифатида тақсим қилишда, масалан, ЕКА

ни юритиши муаммо ва мақсадларини жорий этиш бўйича ЕКЖ ни ташкил этишда объектив ва ҳуқуқий масалаларни қўйиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ер-кадастр жараёни кичик тизими ахборотни ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, у динамик характерга эга. Ер кадастри объекти қуйидагилар: мамлакат ягона давлат ер фонди, мақсадли йўналиш ва хўжалик мақсадларидан қатъи-назар, ер массивлари, ер участкалари, ер мулклари, сугориш, коллектор ва йўл тармоқлари, қурилишлар, иншоотлар ва бошқалар ер кадастрининг асосий бирлиги ер фондининг моҳияти ва хусусиятини акс эттирувчи ердан фойдаланиш ҳисобланади ва улар ер кадастри объекти сифатида ва хўжалик ҳисобидаги бирламчи бирлик сифатида олинади. Бу комплекс тушунча бўлиб, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик моҳияти ва аҳамиятини ўз ичига олади. Объектларнинг миқдорий, сифатий ва қиймат тавсифлари ер кадастрини ўрганиш предмети бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан ер кадастрининг биринчи кичик тизими моддий аҳамиятига эга.

Ер-кадастр жараёнини, кичик тизим каби, алоҳида, қўшма, тенг ҳуқуқли жараёнлар деб қараш керак, уларнинг қўлланилиши ер-кадастр ахборотини ишлаб чиқишига эришишга йўналтирилган бўлади. Бу жараёнлар тўплами уларнинг ихтиёрий механик йиғиндисини эмас, балки битта яхлит жараённи ташкил этувчи, кетма-кет қўлланиладиган қатъий аниқ тузилмадан иборат бўлади, яъни тенг ҳуқуқли жараёнлар тизими ўринлидир. Шунинг учун жамланган, яхлит ЕКЖни тизим сифатида қараш тўғри бўлади, кенг маънода эса ер кадастрининг динамик кичик тизими деб қараш мумкин.

ЕКЖ нинг мақсади ишончли зарур ахборотни ишлаб чиқишидек, уни ер кадастрининг кичик тизимлари каби тайинлаб, биринчи ер кадастри кичик тизимидағи ахборотни узлуксиз равишида ва ўз вақтида янгилаб туришдан иборат. ЕКЖнинг вазифаси тегишли усувлар билан ЕКАни ташкил этиш ва ишлаб чиқишидир.

Мазмуни, мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда ЕКЖга қуйидагича таъриф берилган: бу — ишончли зарур ер-кадастр ахборотини ишлаб чиқишига йўналтирилган давлат тадбирлари тизимидир.

ЕКЖ ахборотни ишлаб чиқиш ва тартибга солиш бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг мураккаб тизимиdir. Жараённи юритиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқилаётган ахборот сифатини ва амалий аҳамиятини ошириш уни ташкил этишда тизимли ёндашишни қўллашни тақозо этади. ЕКЖни тизимли ташкил этиш масаласи муаммоли ҳисобланади, у бир қатор мустақил масалалр тўплами: тизимнинг тузилиши ҳақида, унинг вазифалари, томойиллари, методлари ва жараёни қўллаш воситалари, жараённи оптималлаштиришни ўз ичига олади.

ЕКЖ функциялари унинг масалаларини ҳал қилиш механизми ҳисобланади ва унда қўшма жараёнларнинг мазмунини ва жорий этиш тартибини белгилайди. Уларга куйидагилар киради:

- ер кадастрини юритиш бўйича норматив ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш-технологик кадастр жараёнини ташкил этиш;
- ер-кадастр ҳужжатини юритиш.

ЕКЖнинг барча функцияларини комплекс татбиқ этиш асосидагина ишончли ва иқтисодий ахборотни ишлаб чиқиш мумкин.

Ерни ҳисобга олишнинг асосий ва жорий турлари диалектик боғланган босқичлар бўлиб, ерни ҳисобга олишни ўтказишдаги объектив жараён (чунки ернинг сифатий ҳолати ва фойдаланиш характеристи динамиқdir) ҳисобланади. Бу иккала тур ўзаро органик боғланган; ер-кадастр жараёнининг таркибий қисмидир ва ерни ҳисобга олиш ахбороти билан ишончли ва тўлиқ таъминлаш керак: мамлакат ер фондининг ўлчамлари, заминдорлар, ердан фойдаланувчилар ва ер-мулклар тоифалари бўйича, ер сифатининг тавсифлари ва баҳолари ҳақидаги ахборот билан таъминлаши керак. Ернинг асосий ҳисоб-китоби ўзининг съёмкалари бўйича, тадқиқ қилиш, тавсифлар ва баҳолашлар майдонларни ҳисоблаб чиқиш бўйича катта ишлар бажарилиши кераклиги билан фарқ қиласи; бу даврий равишда такрорланади; ерни ҳисобга олиш маълумотларини замон талаби даражасида ушлаб туриш учун ҳар йили такрорланади.

Ер-кадастр ахбороти кичик тизими ўзаро боғланишда турган, органик бир

бутун ҳодисадан иборат қонуният билан жойлашган кадастр кўрсаткичлари тўпламидир. Тузилиш нуқтаи назаридан, кичик тизим тузилиши, ўз навбатида, мақсадли ва маъмурий-ҳудудий белгилари, шунингдек кадастр кўрсаткичлари тизимидан ахборотлар турлари бўйича ахборот турларини ўз ичига олади.

Ер участкаларининг тегишлилик ва сифатий тавсифини аниқлаш учун моддий асосини англатувчи ҳисобга олиш ахбороти Ер кадастр кичик тизимининг ядроси бўлиб ҳисобланади, у ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатларини ифодалайди. Шу билан бирга, учала ахборот тури (қайд қилинувчи, ҳисобга олинувчи ва баҳоланувчи) органик ўзаро боғланган, бир бутунликда жамиятнинг ягона ер фондининг ҳолати ва фойдаланишда ҳар томонлама ва тўлиқ тавсифини беради. Ҳар бир фойдаланувчи ҳал қилинадиган масалаларнинг характеристига боғлиқ бўлмаган ҳолатда барча ахборот турларидан комплекс равишда фойдаланади.

Ер-кадастр ахбороти кичик тизимининг вазифаси қизиқкан ахборот истеъмолчиларининг ернинг табиий, ҳуқуқий ва хўжалик ҳолатлари ҳакида зарур ишончли маълумотлар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Тизимнинг вазифаси ахборотларни жамлаш, уни сақлаш, истеъмолчиларга излаб топиб бериш ва тақдим этиш ва узлуксиз янгилаб туришдан иборат. Кичик тизимнинг ишлаши унинг тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, ер-кадастр ахбороти кичик тизимиға қуйидагича таъриф берилади: бу – ерга эгалик ҳуқуқини қайд қилиш, ер миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, ерни баҳолашга доир ишончли маълумотларнинг тартибга солинган тўпламидир.

Ер-кадастр ахбороти кичик тизими сунъий ахборот тизими ҳисобланади, барча ахборот турлари органик, мантикий боғланишда бўлиб, яхлит олганда ижтимоий иқтисодий тизимларга хосдир. Ахборот тизими таркибни англаш жараёнида ва ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида аниқланган миқдорий ва сифатий кадастр тизимини ўз ичига олади.

ЕКА тизимининг ўзига хос хусусияти мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида ахборот олиш ва сақлаш методологиясининг бир хиллигидадир. Шу билан бирга,

тизим табиий ва иқтисодий жиҳатдан ердан фойдаланишнинг зонал хусусиятларини ҳам акс эттиради. Ер ресурсларидан фойдаланиш узлуксиз жараёни, уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, давлат ягона ер фондидан фойдаланиш динамикасини акс эттириш зарурлиги сабабли олинган маълумотларни доимо янгилаб бориш шу тизимга хос хусусиятдир. Халқ хўжалигида ахборотга бўлган эҳтиёж тизимнинг ташқи муҳит билан алоқасини тақозо этади, унинг моҳияти, вазифаси ва мақсадини белгилайди.

ЕКА тизимининг мураккаблиги шундаки, бутун мамлакат миқёсидаги ер ресурслари ҳақида турли-туман ва ишончли ахборотларни тўплаш зарурлиги; ахборотларни узлуксиз янгилаб туришни, сақлаш ва уни истеъмолчиларга ўз вақтида бериш зарурлигидир. Тизимнинг мураккаблиги, ўз навбатида, ахборотни синтактик (ер участкалари ҳақида миқдорий тавсифлар), семантический (ер участкалари ҳақида сифатий тавсифлар) ва парагматик (ахборотни амалий ва иқтисодий ахамиятини аниқлаш) жиҳатдан ўрганиш зарурлигини тақозо қиласди.

ЕКА тизими бир қатор хусусиятларга эга, улар: кадастр кўрсаткичларининг мураккаблиги; ахборотларнинг турли шаклда келтирилиши; тизимни автоматлаштириш (компьютерлаштириш) зарурлигидан иборат. ЕКА кичик тизимининг ишлаши учун зарурий шарт унинг ер кадастрининг иккинчи кичик тизими – ер-кадастр жараёни билан органик боғланиши ҳисобланади. Кичик тизимлар орасидаги ўзаро боғланиш ахборотга эҳтиёж (2-кичик тизим) уни ишлаб чиқиши (1-кичик тизим) талаб қиласди, ахборотни ишлаб чиқиш эса (1-кичик тизим) уни истеъмолчига беришни (2-кичик тизим) талаб қиласди. Шунинг учун, ўёки бу кичик тизимнинг бир-биридан устун қўйиб бўлмайди. Улар ер кадастрининг бир бутун, органик боғланган моддий-абстракт тизимини ташкил этади.

Сугориладиган дехқончилик ерларида ер кадастрини юритишнинг умумий масалалари билан бир қаторда бошқа ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу ерда унинг сув кадастри билан узвий боғлиқлиги бор. Сугориладиган ерларга нисбатан аниқ ҳисоб-китоб ва сифат жиҳатдан аниқ баҳолаш каби юқори талаблар қўйилади, чунки улар иқтисодий жиҳатдан жуда қимматли ҳисобланади:

бу ерларда қимматбаҳо қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади, йилига 2-3 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд, суғориладиган ерларни ирригацион тайёрлаш катта капитал маблағ талаб қиласи. Ерларни ҳисобга олиш ирригацион тизимлар ва каналлар кесимида уларнинг мелиоратив ҳолатига қараб суғориш режими белгилари бўйича амалга оширилади. Суғориш сувларидан самарали фойдаланиш учун суғориладиган ерларни аниқ ва тўлиқ ҳисобга олиш талаб этилади.

Ер-кадастр ахборотидан сув сарфини режалаштириш ва ҳисобга олишда фойдаланилади. Сувдан фойдаланиш самарали ташкил этиш учун қишлоқ-хўжалик корхоналарининг суғориладиган ер майдонларининг ўлчамлари ва уларнинг сифати ҳақидаги ҳисобий маълумотлар зарур бўлади. Бу ҳисоб-китоблар қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режимини ҳисоблашда ва бутун суғориш даврида қанча сув сарфланишини ҳисоблашда керак бўлади.

Суғориш тизимлари ва каналлар кесимида сувдан фойдаланишни режалаш ва ҳисобга олишнинг зарурлиги, суғориладиган ерларни алоҳида ер участкалари бўйича эмас, балки суғориш тизимлари ва тегишли каналлар зоналари бўйича, шунингдек, коллектор-дренаж тизимларига талаб қиласи. Ҳайдаладиган ерларни суғориш шарт-шароитлари (суғориладиган, шартли суғориладиган, лалми ерлар), мелиоратив ҳолати бўйича таснифлаш суғориладиган ерлар ҳудудларида ер кадастрининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу хусусиятларга ирригацион каналлар ва коллектор тармоғидаги майдонларни аниқлаш зарурлигини ҳам қўшиш лозим.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ер кадастри-ердан фойдаланишнинг ахборот маълимоти функцияси” диган таърифни қандай тушуниш мумкин?
2. Ер-кадастри тизими нима ва қандай кичик тизимларни ўз ичига олади?
3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ер кадастрига қандай таъриф берилган?

4. Ўзбекистон Республикасининг „Давлат ер кадастри тўғрисида” ги Конунида ер кадастрининг моҳияти қандай таърифланган?
5. Ер-кадастр ахбороти тизимининг мураккаблик жиҳатларини таърифлаб беринг.
6. Ер-кадастр ахборотини ишлаб чиқиш методологиясини тавсифланг.
7. Сугориладиган дехқончилик ерлари бўлган туманларда ер кадастрини юритиш ва кадастр ахборотларини ишлаб чиқиш хусусиятини санаб беринг.
8. Ер-кадастр ахборотини амалий қўлланилиш соҳаларини айтинг.
9. Республикада ер-сув муносабатларини бошқаришда ер-кадастр ахборотининг ролини тушунтиринг.

2.2 Ер кадастр ахбороти тизимининг давлат кадастрни ва қўчмас мулк ахбороти тизимлари билан боғлиқ холда ер кадастр малумотларини таҳлил қилиш методлари.

Бозор иқтисодиётининг асосий компоненти қўчмас мулк, шу билан бирга ер бозори ҳисобланади. Уни ташкил этиш қўчмас мулкка, шунингдек, ерга эгалик ҳуқуқини қайд қилиш (рўйхатга олиш) самарали тизимининг ишлашини талаб қиласди. Ўз навбатида, қўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини қайд қилиш тизими ташкил қилиш КМЭХ, аввало, ер кадастрини юритишда ишлаб чиқиладиган, шунингдек, ер тузишни лойиҳалашда (войиҳавий ахборот) шаклланадиган ер ахборотининг мавжуд бўлишини талаб қиласди. Бундан ташқари, қўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини қайд қилиш тизими бошқа турдаги кадастрлар ахборотидан: бинолар ва иншоотлар, қўп йиллик дараҳтлар, ер ости бойликлари ва бошқалар ахборотидан ҳам фойдаланишни кўзда тутади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ер ахбороти бошқа давлат ва тармоқлар кадастрларини яратиш учун асос бўлади, деб кўрсатиб ўтилган (15-банд). Шундай қилиб, ер ахбороти бошқа турдаги кадастрлар ва қўчмас мулк бозори кадастр ахбороти учун асосий ахборот бўлиб, ер ахборот тизими эса давлат кадастрни ва қўчмас мулк кадастр ахборот тизимлари орасида боғловчи бўғин ҳисобланади (6-расм).

Давлат ер кадастрини юритишда ишлаб чиқиладиган ер-кадастр ахбороти ердан фойдаланишни бошқаришни амалга ошириш учун бошқа зироатчиларни

ахборот билан таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Ердан фойдаланишни бошқаришнинг ҳеч қайси функцияси ишончли ер-кадастр ахборотидан фойдаланмасдан амалга ошмайди. Мазкур ҳолда ер ахбороти бошқарув характерига эга ва унинг сифатига ва замонавийлигига бўлган талаблар ердан фойдаланишнинг барча функцияларини қўллаш шарт-шароитлари билан аниқланади.

6-расмдан кўриниб турибдики, ердан фойдаланиш тизими маълумотлар базасидаги ер маълумотларидан ердан фойдаланиш тизимининг ўзидан ташқари бошқа кўпгина қизиқувчи фойдаланувчилар билан бир қаторда Давлат ва тармоқлар кадастри тизими ўз ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун ва кўчмас мулк бозори тизими ҳам ўз ахборот тизимини шакллантириш учун фойдаланишлари мумкин.

6-расмда, соддалаштириш мақсадида, бинолар ва иншоотларнинг кадастрлари кўрсатилган, бироқ давлат ва тармоқлар кадастрларининг ҳаммаси у ёки бу даражада ер ахборотидан фойдаланадилар. Давлат ва тармоқлар кадастрининг маълумотлар базасида кадастр ахборотлари билан бирга ер ахборотидан ҳам фойдаланилади. У ерга нисбатан қонуний муносабатлар субъектини, ер участкаларига ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларни, кадастр объектлари эгаллаган ер участкаларининг майдонини, уларнинг жойлашган жойини, ер участкаларининг сифати ва қийматларини баҳолашни, уларнинг солиқка тортиладиган қисмларини, ер участкасидан фойдаланишга чекловлар ва сервитутлар, ер участкаларига эгалик ҳуқуқини қайд қилиш хақидаги гувоҳномалар ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни тавсифлайди. Бу санаб ўтилган ахборотлар ер ахбороти ҳисобланади, улар ер кадастрини юритишда ишлаб чиқилади ва давлат ва тармоқ кадастрларининг ердан фойдаланиш тизими маълумотлар базасидан олинади. Бу ерда шуни эсда сақлаш керакки, давлат ва тармоқ кадастрларини юритишда фақат рўйхатга олинган ер ахборотидан фойдаланилади, бироқ рўйхатга олинган ахборот бизнинг ҳолда ер участкаларига қонуний муносабатлар ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар субъектларининг реквизитларидан ташқари объектларнинг бу турдаги кадастрлари билан бирга ер участкасига тегишли ҳисобий ва баҳолаш ахборотларининг асосий кўрсаткичларини ҳам ўз ичига олади. Бошқача айтганда, давлат ва тармоқ

кадастрларини юритишида ер участкаларининг объект кадастрлари бўйича рўйхатга олинадиган ахборотлардан фойдаланилади, бунда ер хисоби ва ер-баҳолаш каби ахборотларнинг асосий кўрсаткичларини кенг қамраб олади. Шундай тарзда ер ахборотининг ердан фойдаланишнинг ахборот тизими ва Давлат ва тармоқ кадастрлари ахборот тизими орасида алоқа амалга оширилади.

Демак, ер ахборотининг сифати давлат ва тармоқ кадастрларини юритишида ишлаб чиқиладиган кадастр ахборотининг ишончлилигига боғлиқ экан.

Ердан фойдаланиш ахборот тизимининг кўчмас мулк бозори ахборот тизими билан ўзаро боғланиши кўчмас мулк обьекти ер участкаларини ҳам, биноларни, иншоотларни, уларнинг ичидагиларни (шу билан бирга ер ости бойликларини) ҳам ўз ичига олиши натижасида амалга оширилади. Шунинг учун кўчмас мулк бозори ахборот тизими бино (иншоот) ҳақидаги ахборотдан ташқари ер ҳақидаги ахборотни ҳам талаб қиласи. Бунда ер участкаси учун ер ҳақидаги ахборот кўчмас мулк бозори тизимига бевосита ердан фойдаланиш тизимидан ёки давлат ва тармоқлар кадастрларидан кириб келиши мумкин (6-расмга қаранг). Агар кўчмас мулк обьекти қурилиш қилинмаган ер участкаси бўлса, у ҳолда у ҳақидаги ер ахбороти ердан фойдаланиш ахборот тизимидан келиб тушиши мумкин, агар кўчмас мулк обьекти қурилган ер участкасидан иборат бўлса, у ҳолда ахборот кўчмас мулк бозори тизимига ердан фойдаланиш ахборот тизимидан, шунингдек, давлат ва тармоқ кадастрларидан бир вақтда келиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кўчмас мулк бозори тизими мураккаб тизим бўлиб, қуий даражадаги бир қатор кичик тизимларни ўз ичига олади (1-расм). Ер ҳақидаги ахборотдан унинг фақат битта кичик тизимида— „, кўчмас мулкка эгалик қилиш давлат рўйхати” (КМЭДР) фойдаланилади, шунинг учун кўчмас мулк бозори ер ҳақидаги ахборот сифатига талаби, асосан, ер участкаларига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидаги талаблар билан белгиланади (КМДРТ). Шундай қилиб, ердан фойдаланиш ер ахборот тизими ва кўчмас мулк бозори ахборот тизими орасидаги боғланиш амалга ошади.

Биринчи қарашда, учта ахборот тизими: ердан фойдаланиш, давлат ва

тармоқ кадастрлари ҳамда кўчмас мулк бозорининг ўзаро таъсирида кўчмас мулк бозорининг ахборот тизими асосий бўғиндек туюлади, чунки у кўчмас мулк объектлари ҳақидаги барча кадастр ахборотларини ўзида жамлайди ва ундан фойдаланади (6-расм). Аслида эса ердан фойдаланиш ҳақидаги ахборот асосий ахборот тизими ҳисобланади. Чунки, биринчидан, давлат ер кадастри маълумотлари давлат ва тармоқ кадастрларини юритишида асосий ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 15-банд); иккинчидан, кадастр объектлари ер участкаларининг жойлашишида „боғлама“ воситасидир; учинчидан, объектларнинг кадастрли кодланиши ер участкаларининг кодланишига асосланади; тўртинчидан, ерни рўйхатга олиш ахбороти ер участкаларидан фойдаланишга „мулкий ҳукуқни“ ёки ердан фойдаланиш ҳукуқини беради, унинг ўзи эса кўчмас мулк объективининг асоси ҳисобланади; ва ниҳоят, бешинчидан, ишлаб чиқариладиган ер ахборотидан кўчмас мулк бозори тизимиғина эмас, балки ердан фойдаланиш тизимининг ўзида ҳам фойдаланилади. Ер ҳақидаги ахборотлар, аввало, ички ердан фойдаланиш тизимида қўллаш учун, бу мураккаб ижтимоий-иктисодий жараённи бошқариш учун, ердан фойдаланишни бошқаришнинг ҳамма функциялари бажариш учун ишлаб чиқилади. Агар ердан фойдаланиш тизими бузилса ёки у самарасиз бўлса, у ҳолда: биринчидан, жамият манфаатларига салбий таъсир этади; иккинчидан, такомиллашмаган ёки самарасиз бўлса, ердан фойдаланиш тизими ҳам самарасиз, шунингдек, ер бозори ҳам, кўчмас мулк бозори ҳам бесамар бўлади. Ҳолбуки, кўчмас мулк бозори тизими жамиятда бозор иқтисодиётининг ривожланишида муҳим рол ўйнайди, бунинг устига унда фақат рўйхатга олинган ер ахборотидан, унинг ҳисобга олинган ва баҳолаш ер ахборотининг алоҳида кўрсаткичларидан фойдаланилади. Фақат ердан фойдаланиш тизимининг ўзидагина ер ахборотидан тўла фойдаланилади.

Шу сабабли ер ахборотини, аввало, бошқарув мақсадлари учун ва ерга мулкий эгалик ҳукуқини „яратиш“ учун мўлжалланган ахборотларга ажратиш керак. Биринчи ҳолда у ижтимоий ишлаб чиқариш моҳиятига эга бўлиб, уни рўйхатга олинган кадастрли ахборот деб аташ мумкин. Бу ахборот ердан

фойдаланишни бошқариш мақсадлари учун бўлиб, ер ресурсларидан маъмурий фойдаланиш ва ерга бўлган муносабатларни бошқариш учун зарурдир. Иккинчи ҳолда, иқтисодий характерда (ерга мулкий эгалик ҳуқуқларини ифодалайди) бўлиб, уни биринчи ҳолдагидан фарқли равишда ерга эгалик ҳуқуқларини юридик рўйхатга олиш учун зарур бўлган ер ҳақида юридик рўйхатга олинган ахборот деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ер давлат мулки хисобланади. Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалик бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, индивидуал турар-жойларга тегишли ер участкаларини хусусийлаштириш актуал масала бўлиб қолди. Шу муносабат билан кадастр ахборот тизимида юридик рўйхатга олинган ер ахборотларининг роли ошиб боради. Республикада компьютерлаштирилган ер ахборот тизимларини яратиш амалга ошмоқда, бунда ҳуқуқий ва ташкилий характердаги муаммолар пайдо бўлмоқда. Ўзгеодезкадастр ва Республика ТАБ(БТИ) лар бирлаштирилгунга қадар ерга, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш билан юқоридаги идоралар шуғулланган, улар бирлаштирилгандан сўнг «Ўзгеодезкадастр» шуғулдана бошлади. Шундан сўнг жойлардаги, вилоятлар ва туманлардаги ер ресурслари бўйича кадастр хизматлари ҳам бирлаштирилиб, кўчмас мулк „бир ташкилотда кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш” схемаси (КМЭҲС) бўйича иш юритила бошлади.

КМЭҲСни такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, фақат вилоятларда рўйхатга олиш оғислари ташкил этиш, иккинчидан, уларни ер ресурслари бўйича вилоят бошқармалари тасарруфидан чиқариб, Марказий «Ўзгеодезкадастр» аппарати ихтиёрига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Биринчи қарорни қабул қилишга сабаб, европа мезонлари бўйича тахминан 2 млн. аҳолига битта вилоят рўйхатга олиш оғиси етарли экан. Иккинчи қарор маҳаллий ҳокимиятнинг рўйхатга олиш оғисларига таъсирини камайтириш ва уларнинг фаолияти «Ўзгеодезкадастр» Марказий аппарати томонидан назоратни кучайтириш зарурати билан тушунтирилади. Бу вазият ҳуқуқларни рўйхатга олиш таркибий компоненти сифатида ер кадастри тизимидан чиқариб юборар эди. Булар фақат хусусий ҳолларда вилоят рўйхатга олиш оғисининг ваколатли шахслари

томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда кадастр хизматлари идоралари билан рўйхатга олиш оғислари мустақиллиги умумқабул қилинган ҳолат ҳисобланади. Кўчмас мулкка эгалик ҳукуқини рўйхатга олиш билан Адлия вазирлиги хизмати шуғулланади, лекин шундай бўлса-да, охирги вақтда „бир дарчада рўйхатга олиш” тамойили тенденцияси пайдо бўлган. Ўзбекистонда, юқорида айтиб ўтилганидек, вилоят рўйхатга олиш оғислари ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармаларидан ажратилган ва Ўзгеодезкадастр Марказий аппарати ихтиёрига ўтказилган. Бундан нимага эришилди? Ташкил этилган вилоят рўйхатга олиш оғислари кўчмас муллка эгалик ҳукуқларини рўйхатга олиш учун аҳолига қулайдик яратади, оғисларни техник ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассислар билан таъминлашни енгиллаштиради. Шунингдек, „Марказ-регионлар” ягона автоматлаштирилган кадастрли ахборот тизимини яратиш осонлашади.

Шу билан бир қаторда, бу қарор ҳам баъзи камчиликларга эга эди. Масалан, фақат вилоят рўйхатга олиш оғислари бўлганда қишлоқдаги ер эгалари 50-100 км масофада жойлашган вилоят марказига боришлири керак бўлар эди. Ерга эгалик ҳукуқларини рўйхатга олиш учун субъектларга энг катта қулайлик яратишни таъминлаш тамойили („бир дарчада рўйхатга олиш”) ўз аҳамиятини йўқотди. Вилоят оғислари баъзан турли сабабларга кўра (электр қуввати йўқлиги, ускуналарнинг бузилиши, қишлоқ хўжалик йиғим- терим даврида ходимларнинг бошқа ишларга жалб қилиниши ва ҳ.к) ишламаслиги мумкин. Бошқа давлатларда кадастр ва рўйхатга олиш функцияларини биттага бирлаштириш тенденцияси ўринли бўлса, бу ерда аксинча, бу хизматларни ажратиш амалга оширилди, бу эса шу икки хизмат кўрсатиш соҳаларининг номувофиқ ишлашига сабаб бўлди. Савол туғилади: ахборот ишлаб чиқарувчи кадастр хизматлари ахборотни рўйхатга оловчи оғисларга бепул узатишлари керакми? Бундан ташқари, ер ахборот базасининг ердан фойдаланишини бошқариш ва ерга эгалик ҳукуқини рўйхатга олиш учун мўлжалланган ахборотларга ажратиш зарурати туғилди. Ва ниҳоят, бу вазиятнинг жуда муҳимлиги ушбу саволни келтириб чиқаради:

Ўзгеодезкадастр вилоят рўйхатга олиш оғислари каби бўлинмалардан қандай ижобий натижа олади? Ўзгеодезкадастр кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқларини юридик рўйхатга олишни Адлия вазирлигига ёки давлат мулкини бошқариш кўмитасига (Давмулккўм) ўтказса, унинг функцияларига қанчалик таъсир қиласи?

Умуман, ер-мулк бозори шароитида (ерни ижарага бериш бозори), шубҳасиз, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ортишига таъсир қиласи. Кредит тизими (ипотека) сезиларли даражада фаоллашади, ер сифатини яхшилашга йўналтирилган инвестиция оқими ортади, савдо шартномаларининг бажарилишидан давлат бюджетига маълум миқдорда маблағ келиб тушади (давлат пошлинаси). Бироқ, санаб ўтилган ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий жараёнлар кўчмас мулка эгалик ҳуқуқини рўйхатга олишни ким томонидан бажарилишига боғлиқ эмас. Агар бу функцияни Ўзгеодезкадастр ёки бошқа идора томонидан бажарилса, кадастр ҳизмати ҳеч қандай фойда кўрмайди. Ўринли савол туғилади: бундай ҳолда ердан фойдаланишнинг кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш хизмати, агар у ўз тизимини яратиш молиявий ресурсларини четга берадиган бўлса, нима учун керак бўлади? Аксинча, бундай ҳолат шаҳарлар ва туманларда рўйхатга олишни қисқартириш ва уни ерларни рўйхатга олиш ахбороти билан таъминлашни ёмонлаштиради.

Аслида ЕФРТ (ердан фойдаланишни рўйхатга олиш тизими) кўчмас мулк бозорининг кичик тизими ҳисобланади ва қатъий маънода унинг ердан фойдаланиш тизимиға оғирлиги тушмайди, фақат у ер-кадастр ахборотини олиб туради (1-расм). Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ердан фойдаланиш тизимининг ўзи ўзининг муаммоларига эга, булар: ер ресурсларини ва аввало, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мамлакатда ердан фойдаланиш структурасини оптималлаштириш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш бозори муносабатларини киритиш, хўжалик оборотидаги суғориладиган ерларни чиқариш ва бошқалардир. Шунинг учун кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини юридик рўйхатга олиш функцияларини вилоят ва туман бошқармаларининг ихтиёрида қолдириш мақсадга мувофиқдир.

6-расмдаги схемага кўра КМРТни Ўзгеодезкадастр тизимида қолдиришга

зарурат йўқ. Хуллас, кўчмас мулкка эгалик ҳукуқини юридик рўйхатга олиш функциясини Давмулкўмита га биритириш керак, чунки у ерларни хусусийлаштириш масалалари билан шуғулланади, ёки Адлия вазирлиги ихтиёрига топшириш мақсадга мувофиқ.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ердан фойдаланиш тизимида ер ҳақидаги ахборотларнинг роли қандай?
2. Ер ҳақидаги ахборотлар давлат ва тармоқ кадастрлари тизимида қандай рол ўйнайди?
3. Кўчмас мулк бозори тизимида ер ахбороти қандай рол ўйнайди?
4. Ердан фойдаланиш давлат кадастрлари ва кўчмас мулк бозори ахборот тизимларининг ўзаро боғланиши қандай маънога эга?
5. Уч тизим биргаликда бўлганда қайси ахборот тизими устун ҳисобланади?
6. Ерларни рўйхатга олиш ахборотининг мақсади нима?
7. Республикадаги қайси органлар ерларни рўйхатга олиш билан шуғулланади?
8. Рўйхатга олиш ахборотларидан фойдаланиш ва тайёрлашда қандай муаммолар бор?

Ерга эгалик ҳукуқини рўйхатга олиш билан қайси давлат ваколатли органлари шуғулланади?

2.3 Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқишнинг методик асосларини такомиллаштириш.

Мамлакат халқ хўжалигида ер-кадастр ахборотларидан фойдаланишнинг оммавий тус олиши, турли-туманлиги ва ишончлиликка қўйиладиган талабларнинг юқорилиги ахборотни ишлаб чиқишнинг мураккаблигини ва кўп меҳнат талаб қилишини кўрсатади. Бу жараённинг мураккаблигига сабаб ернинг табиий-тарихий жисм ва табиий ресурс (иқтисодиётда ишлаб чиқариш воситалари) сифатидаги хусусиятларининг

хилма-хиллигидир: ахборотни мамлакатнинг бепоён худуди учун тайёрланиши, ернинг табиий, хўжалик ва бошқа хусусиятларини акс эттириш зарурлигидадир. Ривожланаётган иқтисодиётнинг ер ахборотига эҳтиёжи ахборотни замон талабларига мослаштириб боришга, ўсиб бораётган иш ҳажмлари ва ишончлилигини орттириб боришни ҳисобга олиб тайёрлашни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалик ва бошқа мақсадлар учун ер ахборотини ишлаб чиқиш мақсадли йўналиш ва ахборотни шакллантириш методикасидан катта фарқ қиласди. Рўйхатга олинган ер ахборотини ишлаб чиқиш ҳар иккала ҳолда ҳам деярли бир хил, лекин ер-ҳисоби ва ер-баҳолаш ахборотларини тайёрлаш бундан буткул фарқ қиласди. Биринчи ҳолда (қишлоқ хўжаликка оид бўлмаган ерлар) ерлар миқдорини ҳисобга олиш кўпроқ ер усти геодезик ўлчашлар орқали, бундан камроқ ҳолларда йирик масштабдаги картографик материаллар бўйича амалга оширилади. Бу ерларни баҳолаш ахборотини ишлаб чиқиш ҳам қишлоқ хўжалик ерларини баҳолашдан фарқли равишда ўзига хос усуслар билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мақсадларида ер ахборотини тайёрлаш кўшимча мураккабликлар билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш кўламини жамият фаолиятида қишлоқ хўжаликка оид бўлмаган ерлардан фойдаланиш кўлами билан таққослаб бўлмайди, бу эса даврий равишда янгила б туриладиган ва жуда катта майдонлар учун амал қиласиган турил ва катта ҳажмли ахборотларни тайёрлаш зарурлигини талаб қиласди. Мамлакатдаги табиий-иклим зоналарининг хусусиятлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш ахборотга унинг ҳажми ва турли-туманлиги сабабли турли талаблар кўяди. Ахборот тайёрлаш жараённинг мураккаблигига муҳим сабаб ахборотни замонавий даражада ушлаб туриш учун уни доимо янгила б бориш зарурлигидадир. Бундан ташқари, характери, мураккаблиги ва мазмуни бўйича катта технологик жараёнларни бажариш талаб этилади: космик ва аэрофотосъёмкалар, картографик материални тайёрлаш, ерни тадқиқ қилишнинг турли шакллари, картометрик, ҳисоблаш ва бошқа ишлар, мураккаб

асбоблар ва ускуналардан фойдаланиш зарурлиги, турли илмий-ишлаб чиқариш ишланмаларини ишлаб чиқиши кабилар. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мамлакатнинг турли зоналаридаги табиий-иқлимий шароитларни тўлароқ ҳисобга олиш зарурлиги, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш даражасининг ортиши ахборот сифатига ва унинг хилма-хиллигига юқори талаблар қўяди. Шунинг учун халқ хўжалигининг ахборотга бўлган талабларининг диалектик характеристери маълум вақт оралиғида ахборотни тайёрлаш жараёнининг ўзига тегишли мазмун берилишига сабаб бўлади.

Ахборот тайёрлаш жараёнининг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилишини кўрсатувчи омилларидан бири мамлакатда юритиладиган ер кадастрини график тасвирлаш ҳисобланади. Бу эса ер участкаларидаги сиртини олдиндан картага туширишни, унда ердан фойдаланиш ва ер ҳолатининг зарур характеристикаларини картографик материалда акс эттиришни ва бир вақтда дала тадқиқотлари ҳамда ахборот кўрсаткичлари аниқлаш бўйича картометрик ишларни ўтказишни талаб қиласди.

Ер ахборотини замонавий даражада сақлашнинг биринчи цикли қуйидаги ишларни бажаришни ўз ичига олади:


- 1) ер ахборотига бирламчи ишлов бериш;
- 2) ўртача муддатли келажак (5–10 йил) учун ахборот сифатига қуйидаги талабларни прогноз қилиш;
- 3) ахборотни тўлиқ ёки қисман янгилаш (тузатмалар киритиш).

Ер ахборотини замонавий даражада ушлаб туриш циклининг таркибий қисмларини амалга ошириш учун ер кадастрини юритишга доир тегишли методларни қўллаш билан эришилади, улар эса маҳсус ва умумий методларга бўлинади.

Маҳсус методларга қуйидагилар киради: ерга эгалик хуқуқини рўйхатга олиш методи, ерлар майдони ва сифатини ҳисобга олиш методи, ерни баҳолаш методлари. Ер ахборотини ишлаб чиқишига фойдаланилайдиган умумий методларга қуйидагилар киради: топографик, геодезик, аэрофотогеодезик, маҳсус дала тадқиқотлари, картографик, картометрик, маълумотларни ва хабарларни рўйхатга

олиш методи, ерлар ва тупроқни бонитетлаш, ер баҳолаш методлари, статистик методлар.


Ер ахборотини замонавий даражада ушлаб туришнинг биринчи таркибий қисми ахборотни бирламчи ишлаб чиқишидан иборат. Ҳар бир фойдаланувчи ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти хусусияти ва ердан мақсадли фойдаланишига кўра (ерга эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш обьекти, ерни ҳисобга олиш, миқдори ва сифати, баҳоси) ахборот сифати ва мазмунига маълум талаблар қўяди, буларга асосланиб, ер кадастрини юритиш жараёнида шу талабларни қондирадиган ер ахбороти ишлаб чиқилади. Бунда ер кадастрининг маҳсус усулларидан (ахборотни ишлаш) фойдаланилади. Бундан ташқари, ер кадастрининг график маъносини ҳисобга олган ҳолда ер кадастрини юритишнинг умумий методлари ҳам қўлланилади. Масалан, ер участкалари ва ер мулкларини тавсифловчи план-картографик материални тузиш учун космик ва аэрофотосъёмкалар амалга оширилиб, олинган материаллар план ва карталарга айлантирилади. Қишлоқ хўжаликка оид бўлмаган алоҳида ер участкалари учун ер усти геодезик съёмкалар бажарилади. Ер ахбороти кўрсаткичлари учун аниқланган миқдорий ўлчовлар компьютер технологияларидан ёки анъанавий геодезик асбоблардан фойдаланиб картометрик методлар амалга оширилади. Ер ахбороти кўрсаткичларига ишлов бериш ва тартибга солиш вақтида статистик усул кенг қўлланилади. Ахборот тайёрлаш жараёни схемасининг умумий кўриниши 8-расмда келтирилган.



8-расм. Ер ахборотини тайёрлаш жараёни схемаси


Ер ахборотини замонавий даражада сақлаб туриш жараёнининг навбатдаги таркибий қисми ахборот сифати (ишончлилиги) ва келажакда қисқа муддатли ва ўртача муддатли янгилаб туриш мақсадидаги турли хил ахборотлар кўрсаткичлари даражасини прогнозлаш ҳисобланади.

Ахборотни янгилашдан аввал, ишлаб чиқиладиган ахборот у ишлаб чиқилгандан кейинги давр ичида қўйилган талабларга жавоб бериши учун унинг ишончлилиги ва сифатига таъсир этувчи омиллар аниқланади, бу омилларнинг вақт ўтиши билан ўзгариш динамикаси аниқланади ва уларнинг келажакдаги даражаси прогнозланади. Омиллар даражасини прогнозлаш қиймати ахборотни янгилаш муддатларини оптималлаш учун зарур (9-расм).



9-расм. Ахборот сифатини прогнозлаш жараёни схемаси

Ахборотни замонавий даражада сақлаш жараёнининг учинчи таркибий қисми ахборотни даврий равища янгилаб туриш (тўлик) ёки тузатма киритиш (ўтган давр учун қисман ўзгаришлар киритиш)ни ўз ичига олган ахборотни янгилаш ҳисобланади. Илмий тасдиқланганки, ер ахборотидаги ўзгаришлар 15-30%га етганда (жойлардаги вазиятларнинг мос келмаслиги, ернинг ҳолати ва ердан реал шароитда фойдаланиш ва бу жараёнларни ахборотда акс эттириш) бошланғич картографик материални ва картометрик маълумотларни тузатиш асосида амалга ошириш, ўзгаришлар 40-50% бўлганда ахборотни янги картографик асосни яратиш ва ахборот кўрсаткичларини тўлиқ янгилаш асосида янгилаш мақсадга мувофиқдир (10-расм).



10-расм. Ахборотни янгилаш (тузатма киритиш) жараёни схемаси


Шундай қилиб, ер-кадастри ахборотини замонавий даражада сақлаб туриш методикаси анчагина мураккаб жараён экан, у унга автоном ва органик равища

ўзаро боғланган таркибий қисмларни ёки фаолият йўналишини ўз ичига олади: ахборотнинг сифатини (ишончлилик ва ҳархиллик) прогнозловчи ва унинг сифатига келажак талабларини ҳисобга олиб янгилаш. Ҳар бир таркибий қисм, ўз навбатида, комплекс татбиқ қилиниши керак бўлган бир қатор масаларни ўз ичига олади. Ҳар бир алоҳида қисмининг ва бутун тизимнинг оптималь ишлаши ер-кадастр ахборотини замонавий даражада ушлаб туриш ахборотни ишлаб чиқиши асосий тамойилларини амалга оширади, булар: замонавийлик, ишончлилик, хужжатлилик ва тежамлилик бўлиб, пировард натижада ушбу ахборотга истеъмолчилар талабини қаноатлантиради. Ер-кадастр ахборотини замонавий даражада сақлаб туриш умумий схемаси 11-расмда келтирилган.

Мамлакатнинг улкан ер майдони учун (44,41 млн.га) ахборотни замонавий даражада тайёрлаш ва сақлашга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ер ахборот кўрсаткичларининг жуда кўплиги, ер участкаларининг ва ер мулки контурларининг сони кўплиги (6 млн. бирлиқдан ортиқ) замонавий технологиялардан фойдаланиш ахборот ишлаб чиқишининг зарурий шарти ҳисобланади. Ҳозирги вақтда «Ўзгеодезкадастр»да фойдаланилаётган „Интерграфик“ қурилмаси космик ва аэрофотосъёмкаларга комплекс ишлов беришга имкон беради, у уларнинг боғланишини, трансформацияланишини, дешифровка қилишни, ер-мулк контури чегараларини рақамлаш ва ер участкаларининг планларини берилган масштабда босмадан чиқаришни ўз ичига олади. Бошлангич съёмка материалларига бундай ишлов бериш ишлаб чиқилаётган ахборот таннархини анча камайтиришга ва умуман, мамлакатда ер кадастрини юритишнинг тежамлилигини оширишга имкон беради. Ер ахборотини ишлаб чиқиша кампьютер технологияларининг қўлланилиши картометрик (ҳисоблаш) ишларни анча юқори даражада тезлатишга, ерларни давлат ҳисобга олишда ёрдам беради, шунингдек, ахборот киритишни, уни тартибга солиш, сақлаш, янгилаш ва истеъмолчиларга беришни таъминловчи ер ахборот тизимини яратишга имкон беради.

Ер-кадастр жараёнига, ер ахборотини ишлаб чиқишига янги технологияларни татбиқ этиш билан бир қаторда бир қатор ечишмаган муаммовий масалалар ҳам бор. Масалан, суғориладиган ерларни ҳисобга олиш учун йирикроқ масштабдаги

картографик асос зарур бўлади. Ширкат хўжаликларининг иш фаолиятида (сугориладиган ерлари 1,0-2,0 минг га бўлган) бу мақсадлар учун 1:1000 масштабдаги картографик материалдан фойдаланишлар эди, бу эса ахборотдан фойдаланувчиларнинг хўжалик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришлари учун бу масштаб жуда кичик бўлиб, талабга жавоб бермас эди. Ширкат хўжаликлари фермер хўжаликлигига айлантирилгандан сўнг регионлар бўйича уларнинг сугориладиган ер майдонлари ўртача 20–60 га ни ташкил этади. Бундай ер участкалари учун картографик асос сугориладиган давлат ерларини ҳисобга олиш учун яроқсиздир ҳамда ахборотнинг ишончлилигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ер ахборотини тизимли янгилашга етарли эътибор берилмаяпти. Бундан бошқа ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.



11-расм. Ер ахборотини замонавий даражада сақлаш схемаси

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ер ахборотини ишлаб чиқиш жараённинг мураккаблиги нимада?
2. Қишлоқ хўжалик ва қишлоқ хўжаликка оид бўлмаган ерлар ҳақидаги ер ахборотларини ишлаб чиқиш бир-биридан нима билан фарқ қиласди?
3. Ер ахборотини ишлаб чиқиш жараёни тавсифлаб беринг.
4. Махсус ахборот ишлаб чиқиш методларига қайси методлар киради?
5. Умумий ахборот ишлаб чиқиш методларига қайси усуллар киради?
6. Ер ахборотини янгилаш жараёни тавсифлаб беринг.
7. Ер ахборотини янгилаш жараёни қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?
8. Ер ахборотини замонавий даражада сақлаб туриш циклини тавсифлаб беринг.
9. Республикада ер ахборотини ишлаб чиқиш ва янгилашда қандай муаммолар мавжуд?

3 - Мавзу: Ер кадастри маълумотлар тизими, масофадан узатиш ва чет эл тажрибаси.

Режа:

1. Автоматлаштирилган ер ахборот тизими
2. Ер кадастри ахборотини масофадан узатиш назарияси ва методлари.
3. Ер кадастри ахборот тизимининг ишлаши

Таянч иборалар: ер контури, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, ер муносабатлари, кўчмас мулк обьекти, ер кадастри, ер хисоби кўрсаткичлари, ер баҳолаши, “Еравтобанк” электрон дастури, ер участкасини рўйхатга олиши, кадастри рақами, ер баланси, ер сервистути.

3.1 Автоматлаштирилган ер ахборот тизими

Бутун жаҳонда ер ҳақидаги ахборотга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштириш, ривожлантириш ва назорат қилишга асос бўлади. Ишлаб чиқаришнинг жаҳон миқёсида кенгайиши табиий муҳитга босимни жуда кучайтиrmокда. Ер моддий фаровонликнинг асосий

манбаи бўлиб, ундан самарали фойдаланишни бошқариш тизимини яратишни тақозо қиласди. Ердан фойдаланиш вазияти назоратдан чиқиб кетса, нималар содир бўлишини ривожланган чет давлатлар мисолида кўриш мумкин. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида бесамар фойдалангандага, қурғоқчилик, тупроқ эрозияси, ер деградацияси рўй бериши мумкин. Ўрмонлар аёвсиз кесиб ташланмоқда. Қишлоқ хўжалигида дехқончилик ерлари камайиб, аҳоли зич жойлашган ерларда муаммолар туғдирмоқда. Шундай қилиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш учун объектив омиллар миқдори ортиб бормоқда, булар ўз навбатида, катта ер майдонларини тайёрлаш, ер участкалари ҳақида турли хил ва батавсил ахборот бўлишини талаб қиласди. Умумий билимлар етарли бўлмайди, ердан фойдаланиш ҳақида батафсил маълумотлар керак. Бу ер ахбороти тизимини яратиш учун яққол сабаб бўлиб ҳисобланади. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимини яратиш учун вуйидаги ҳалқ хўжалигига оид бўлмаган муҳим масалаларни ҳал қилишни кўзда тутади:

- ердан фойдаланишни ахборот билан таъминлаш;
- ер ресурсларининг ҳолати ва фойдаланиш ҳақида давлат статистик ҳисботини шакллантириш;
- оммавий равишда ер участкаларига эгалик ҳукуқларини давлат рўйхатига олиш ишларини бажариш;
- ердан фойдаланиш ҳукуқини, ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳукуқини ва хусусий мулкка эгалик ҳукуқини тасдиқловчи хужжатларни тузиш;
- ҳалқ хўжалик объектларининг жойлашиши, ер участкаларини олиб қўйиш ва ер бериш, ер участкаларини шаҳар тасарруфига ўтказиш, маъмурий-ҳудудий объектларнинг чегарасини ўзгартиришни мувофиқлаштириш учун материаллар тайёрлаш;
- шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- ер-сув муносабатларини тартибга солиш;
- ерни баҳолаш;

- ер участкаларини олиб қўйганда йўқотиш ва зарарни қоплаш;
- ер ресурсларидан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантириш;
- ердан фойдаланиш тўловларини амалга ошириш;
- кўчмас мулк бозорининг ишлаши;
- ипотека ва бошқаларни ривожлантириш

Автоматлаштирилган ер ахбороти тизимиغا қуйидаги таъриф бериш мумкин: бу тизим фазовий-атрибутив маълумотлар базаси, ахборот алмашув каналлари ва бошқа ер-кадастр ахборотларини автоматик киритиш, алмашиш, сақлашни таъминловчи дастурий техник воситалар комплексидан иборат.

Автоматлаштирилган ер ахборот тизими (АЕАТ) нинг асосий унификацияланган координаталар системасидан иборат бўлиб, у маълумотларни тизим доирасида ер билан бирлаштирилшган бошқа маълумотларни қўшишга имкон беради.

Маълумотларни систематик тўплаш, янгилаш, қайта ишлаш ва тарқатишга кучли талаб мавжуд. Янги технологиялар, айниқса, компьютерлаштиришни бундай тизимларни янада кучайтириш ва ривожлантириш билан бирга бир қанча шартлар ва чекловларни ҳам қўйди. Ер билан боғлиқ ахборот бозор иқтисоди шароитида ва ер ресурсларидан янада интеллектуал фойдаланиш ва ривожлантиришга ўтганда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Кўлда ишлов берилган автоматик тизимларда ишлов беришга ўтиш содир бўлмоқда. Ер ахборот тизимларининг турли хиллиги уларнинг ҳуқуқий базасидаги, анъаналаридаги ва бошқ. Фарқлар билан аниқланади.

Ер ахборот тизимларини яратишда биринчи навбатдаги вазифалар қуйидагилар:

- ҳамма тушунадиган аниқ структурани яратиш;
- давлат томонидан ер ислоҳоти билан боғлиқ барча ҳаракатларни координациялашда конструктив ҳаракат қилиш;
- амалиёт ва атамашуносликни стандартлаштириш.

Ер ахборот тизими график ахборот таҳлили ва узатишни бошқариш учун мўлжалланган, у кўчмас мулк ва унга эгалик ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кадастр тизими тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Ер ахборот тизими ер участкалари ва уларнинг субъектларини рўйхатга

олиш вазифасини ҳам бажаради. Ерларни рўйхатга олиш функцияси ерга эгалик ва бошқариш ҳуқуқини олиш учун ишончли ва аниқ асослар билан таъминлаб беришдан иборат. Ер ахборот тизимининг таркибига ерларнинг жойлашиши, чегаралари, мулкка эгалик ҳуқуқлари, пулни баҳолаш ва ер участкалари билан боғлиқ имтиёзлар ва чекловлар бўйича бошқа ахборотлар киради. Ҳар бир ер участкаси учун ер категориялари, тупроқ таснифлари, ердан фойдаланиш ҳақида маълумотлар баён этилади.

Ҳар бир ер участкаси, мулкчилик шаклидан қатъи назар, рўйхатга олинган бўлиши шарт. Бу мулкдорларнинг ерга эгалик ҳуқуқларини кафолатлайди ва ерга (кўчмас мулкка) адолатли, асосли солик белгилашга имкон беради. Ер ахборот тизимида ахборотлар қонуний ҳужжатлаштирилган ва компьютерлаштирилган реестрдаги ахборот юридик мақомга эга.

Автоматлаштирилган рўйхатга олиш тизимини яратиш нима учун зарур? Ўзбекистонда ҳозирги вақтда ер участкаларининг эгаларини ва ердан фойдаланувчиларни ер кадастри тизимида рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда, уни юритиш методогияси ҳисобга олиш ҳужжатларига (ер-кадастр китоби, хусусий мулк қилиб берилган ер участкаларини ҳисобга олиш китоби) асосланади. Бу тизим маълум даражада, хусусий мулкдаги ўзгаришларни ҳисобга олишни таъминлайди. Бироқ фақат ер участкалари мулкдорлари ва ердан фойдаланувчилар сони унча катта бўлмаган ҳолатларда, шунингдек бажариладиган ишлар ҳажми унчалик кўп бўлмаган ҳоллатдагина тўғри бўлади.


Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, хусусий мулкдорлар ҳуқуқини рўйхатга олишнинг иккита асосий тизими мавжуд:

- транзакцияларни рўйхатга олиш тизими;
- мулкдорларнинг кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш тизими.

Савол туғилади: хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи реестрини қандай шаклда юритиш зарур, фойдаланувчилар ва бошқаларнинг реестрининг ўзигина етарли бўладими?

«Ўзгеодезкадастр»нинг мавжуд ташкилий структурасини ҳисобга олиб, муниципиал ва регионал поғонада «Ўзгеодезкадастр» ташкилотининг локал ҳисоблаш тармоқларини тузилаётган умумий худудий каммуникацион тизимларга улаш билан автоматлаштирилган ер ахборот тизимини уч поғонали схема деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, автоматлаштирилган ер ахборот тизимининг ишлаш схемаси 14-расмда келтирилган.



14-расм. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимининг ишлаш схемаси

Замонавий ер ахбороти тизими замонавий маълумотлар тўплами ва қайта ишлаш, ҳисоблаш ва телекоммуникацион техника воситаларига

асосланган бўлиши керак, бунда ер ахборот тизимиning техникавий тузилишини шакллантириш дастурий-техник комплекс тизимиning барча иерархияларига ёйиш натижасида амалга оширилиши керак. Дастурий-техник комплекс ёйиш даражасига боғлиқ равишда турли структурали локал ҳисоблаш тармоқлари кўринишида шакллантирилиши мумкни. Яъни ахборотлар фойдаланувчиларнинг компьютерларида тақсимланган кўринишда сақланади ва унга локал тармоқ орқали кириб борилади, бунда ахборотнинг ўзи марказий компьютер серверида сақланиб, унга тармоқдаги ҳамма фойдаланувчилар кириб фойдаланишлари мумкин. 15-расмда тахминий функционал схемаси келтирилган.

Намунавий дастурий-техник воситалар комплекси таркибиغا қуйидагилар киради:

- 1) маълумотларни марказда сақлаш ва унга тармоқ ичидағи фойдаланувчилар узлуксиз кира олишини таъминлаш учун мўлжалланган Windows Server ёки Linux сервери операцион тизими учун Intel сервери архитектураси;
- 2) фойдаланувчиларнинг автоматлаштирилган иш жойлари жойлаштириладиган график ва семантик ишлов бериш учун ишчи станция;
- 3) маълумотларни 100-1000 Мбит/с гача тезликда узатиш учун локал ҳисоблаш тармоғи ускунаси;
- 4) ахборот киритиш воситалари (сканерлар, дигитайзерлар);
- 5) ҳужжатларни босиб чиқариш воситалари (лазерли ва рангли принтерлар);
- 6) ҳужжатлардан нусха кўпайтириш воситалари;
- 7) коммуникация ва алоқа воситалари (модемлар, факс-модемлар, факсимил аппаратлар ва телефон станциялари);
- 8) ахборотни ишлаб чиқиш ва архивлаш технологиясини қувватлаб туришни таъминловчи воситалар (стримерлар, муҳофазани таъминловчи қурилмалар ва бошк.).

Ер ахборот тизимининг дастурий таъминоти умумтизимли, базавий ускуналар тизимидан: операцион, маълумотлар базасини бошқариш, геоахборот, шунингдек махсус таркибий дастурий воситалар тўпламидан иборат бўлиб, улар техникавий ва ахборот таъминоти билан биргаликда ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш ва ер-кадастр ахборотини тизим ишлашининг барча босқичларида бериш учун мўлжалланган.

Операцион тизимлар. Ер ахборот тизимининг дастурий-техник комплексида, асосий операцион тизимлар сифатида Windows Server ёки Linux (серверлар учун), Windows XP ва Windows Vista (ички станциялар учун) дастурларидан фойдаланилади.

Windows Server ёки Linux операцион тизимлари маълумотларни марказдан олиш ва сақлашни таъминлаш мақсадида марказий компьютерларда ишлаш учун мўлжалланган. Тизимдаги маълумотларига маъмурий кириш ва ўзгартиришлар қилишни чеклаш тақиқлаш хусусиятлари билан ажралиб туради.

Windows XP ва Windows Vista операцион тизимлари фойдаланувчиларнинг шахсий компьютерларида (ишчи станциялари) ишлатилади. Ушбу операцион тизим ҳақидаги маълумотлар дунёдаги энг кўп тарқалган тизим бўлиб, истеъмолчиларга ташкилотларнинг компьютер тармоғида қулай ишлаш учун имкон беради.

База маълумотларини бошқариш тизими. Ер ахборот тизимида дастурий-техник комплекслар учун қуйидаги замонавий релацион БМБТ қўлланилади: Oracle ва MS SQL Server (республика, вилоят ва йирик шаҳарлар доирасида); Inter Base ва MS Access (кичик шаҳарлар ва қишлоқлар доирасида).

БМБТ Oracle ва MS SQL Server операцион тизимлари ҳам ташкилотлар маълумотларини марказда сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, база маълумотлар базаларини сақлаш ва бошқариш учун кенг имконият яратади. Бу маълумотларни бошқариш тизимларида ҳам маълумотларни қаршиликсиз сақлаш ва унга кириш чекловсиз ишлаш механизмлари кўзда

тутилган.

БМБТ InterBase ва MS Access унча катта бўлмаган ҳажмдаги маълумотларни бошқариш учун етарли бўлган кичикроқ даражадаги тизим ҳисобланади, шунингдек, серверда сақланаётган марказий маълумотлар базасига кириш интерфейси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳар хил маълумотлар билан ишлайдиган кўпгина ихтисослаштирилган дастурий комплекслар маълумотлар сақланадиган марказий омборга уланишга имкон беради. Бунга мисол сифатида кўпгина геоахборот тизимларини келтириш мумкин. Маълумотлар сақлашни бундай ташкил этиш геоахборот тизимида БМБТ MS SQL Server да ўрнатилган сервер орқали амалга оширилади, унга геоахборот тизими мижоз сифатида уланади.

Геоахборот тизимлари. Ер ахборот тизимининг турли даражадаги дастурий-техник комплексларининг геоахборот қобиқлари сифатида: MapInfo Arc GIS график ишчи станциялари учун, MapInfo ва Arc View мижозлар ўрни учун, шунингдек россиянинг Панорама геоахборот тизимидан фойдаланилади.

Офис дастурий таъминоти. Бу мақсадлар учун Microsoft Office интеграцияланган пакети ёки Open Office эркин офис дастурий таъминоти асосий дастурий маҳсулот бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Турли-туман тизимларни яратиш жараёни жуда тез ривожланиб бормоқда, бу эса ўз навбатида, бу фаолиятни мувофиқлатириш бўйича муайян ҳаракатларни талаб қиласи. Кўпчилик мутахассислар ҳозирги ер ахборот тизимларининг ривожланиши ҳолатига нисбатан маҳаллий шароит даражасида турли тизимларни яратиш ноадекват ҳолат деб ҳисоблайдилар. Маҳаллий шароит даражасида давлат органлари билан мувофиқлаштирилмасдан тасдиқланган анъанавий стратегиялар келажакни кўзда тутилмаган, ортиқча маълумотлардан иборат, қайишқоқ бўлмаган, баъзан шунчаки керак эмаслиги маълум бўлди.

Бир неча манбалардан олинган маълумотларни мувофиқлаштириш учун комбинациялаш содда ва аниқ маълумотлар структурасини яратишни

талаң қилади. Бу ҳаракатлар тузилиши ва техник масалалар билангина чекланиб қолмаслиги керак. Ҳукумат органи ким ва қандай маълумотлар учун жавобгар, маълумотлар алмашинишни қандай амалга ошириш керак ва маълумотларни тартиби қандай бўлишини белгилаб бериши мумкин. Жараёнлар ва атамаларни стандартлаштириш масалаларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилиши керак.

Ер ҳақидаги турли маълумотларга эҳтиёж шунчалик юқорики, уни бир ёки бир қанча маълумотлар базаси билан қоплаш мумкин эмас. Бундан ташқари, тизими янги турдаги маълумотларни қабул қила оладиган қайишқоқ бўлиши, шунингдек фойдаланувчиларнинг янги эҳтиёжларини қондиришга осон мослаша оладиган бўлиши керак.

Маълумотларни бошқаришни ташкил этишнинг мутлақо табиий йўли „тугунли” ёндашиш ҳисобланади. Бунда асосий маълумотлар базасини ер ахборот тизими структураси доирасида бирламчи тугунлар деб қараб, тизимларни кучли боғланишлар билан марказлаштирилади. Бу тугунлар иккиламчи ўзаро боғланган тизимлар (кичик тизимлар) учун коммуникация „юраги” ҳисобланади.

Бирламчи тугун сифатида рақамли карталар марказий банки чиқиши керак. Кўп ҳолларда бирламчи тугунларга хизмат кўрсатиш давлат ташкилотлари тасарруфида бўлади.

Иккиламчи маълумотлар базаси маҳаллий ҳокимият ва ташкилотлар томонидан қувватлаб турилиши ва яхши ривожланиши мумкин. Кўпинча иккиламчи базалар ташкилотлар томонидан хусусий эҳтиёжлар учун ташкил этилади. Марказлаштирилган ёндашув билан изоляцияланган маълумотлар базалари учун альтернатив ёндашиш орасидаги асосий фарқ шундан иборат. Альтернатив ёндашиш тўпланган ахборотдан четдан фойдаланишнинг чекланишига ва ҳаддан ташқари такрорларинишига олиб келади.

Тизимда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган элементлар орасида оқилона балансга эришиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтгача фақат катта универсал компьютерлардан файланибгина амалга ошириб

келингандай. Бундай тизимлар анчагина самарали. Бироқ истеъмолчи учун етарлича имконият йўқ, чунки индивидуал фойдаланувчи учун созлаш мумкин эмас. Янги технологик ютуқлар марказлаштирилган бирламчи базаларни фойдаланувчига созланган иккиласми база билан бирлаштиришга имкон беради.

Кўпгина замонавий ер ахборот тизимлари ер участкаларини ҳисобга олишга асосланган. Тизимни тузиш учун алоҳида ер участкаларини ҳуқуқий ва хўжалик жиҳатдан бир хил бўлган шартларда фойдаланиш мумкин. Нима учун ер участкаларига асосланган бундай тизимлар жуда муҳим ҳисобланади? Асосий сабаб шундаки, инсон фаолияти ва хусусий мулкчиликнинг шаклланиши маълум ер участкалари билан боғлиқдир. Хусусий муллка эгалик ҳуқуқлари, ижара шартномалари, гаровлар ва бошқалар ер участкалари билан боғлиқ. Улар бутун иқтисодий муносабатлар соҳаси учун ҳал қилувчи ҳисобланади—ер хўжалик фаолитининг асосий ресурсидир. Масалан, солиқлар ер участкаларининг ўлчами ва жойлашиши билан узвий боғланган. Шундай қилиб, алоҳида ер участкаларига асосланган тизимларни тузиш табиий ҳолдир.

Ахборотни тўлдириб борилиши унинг тўлақонлигини анча яхшилайди. Участка рақами ўзидан ўзи бевосита унинг фазовий жойлашиши ифодаламайди. Бу эса геокодлаш ғоясига олиб келди. Энг содда ҳолда бу участкаларнинг марказий нуқталарнинг координаталариридир (центроидлар). Шундай қилиб, тўпланган ахборот автоматик равишда карталарда идентификацияланган бўлиши мумкин ва маъмурий чегаралар билан боғланмайди. Участкаларга асосланган ахборот тизимлари қайишқоқ ва бошқариш қулай бўлади.

Замонавий автоматлаштирилган ер ахборот тизимилиарининг ривожланиши ушбу йўналишларда амалга оширилади:

- назарий;
- технологик;
- танбиқий.

Халқаро савиядаги илмий тадқиқотларнинг аксарияти назарий

муаммоларга боғишлиланган: маълумотларни моделлаштириш, маълумотлар тузилиши ва сифатига қаратилган, тадқиқотларнинг бир қисми технологик муаммоларни: аппаратлар воситасига, ахборот тўплашга ва озгина қисми амалий татбиқига бағишлиланган. Назарий муаммолар ҳанузгача автоматлаштирилган ер ахбороти тизимлари пайдо бўлгандан буён ҳаракатлантуривчи кўч бўлиб қилмоқда. Ҳолбуки, технологик ҳарактердаги асосий муаммолар ҳал қилиб бўлинган, шунга қарамай, тадқиқотларда ҳамма эътибор тизимлардан олинган маълумотларининг амалий татбиқига, шу билан бирга ҳудудларни бошқариши соҳасига ҳам қаратилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Анъанавий (қўлда бажариладиган) ва автоматлаштирилган ер ахборот тизимлари қандай фарқли хусусиятларга эга?
2. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимларини ривожлантириш заруратини белгиловчи асосий омилларни айтинг.
3. Автоматлаштирилган ер ахборот тизими қандай масаларни ечиш учун керак бўлади?
4. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимиға қандай таъриф берилади?
5. Геоахборот тизимлари билан ер ахборот тизимлари ўртасида қандай боғланиш бор?
6. Ер ахборот тизимининг тузилишин тавсифлаб беринг.
7. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимнинг дастурий-техник тузилишини тавсифлаб беринг.
8. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимни яратишда бирламчи вазифа нимадан иборат?
9. Ўзбекистонда автоматлаштирилган ер ахборот тизимини ишлаб чиқиши ҳолати ва истиқболи қандай?
10. Автоматлаштирилган ер ахборот тизими тараққиётининг асосий йўналишларини айтинг.

3.2 Ер кадастри ахборотини масофадан узатиш назарияси ва методлари.

Ердан фойдаланиш ва кўчмас мулкни бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтишни ер участкалари ва кўчмас мулк обьектларининг ҳолати ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборотларсиз, уларнинг турли мулкчилик шакллари бўйича тақсимотисиз, иқтисодий баҳолашсиз, мулкдорлик ҳуқуқини давлат ҳимояси ва муаллақ солиққа тортишишиз амалга ошириш мумкин эмас. Одатда, бундай ахборот давлат ер кадастрида мавжуд, улар турли кадастр ишларини бажариш жараёнида ишлаб чиқилади.

Хар қандай ахборот тизимининг ЭНГ қимматли қисми ундаги ахборотдир. Ахборотларни сақлаб турувчи маълумотлар базасини яратиш (ахборот йиғиш, киритиш, ишлов бериш, узатиш ва тақдим этиш) мashaққатли иш бўлиб, анчагина меҳнат ва моддий харажатни талаб қиласди. Давлат ер кадастрини юритиш, ишлов бериладиган маълумотлар, таркиби ва стандартларини аниқлаш, бундай ташкилот ва унинг филиалларини замонавий ахборот ускуналари ва дастурий таъминот билан жиҳозлаш, бошқа ташкилотлар билан ўзаро боғланиш ва координациялаш ер кадастрини юритиш тизимининг кенг қулоч ёзиш босқичида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.


Ер ахборот тизимининг маълумотлар базаси ичидагилар (иш юритиш усули қандай бўлишидан қатъи назар) ҳар хил давлатларда асосан мос келади, булар жойлашган ўрни, майдони, ерлар категорияси, рухсат этилган фойдаланиш тури, ҳуқуқлар ва ҳуқуқлилар, ер участкаларига қўйиладиган юкламалар, иқтисодий характеристикалар ҳақида (базавий тўловлар ва баҳолаш), кўчмас мулк обьекти борлиги, координаталар реестри ҳақида маълумотлар.

Ўзбекистонда ер ахборот тизимини юритиш тизимини яратища албатта ҳисобга олиниши керак бўлган муҳим омиллардан бири ҳал қилинадиган муаммолар кўлами ҳисобланади. Европа давлатларида

фойдаланиладиган ёндашишларни Ўзбекистон шароитида ўзгаришларсиз қўллаш мумкин эмас. Чунки ҳисобга олиниши керак бўлган обьектлар жуда кўп, ер участкалари ва кўчмас мулк обьектлари орасида мустаҳкам алоқа йўқ, маълумотлар алмашиш телекоммуникацион инфраструктураси тараққий этмаган, ер ва кўчмас мулк соҳасида умуммиллий маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида иштирок этадиган ташкилотлар орасидаги ўзаро боғланиш етарли даражада эмас. Бу сабабларнинг ҳаммаси ер ахборот тизимини юритиш тизимини яратиш жараёнига маълум талабларни қўяди, биринчи навбатда ер ахборот тизимини юритиш даражаларининг етарлича қатъий вертикал (иерархик) структурасини аниқлаш талаб қилинади: республика, регионал ва муниципал даражада. Ҳар бир ҳолатда йиғилаётган, сақланаётган ва шакллантирилаётган маълумотлар таркибини аниқлаб олиш, шунингдек, асосий функциялар рўйхатини билиш керак. Ҳамма ҳолатлар учун маълумотлар базаси манбаларини ва уни тўлдириш механизmlарини аниқлаш зарур.

Ҳозирги кунда ер участкалари устида ишлаётган мулқдорлар ва ижарачилар манба ҳисобланадилар. Ер кадастрининг маълумотлар базасини актуал ҳолатда тўлдириб турувчи, қўллаб-қувватловчи муҳим механизмлардан бири бошқа кадастрларнинг асоси ҳисобланадиган ер ахборот тизимининг бино ва иншоотлар кадастри ва реестри билан маълумот алмашиш ва ўзаро таъсири бўлиши керак. Бу реестрларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва ер ахборот тизими предмети ҳакида гапиришга имкон беради (25-расм).

Соединение с Другими Базами Данных



Бошқа маълумотлар базалари билан боғланиш/Ер ахборот тизими/ ГЗК реестр/Хукуклар реестри/Бинолар, қурилишлар реестри/Ижарачилар реестри/Фискал реестр/Ҳар хил судалар/Ипотека банклари/Акциядорлик ташкилотларининг реестрлари/муниципал бошқарув

25-расм. Ер ахборот тизимининг бошқа тизимларнинг

маълумотлар базаси билан боғланиш схемаси

Демак, ер ахборот тизимини ер кадастри, ҳукуқ давлат реестри ва бино иншиотлар реестрининг ер кадастри маълумотлар базаси йифиндиси деб қараш керак. Бунда ер ва кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар тўпламини кенгайтириш зарур. Хусусан, ерларнинг кадастри баҳоси, гаровга қўйилган ва ижара, олди-сотди шартномалари, берилган кўчмас мулк ҳақидаги ахборотлар ер ахборот тизимининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолиши керак. Шунинг учун бундай ўзаро таъсир учун қонунчилик, ташкилий ва техник шароитларни яратиш, ҳал қилувчи вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ҳамма реестрлар ва маълумотлар алмашув форматларининг мажбурий ва қўшимча ахборотлари таркибини стандартлаштириш зарур.

Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва ер кадастри ҳақидаги қонунлар, ҳукумат қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатлар [3] мазкур масалани ечишга катта ёрдам берди, деб ҳисоблаш мумкин.

Хукуқларни рўйхатдан ўтказиш бўйича адлия муассасалари маҳсус стандарт дастурий таъминотдан юқори даражада фойдаланадилар. Ер ахборот тизимини яратиш дастурини амалга ошириш учун маҳсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича талайгина ишлар олиб борилди, шунингдек, маълумотларнинг ягона модели ишлаб чиқилмоқда ва алмашув форматлари стандартлаштирилмоқда. Кейинги муҳим босқич идоралараро ўзаро алоқани ташкил этиш ва стандартлаштиришдан иборат. Бу борада Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида бажарилаётган ўзаро алоқани ташкил этиш бўйича лойиҳанинг роли катта.

Ер ахборот тизими ҳақида гапирилганда, шубҳасиз, шундай тушуниш керакки, ер ахборот тизимиға кириш чекланган бўлиши керак эмас, ҳамма қизиқувчи субъектлар бу тизимга кириш рухсатига эга бўлиши керак, масалан: республика органлари, ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органлари, ипотека банклари, фискал органлар, турли даражадаги судлар, ер ва кўчмас мулкни баҳолаш билан шутулланувчи фирмалар ва умуман айтганда, исталган юридик ва жисмоний шахслар.

Барча қизиқувчи шахслар маълумотларга кириш маҳсус фильтрлари билан чекланган рухсатномага эга бўлиши лозим. Рухсат олишни телефон орқали, ёзма сўров билан, шунингдек замонавий телекоммуникация воситалари – Интернет ёки ихтисослаштирилган терминаллар воситасида амалга ошириш мумкин (26-расм).

Запрос о предоставлении информации



Ахборот олиш ҳакида сўров/Махфий ахборот фильтри/Бепул/Хужжат тайёрлаш нархи(мулкдор учун)/ Белгиланган нарх (бошқалар учун)/Турли нархлар(баҳоси)/Интернет сайтни кўллаб-кувватлаш/ Маълум давлат сайtlари/Телефон/ Уланишлар/Уланишлар/Турли танловлар/Интернет орқали кириш

26-расм. Ахборот узатиш схемаси

Ер кадастр ахборотига Интернет орқали кириш кичик тизимини яратиш бўйича жаҳон тажрибаси шундан далодат берадики, бу йўналишда асосий муаммолар, биринчи навбатда, регламентларни ишлаб чиқиш, тўлов орқали очиқ ва ёпиқ бўлган ахборот захирасининг рўйхатини шакллантириш кабилардан иборат. Техник муаммоларнинг қўпчилик қисми синалган ечиш усулларига эга.

Ўзбекистонда тўлақонли ишлайдиган ер ахборот тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам маромига етмаган ва бундай тизимни яратиш ва ахбортга кириш жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган имкониятлар биринчи даражали ахамиятга эга. Бу тажриба миллий ер ахборот тизимини яратишда хисобга олинади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ахборотни масофадан узатиш усули деганда нима тушунилади?
2. Ер ахборот тизими билан бино ва иншоотлар кадастри ва реестри орасида ўзаро алоқа қандай амалга оширилади?
3. Ахборот узатиш усулларини яратишнинг қонунчилик, ташкилий ва техник омиллари нималарни ўз ичига олади?
4. Маълумот алмашибининг ҳамма реестрлари ва форматларининг мажбурий ва қўшимча таркибини стандартлаштириш нималарни ўз ичига олади?
5. Ер ахборот тизимига кириш бўйича жаҳон тажрибаси қандай?
6. Ўзбекистонда ер ахборот тизимига кириш муаммолари қандай ҳолатда?

3.3 Ер кадастр ахборот тизимининг ишлаши

Кадастр ахбороти ер ресурсларини бошқариш жараёнининг ахборот базиси бўлиб хизмат қиласи, у берилган ресурсни бошқариш функциясини амалга оширишни таъминловчи, ахборот фонди ядроси ҳисобланади. Ер ресурслари ҳақидаги объектив ахборотлар, уларнинг миқдорий, сифатий ва ҳукуқий характеристикалари ҳамма бошқариш органлари учун зарурдир. Бу ахборотнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги билан шу соҳа субъектлари: коллектив ва индивидуал ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер участкалари эгалари қизиқадилар.

Бу тизимни яратиш учун ердан фойдаланиш хизматида фойдаланиладиган технологик, ташкилий, ахборот, дастурний, техник ва кадрлар билан таъминлаш ахборот тизимини шакллантиришга методологик ёндашиш назарда тутилади. Ердан фойдаланиш хизмати иерархик бўлгани сабабли автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳам шунга ўхшашиб ёлиши керак.

Тизимнинг бирламчи маълумотлар оқими қайта ишланадиган, умумлаштириладиган, таҳлил, қарор қабул қилиш, сақлаш, шунингдек асосий ахборот сўровлари қаноатлантириладиган асосий бўғини район даражаси бўлиб ҳисобланади. Район кадастр базасини дастлабки тўлдириш ва қўшимча қисми ер ресурси ва ер бўйича қўмиталар, кадастр органлари. Шунингдек, Ўздавлойиҳа институтининг филиаллари томонида бажарилади. Шу ташкилотлар харакатлари билан ер таркибида содир бўладиган кундалик ўзгаришлар ҳолати ва базавий кадастр маълумотларини янгилаш мақсадида қилинган ўзгаришлар ҳам маълумотлар базасига киритилади.

Вилоят миқёсидаги ЕАТ районлардан алоқа каналлари орқали олинган маълумотлар билан шакллантирилади. Бунда район миқёсидаги маълумотлар умумлаштирилади ва вилоят ер ресурсларининг сифат ҳолати ҳақидаги маълумотлар банки яратилади. Ундан ер фондининг ҳолати ва ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш ва ер ресурсларидан регионал

даражада фойдаланишни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш учун фойдаланилади.

Ахборот массивларини лойиҳалаш усуллари ва ташкил этиш методларини лойиҳалашда ер тизими ва кадастр органларида сақланаётган ахборот фондини таҳлил қилиш, турли ахборотларни танлаш ва сақлаш хоссаларини ҳамда боғлиқлигини аниқлаштириш керак. Синчиклаб таҳлил қилиш билан маълумотлар иерархияси ва район миқёсидаги ахборотларни шакллантирувчи қўрсаткичлар тўплами аниқланиши лозим:

- ердан фойдаланувчилар ҳақида ҳисобга олинадиган ахборот;
- ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми ҳақида ахборот;
- ерларнинг категориялар ва мулк турлари бўйича ер участкаларининг сифатий ва миқдорий характеристикалари ҳақида ахборот;
- график ахборот; ташкилотнинг ички ҳужжатлар айланиши ҳақида ахборот.

Тизимнинг ишлаш алгоритмини ишлаб чиқиша қўйидагилар ҳисобга олишини керак:

- энг чеккадаги фойдаланувчилар малакаси;
- ахборотни сақлаш ишончлилиги;
- тармоқ (кўп фойдаланувчили) иш режими;
- рухсатсиз кириб фойдаланишдан ахборотни ҳимоя қилиш талаблари;
- турли ускуналардан фойдаланишга мослаштириш зарурлиги;
- кириш, чиқиш ва оралиқ ҳужжатлари шаклини стандартлаш зарурлиги ва ҳисбот шакли ўзгарганда чиқиш шакллари ва алгоритмларининг ишини модификациялаш зарурлиги.

Ахборот тизимида ички қурилган матнли боғланган ёрдам тизими бўлиши керак, у малакасиз фойдаланувчиларнинг ҳам ишлашларига имкон беради.

Рұксат этилмаган фойдаланишлардан ҳимоя қилиш уч хил даражада амалга оширилиши мумкин. Биринчи даражада тизимга киришда

операторларни рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади. Иккинчи даражада ҳимоя дастурини аниқ битта компьютерга боғлаш билан, учинчи даражада ҳимоя маълумотлар базасини шифрлаш кўринишида амалга оширилади.

Ер ахборот тизими ер қуриш мутахассисининг автоматлаштирилган иш жойи кўринишида ёки кадастр хизмати шаклида ишлатиши мумкин ва у қўйидаги функционал имкониятларга эга:

- ердан фойдаланувчилар ҳақидаги ахборотни маълумотлар базаси кўринишида сақлаш. Хар бир ердан фойдаланувчи ҳақида юридик ахборот (номи, манзили, кадастр номери, паспорт маълумотлари): ҳуқуқий ахборот рўйхатга олинган ҳужжатлар, участкадан маҳсус режимда фойдаланиш ҳужжатлари, шу участкага тегишли ер қурилиш ишлари, солиқ қўмитаси учун маълумотлар сақланади); ер мулк тури ва фойдаланиш шакли бўйича участкаларнинг майдонлари; участкаларнинг геодезик координаталари;
- фақат бошланғич маълумотларни жами ерлар майдонини автоматик ҳисоблаб киритиш;
- керакли ахборотни тезкор топиш ва босиб чиқариш;
- солиқ инспекцияси учун ердан фойдаланувчилар рўйхатини босиб чиқариш;
- ердан фойдаланиш ҳуқуқига оид ҳужжатларни участка планини берилган масштабда чизиб кўрсатилган ҳолда расмийлаштириш ва бир
- вақтда уларнинг реквизитларини маълумотлар базасига кириб бориш;
- ҳар бир ердан фойдаланувчи ҳақидаги график ахборотни сақлаш ва чиқариб бериш;
- йиллик ҳисоб, тизим ер баланси ва бошқа маълумотлар учун ахборот танлаш. Юқори органларга тақдим этиш учун тасдиқланган шаклда ерлар экспликациясини босиш;

- турли даражадаги қонунчилик ва ижро органларининг норматив хужжатлари ва йўриқнома материалларини маълумотлар базасига киритиш;
- бошқа дастурларга мослаштириш учун хусусий маълумотлар базасини бошқа форматларга конвертирлаш;
- рухсат этилган киришларни табақалаш ва рухсат этилмаган (тақиқланган) киришлардан ва нусха кўчиришдан ҳимоя қилиш;

Регионал миқёсда маълумотларни интеграциялаш учун район миқёсида мавжуд бўлган реквизитларни генерализациялаш ва вилоят ЕАТ ахборот фонди таркиби ва туўилиши ишлаб чиқилган бўлиши керак. Берилган тизимнинг асосий функцияларига маълумотларни кўшиш ва умумлаштирувчи таҳлил ўтказиш ҳам киради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Тизимнинг маълумотлар оқимига ишлов бериш бўйича асосий бўғини нимадан иборат?
2. Район миқёси даражасидаги тизимнинг ахборот фонди нималарни ўз ичига олади?
3. Маълумотларни шакллантириш тизимининг иккиласми тугуни нимадан иборат?
4. Ер ахборот тизими мутахассисининг автоматлаштирилган ишчи ўрни қандай функционал имкониятларга эга?
5. Ер ахборот тизими мутахассисининг ишчи ўрни деганда нимани тушунасиз?

4- Мавзу: Ер кадастри ахборот тизими моделларини худудий субъектларда синовдан ўтказиш методларини такомиллаштириш.

Режа:

1. Ер кадастри ахборот тизими маълумотлар базасининг тузилиши.
2. Ер кадастри ахборотининг дастурий таъминоти

3. Ер ахборотини шакллантириш тамойиллари

Таянч иборалар: ер контури, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, ер муносабатлари, құчмас мулк обьекти, ер кадастри, ер хисоби күрсаткичлари, ер баҳолаши, “Еравтобанк” электрон дастури, ер участкасини рүйхатта олиши, кадастр раками, ер баланси, ер сервитути.

4.1 Ер кадастри ахборот тизими маълумотлар базасининг тузилиши.

Маълумотлар базасини яратишнинг баъзи жиҳатларини қараб чиққандан сўнг ердан фойдаланишда қўллашга ўтиш мсумкин. Берилган соҳада замонавий маълумотлар тушунчаси геоахборот тизими (ГАТ) тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаб ўтиш муҳимдир, чунки ер участкалари ҳақидаги маълумотлар таркибида уларнинг жойлашган ўрни, майдони ва конфигурацияси ҳам бўлади.

Геоахборот тизимлари бугунги кунда бутун дунёда ҳамма фаолият соҳаларида кенг қўлланила бошланган. Улардан илмий ва амалий масалаларни ечишда, шу билан бирга давлат ва регионал даражада режалаштириш ва бошқариш, табиий ресурсларни хатловдан ўтказиш, экологик мониторингда ва ҳоказоларда фаол фойдаланилмоқда.

ГАТ-технология турли хил ахборотларнинг кўргазмали қилишга имкон беради ва таҳлил ҳамда қарор қабул қилиш учун ускуналаштириш қуввати етарлидир.

Шундай қилиб, замонавий ер ахборот тизими икки асосий қисмдан ташкил топган:

- бирор маълумотлар базасини бошқариш тизими (МБТ) дан фойдаланиб амалга оширилган маълумотларни бошқариш кичик тизимидан;
- картографик ахборот-аналитик кичик тизимидан: турли ГАТ-холатлар базасида амалга оширилган ускуналар тўпламидан.

Маълумотлар базасини бошқариш кичик тизимининг асосий ядрои марказий маълумотлар базаси (ММБ) – вилоят ер участкалари ресурсларини бошқариш жараёнини тавсифловчи кўпқиррали реляцион маълумотлар базаси ҳисобланади.

Маълумотлар базаси қўйидаги ахборотларни ўз ичига олади:

- ердан фойдаланиш субъектлари ҳақидаги ахборот;
- рўйхатга олинган ер участкаларининг техник жадвали;
- ердан фойдаланувчилар хуқуқини аниқ белгиловчи хужжатлар ҳақида ахборот;
- тизимнинг норматив-маълумотнома ахбороти.

Картографик ахборот-аналитик кичик тизим картографик ва реляцион маълумотлар базасининг комбинациясидан иборат бўлиб, маълумотлар базаси ахбороти ва ГАТ нинг тўла интеграцияси ва самарали ишлаб бериш каби яққол афзалликка эга. Картографик ахборот-аналитик киичк тизими фазовий ва геометрик таҳлил учун, масалан, майдонлар, масофалар, вилоятларни юзага келтириш, обьектларни ажратиш функцияларини хар томонлама тўплашни таъминлайди. Тизим картографик маълумотлар базасини шакллантириш учун уч хил кўринишидаги технологиядан фойдаланади, чунончи:

- дигитайзерли технология;
- сканерли технология;
- GPS- технологиялари ёрдамида картографиялаш, яъни маҳсус қабул қилгичлар ёрдамида сунъий йўлдошлардан олинган маълумотлар асосида картографиялаш.

Бу тизимнинг имкониятлари:

- ер участкаларини ва кўчмас мулк обьектларини рўйхатга олиш марказий базасини шакллантириш ва юритиш;
- ММБ обьектлари ҳақидаги ахборотларни танлаш ва излаш;
- сўровларни ишлаб чиқиш ва ҳисбот хужжатларини шакллантириш;

- масштабга солиш, қатламлар бўйича акс эттириш, излаш ва турли мезонлар бўйича объектларни ажратишга доир функционал имкониятларнинг тўлиқ жамламаси;
- майдонлар, синик чизиқлар, периметрлар ва бошқаларнинг ҳисоб-китоблари;
- ММБдан рўйхатга олинган карта объектлари ҳақида ахборот олиш;
- карталар схемалар ва планларни расмийлаштириш ва босмадан чиқариш.

Бундай тизимга мисол қилиб, маълумотларни бошқариш кичик тизими сифатида *Uzbek Land Registor* дастурининг республикадаги баъзи вилоятларда татбиқ этиладиган картографик ахборот-аналитик дастурларининг боғланишини келтириш мумкин. Ер участкалари бўйича ахборотларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш *MS SQL Server* ёрдамида амалга оширилади. *MS SQL Server* марказлаштирилган маълумот сақлаш тизимининг ядроидир. Бу дастур маълумотлари базасининг омбори бўлиб хизмат қиласиган, ташкилотнинг марказий серверига ўрнатилган маҳсус дастурий таъминотдир.

Бундай тизимда маълумотлар сақлаш структураси куйидаги элементлардан ташкил топган:

1. Маъмурий-худудий бўлимни чегаралаш;
 - шаҳар чегараси;
 - округлар, районлар, худудий бошқармалар;
 - қўшни худудлар ва ердан фойдаланувчилар.

Атрибутив маълумотлар: чегаралар тавсифи, тегишли маъмурий ёки ўзини-ўзи бошқариш жамиятларининг жойлашиш ган ўрни ва номи.

2. Кўчмас мулк:
 - ер участкаларининг чегаралари;
 - кўчмас мулк объектларининг чегаралари.

Атрибутив маълумотлар: мулкдор, кадастр рақами, жойлашган ўрни

(манзили), фойдаланиш учун рухсатнома, кўчмас мулк обьектининг иқтисодий кўрсаткичлари (маълумотлар ер участкаларини кадастли ҳисобга олиш ва кўчмас мулк обьектларини ҳисобга олиш жараёнида шакллантирилади).

3. Ердан функционал фойдаланиш:

- индивидуал тураг-жойлар;
- кўп квартирали тураг-жойлар;
- саноат, қурилиш;
- савдо-сотик, хизмат кўрсатиш;
- транспорт;
- спорт, дам олиш, рекреацион ерлар.

Атрибутив маълумотлар: маълумотлар шаҳар қурилишининг Бош плани маълумотлари, эгалик ҳуқуқи ва функционал зоналаш схемаси маълумотлари бўйича шакллантирилади.

4. Қишлоқ хўжалиги:

- қишлоқ хўжалик корхоналари;
- шахсий ёрдамчи хўжаликлар;
- дала ҳовли участкалари;
- дехқончилик ерлари.

Атрибутив маълумотлар: малумотлар ерларни хатловдан ўтказиш, Давлат ер кадастри маълумотлари бўйича шакллантирилади.

5. Солиқقا тортиладиган ёки иқтисодий зоналар:

- давлат аҳамиятига эга бўлган зоналар;
- одам яшамайдиган жойларга тўланадиган ижара ҳақи ставкалари зоналари;
- ягона солиқ тўловларини юритиш зоналари.

Атрибутив маълумотлар: солиқ ва ижара ҳақи тўловларининг ўртача ставкалари, ортирувчи ёки камайтирувчи коэффициентлар.

6. Кўча тармоқлари, манзиллар:

- кўчалар, йўллар, йўлаклар, майдонлар, шосселар ва бошқ;
- манзил плани ёки реестр;
- кўча сегментида бошланғич ва охирги почта манзиллари.

Атрибутив маълумотлар: қўчанинг номи, кўча тури (бурилиш, кўча проспект, майдон), таснифи (асосий, иккинчи даражали), техник характеристикаси.

7. Шаҳарсозлик маълумотлари:

- турли масштабларнинг топографик асоси;
- шаҳар қурилиш бош плани;
- шаҳар ҳудудини планлаштириш схемалари;
- шаҳарсозлик кадастр маълумотлари (худуддан фойдаланиш регименти) – қурилиш қизил чизиклари;
- бинолар ва иншоотлар.

Атрибутлар маълумотлар: бино тури, қурилиш учун рухсатнома, ер участкасини ажратиб бериш учун асос, шаҳарсозлик учун аҳамиятига эга бўлган зона, қурилиш майдони ва бошқ.

8. Муҳандислик инфраструктураси:

- электр тармоқлари;
- газ тармоқлари;
- телефон, алоқа линиялари;
- сув, канализациялари;
- иссиқлик тармоқлари;
- йўллар.

Атрибутив маълумотлар ҳовли ичидағи тармоқлар, магистраллар ҳақида маълумотлар, мулқдор, техник характеристикаси (материали, труба диаметри, кенглиги, узунлиги).

9. Транспорт тизими:

- транспорт маршрутлари ва бекатлари.

Атрибутив маълумотлар: маршрут номери, бекатнинг номи (ишлаб турган, қурилаётгани, лойиҳаланаётгани);

- темирйўл транспорти (шаҳар атрофига қатнайдиган, шаҳарлараро, саноат корхоналарининг): маршрутлар, лойиҳалаштирилаётган йўналишлар, вокзаллар, юк тушириш майдончалари;
- денгиз ва авиацион транспорт (йўл траекториялари ва асосий каналлар).

Атрибутив маълумотлар: номи, жойлашган ўрни (манзили), асосий характеристикалари.

10. Атроф-муҳит:

- жойнинг рельефи;
- саноат чиқиндилари билан ифлосланган ҳудудлари;
- асосий экологик зоналар;
- сувни қуриқлаш зоналари;
- санитариявий-ҳимоявий ва бошк.

11. Ўсимликлар ва бошқа мулклар:

- ўсимликлар: парклар, дараҳтлар, буталар, газонлар;
- сув;
- иморат қурилган ҳудуд;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ҳудудлар.

12. Парклар умумий фойдаланиш ерлари:

- парклар;
- дараҳтзорлар;
- хиёбонлар;
- пляжлар;
- қабристонлар;

- спорт майдончалари, стадионлар.

Атрибутив маълумотлар: номи, мулқдор жойлашган ўрни (манзили).

13. Сув объектлари:

- қирғоқ чегараси;
- максимал ва минимал кўтарилиш сатҳи;
- очиқ тошқин сув коллекторлари;
- дарёлар (шу жумладан ер ости)
- ер ости (ёпик) сув коллекторлари;
- сув тақсимлаш жойлари;
- артезиан сув қудуқлари;
- сув тўплагич (ичимлик ва техник сувлар);
- қудуқлар;
- ер кўчишлари (ўпирилишлари).

Атрибутив маълумотлар: техник тавсифлар ва мониторинг маълумотлари.

Маълумотлар моделида қонунлар мантиқи ва предметлар мантиқи асосий омил бўлиши керак. Хатловдан ўтказиш ишлари ер-ахборот тизимидан бошқа тамойилларга асосланиш билан чекланмаслиги керак, бунда маълумотлар тўпланади ва уларга ишлов берилади. Тамойиллар бир хил, мантиқ бир хил, демак, нималар зарурлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши ўринлидир. Мамлакатда ердан фойдаланишни тизимли юритиш учун давлат ер кадастри маълумотлари структурасини такомиллаштириш зарурий шартдир.

Ўз – ўзини текшириш учун саволлар

1. Ер ахборот тизимининг маълумотлар базаси структураси деганда нима тушунилади?
2. Қандай структуравий ахборот ер ахборот тизимининг маълумотлар

базасини ташкил этади?

3. Ер ахборот тизими маълумотларини шакллантириш учун қандай технологиядан фойдаланилади?
4. Сиз ер ахборот тизими маълумотлар базасини шакллантиришнинг қандай дастурлари билан танишсиз?
5. Ер ахборот тизими маълумотлар базасида бўлиши мумкин бўлган элементлар структурасини айтинг.

4.1 Ер кадастри ахборотининг дастурий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (республика, вилоят ва муниципал-район миқёсида) давлат ер кадастрини юритишни таъминловчи ишлаб чиқариш бўлинмаларини уч поғонали ҳудудий ташкил этишда ер ахборот тизими ичida ер-кадастр маълумотларининг ҳудудий базаси амалга оширилади ва кенгайтирилади. Ҳар бир ер ахборот тизимида қуйидаги структура элементлари ажратилади: функционал кичик тизимлар ва таъминот турлари.

Функционал кичик тизимлар тизимга юкланган асосий функцияларни бажаришни таъминлашга йўналтирилган ер ахборот тизимининг асосий мантикий ташкил этувчиси хисобланади.

Ҳар бир кичик тизим ўзаро боғланган мажмуудан иборат:

- ер-кадастр ахбороти, унинг таркиби ва мазмуни кичик тизимнинг таъминланиши билан аниқланади;
- ер-кадастр ахборотини шакллантириш, тўплаш ва ҳисобга олиш технологик жараёнлари;
- ахборотни қайта ишлаш жараёнлари;
- чиқувчи ахборотни тақдим этиш жараёнлари.

Ҳар бир кичик тизимни ишга тушириш унинг узлуксиз ва бирдай ишлаш жараёнларини таъминловчи дастурий воситалар ва ахборот технологияларининг яратилишига асосланади.

Ер ахборот тизими структурасида қуйидаги асосий функционал кичик тизимларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

- кадастр ҳисоби объектларини шакллантириш;

- давлат кадастр ҳисоби ва ягона давлат ер реестрини юритиш;
- ҳудудий зоналарни шакллантириш ва ҳисобга олиш;
- солиқка тортиш учун ерларни давлат кадастрли баҳолаш;
- ахборот-аналитик;
- идораларо ўзаро муносабатларни бошқариш;
- иш юритиш.

Ер ахборот тизимини таъминлаш турларига қуидагилар киради: ахборот, техник, дастурий, технологик, норматив-хуқуқий, ташкилий таъминот, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, олис масофа алоқаси, ахборотни қайта ишлашни бошқариш (маъмурий ва диспетчерлаштириш) воситаларини ўз ичига олган ер ахборот тизими ишлашини умумтизимли қувватлаш компонентлари.

Ер ахборот тизимининг маълумотлар базасида тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш керак бўлган ахборотлар таркибига қуидагилар ҳақидаги хабарлар киради:

- ер участкалари;
- ҳудудий зоналар;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалга ошириладиган ерлар ва ҳудудлар чегаралари;
- вилоятлар ва районларнинг ерлари ва чегаралари;
- Ўзбекистон Республикаси ерлари ва чегаралари.

Кўрсатиб ўтилган хабарлар давлат ер кадастрида, ер ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш учун етарли ҳажмда келтиради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ер участкалари, ерга эгалик хуқуқи, йўналтирилганлик мақсади ва ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш шаклидан қатъи назар, давлат кадастр рўйхатига олиниши шарт. Давлат ер кадастри ахборотининг бошқаларидан фарқи шундаки, унда объектларнинг аниқ ҳудудий мансублиги келтирилган бўлиб, уларнинг жойлашиши (манзили) турли интерпретацияга йўл қўймайди.

Ер ахборот тизимини ахборот билан таъминлаш объектларни (ер участкалари, ҳудудий зоналар ва чегаралар) шакллантириш ва уларни

навбатдаги давлат кадастр рўйхатига олиш жараёнларида амалга оширилади. Ер участкаларини шакллантириш хатлов вақтида ёки хукуқий эгаларининг ташаббуси бўйича амалга оширилади.

Ер участкаларининг ҳолати ва фойдаланилиши, уларнинг майдони, жойлашган ўрни, иқтисодий ва сифат характеристикалари ҳақидаги хабарлар давлат ер кадастри хужжатларига мувофиқ ер ахборот тизимининг маълумотлар базасига киритилади. Улар ер участкаларининг ажратувчи чегаралари ҳақидаги эгалари берган хабарлар, топографик-геодезик, картографик, мониторинг, ер тузиш, тупроқ, геологик-геоморфологик ва бошқа тадқиқот ва изланишлар натижалари асосида шакллантирилади.

Ҳар ер категориясига нисбатан ер участкалари ҳақидаги муайян ахборотлар рўйхати қўлланилади.

Ер участкаларининг иқтисодий характеристикалари ҳақидаги хабарлар давлат ер кадастри хужжатларига давлат кадастр ва ерларни баҳолаш маълумотлари ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари норматив-хукуқий қоидалари асосида киритилади.

Худудий зоналар ҳақидаги хабарлар худудий зоналарни рўйхатга олиш ёки ҳисобга олишни амалга оширувчи органлардан олинган маълумотлар асосида киритилади.

Ер ахборот тизимининг ахборот билан таъминловчи энг муҳим қисми давлат кадастр ҳисобга олиш ва ягона давлат ер реестрига киритиш амалларини бажариш натижасида олинадиган хабарлар ҳисобланади.

Ер участкалари ҳақидаги асосий хабарлар таркибиға қуйидагилар киради:

- кадастр рақамлари; жойлашган ўрни (манзили);
- майдони;
- ерлар категорияси ва рухсатнома билан ер участкаларидан фойдаланиш;
- ер участкалари чегараларининг ва уларнинг қисмларининг тавсифи;
- белгиланган тартибда рўйхатга олинган мулкка эгалик хукуqlари ва чекловлар (юкловлар);
- иқтисодий характеристикалар, шу билан бирга ер тўловлари миқдори;
- сифат характеристикалари, шу билан бирга ерларнинг баъзи

категориялари учун ерларнинг ҳолати ва унумдорлик кўрсаткичлари;
– ер участкалари билан боғлиқ кўчмас мулк объектларининг мавжудлиги.

Бунда ерларнинг ягона давлат реестрига киритилган санаси ер участкасининг давлат кадастри ҳисоби обьекти сифатида пайдо бўлиш (ёки мавжуд бўлишиликнинг тўхтатилиши) вақти бўлиб ҳисобланади.

Ер ахборот тизимининг техникавий таъминоти замонавий ер-кадастр маълумотларини тўплаш ва ишлов бериш, ҳисоблаш ва телекоммуникация техникасининг замонавий воситаларига таянади. Бунда ер ахборот тизимининг техникавий структурасини шакллантириш дастурий-техник комплексларини тизим иерархиясининг барча поғоналарида кенг ёйиш натижасида амалга оширилади. Ёйиш даражасига (район, шаҳар, вилоят, республика бўйича) боғлиқ равишда дастурий-техник комплекслар бир рангдаги архитектурадан тортиб мижоз-сервер архитектурасигача турли хил локал ҳисоблаш тармоқлари кўринишида шакллантирилади.

Намуnavий дастурий-техник комплекслар ускуналари таркибиغا қўйидагилар киради:

- Windows Server тармоқ операцион тизими учун Intel архитектура сервери;
- мижознинг автоматлаштирилган ишчи жойи (Intel архитектураси ва Windows операцион тизими) жойлашадиган график ва семантик ахборотларни ишлаш учун ишчи станциялар;
- TCP/IP далолатномаси ва маълумотларни 100 Мбит/с тезликда узатиш муҳити билан локал ҳисоблаш тармоқлари ускуналари;
- ахборот киритиш воситалари (сканерлар, дигитайзерлар);
- ҳужжатларни босиб чиқариш воситалари (лазер ва рангли пуркагичли принтерлар);
- ҳужжатлардан нусха қўпайтириш воситалари;
- коммуникация ва алоқа воситалари (модемлар, факс-модемлар, факсимил аппаратлар ва телефон станциялари);
- қабул қилинган ишлов бериш ва ахборотни архивлаш технологиясини қувватлаб туришни таъминлаш воситалари (стримерлар, хавфсизликни таъминлаш қурилмалари ва х.к.).

Кадастр оғисларини жиҳозлаш техникавий воситалари билан бир қаторда ер ахборот тизимини техникавий таъминлаш таркибиға бирламчи ер-кадастр ахборотини дала шароитида түплаш комплекслари киради, шунингдек:

- сунъий йўлдош навигацион тизимлари;
- электрон тәкеометрлар;
- микрокомпьютерлар базасида маълумотларга ишлов бериш дала комплекслари.

Ер ахборот тизимини дастурий таъминлаш деганда умумтизимли, базавий инструментал тизимлар мажмуаси, яъни операцион, база маълумотлар базасини бошқариш, геоахборот, шунингдек, маҳсус амалий дастурий ишлов бериш, таҳлил қилишни автоматлаштириш воситалари, ер-кадастр ахборотларига тузилишининг ҳамма босқичларида ахборотни тақдим этиш тушунилади. Ер ахборот тизими дастурий-техник комплексида асосий операцион тизим сифатида Windows Server ёки Linux (серверлар учун); Windows XP ва Windows Vista (мижоз станциялари учун) лардан фойдаланиш мумкин.

Windows Server ёки Linux операцион тизимлари маълумотларга марказлашган киришни ва уларни сақлашни таъминлаш мақсадида марказий компьютерларда (серверларда) ишлаш учун мўлжалланган. Бу тизимлар тўхтовсиз ишлаш имконияти, турли даражадаги маълумотларга маъмурий рухсатсиз киришни чеклаш ва уларга ўзгартиришлар киритишни тўла тақиқлаб қўйиш имкониятлари билан фарқланади.

Windows XP ва Windows Vista операцион тизимлари фойдаланувчиларнинг шахсий компьютерларида (ишчи станцияларда) ишлайди. Бу операцион тизимлар дунёда энг кўп тарқалган ва фойдаланувчиларга корхона тармоқларида қулай ишлаш учун имкон беради.

Маълумотлар базасини бошқариш тизими. Ер ахборот тизимида турли даражадаги дастурий-техник комплекслар учун қўйидаги замонавий реляцион МББТ тўплами қўлланилиши мумкин: Oracle ва MS SQL Server

(республика, вилоят ва йирик шаҳарлар миқёсидаги дастурий-техник комплекслар учун); InterBase ва MS Access (кичик шаҳарлар ва қишлоқ туманлари миқёсидаги дастурий-техник комплекслар учун). МББТ операцион тизимларида каби Oracle ва MS SQL Server маълумотларни корхоналарнинг серверларида марказлаштирилган ҳолда сақлаш ва маълумотлар базасини бошқариш учун мўлжалланган. Маълумотлар базасини бошқариш тизимларида маълумотларни тўхтовсиз сақлаш ва уларга киришни чегаралаш механизмлари кўзда тутилган.


МББТ InterBase ва MS Access унча катта бўлмаган ҳажмдаги маълумотларни бошқариш учун етарли бўлган кичикроқ даражадаги тизим бўлиб ҳисобланади, шунингдек, серверда сақланадиган марказий маълумотлар базасига кириш учун интерфейс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳар хил маълумотлар билан ишлайдиган ихтисослаштирилган кўпгина дастурий комплекслар марказлаштирилган маълумотлар омборига уланишга имкон беради. Бунга мамлакатимизнинг баъзи вилоятларида ишлатиладиган кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш бўйича бажариладиган ишлар учун мўлжалланган Uzbek Land Register тизими мисол қилиш мумкин. Бу тизимда маълумотларни сақлаш Uzbek Land Register мижоз сифатида уланадиган МББТ MS SQL Server ўрнатилган серверда амалга оширилади.

Геоахборот тизими. Турли даражадаги ер ахборот тизимининг дастурий-техник комплексида геоахборот қобиғи сифатида куйидагилар қўлланилиши мумкин: график ишчи станциялар учун MapInfo, ArcGIS ва мижоз ўринлари учун MapInfo ва Arc View, шунингдек, Панорама россия геоахборот тизими.

Офис дастурий таъминоти. Бу мақсадлар учун Microsoft Office интеграцияланган пакети ёки Open Office эркин офис дастурий таъминоти асосий дастурий маҳсулот бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ер ахборот тизимининг дастурий-техник комплекси учун намунавий дастурий таъминот структураси 24-расмда келтирилган.



Операцион тизим(ОТ)/Олис масофадаги фойдаланувчи^{лар}Интернет/ Фойдаланувчи^{лар} интерфайси/Офис СПО ва хужжат айланиши/НСД дан химоялаш ПО/ГАТ/ МББТ/Коммуникация алоқа^{ПО}/ Махсус дастурий маълумот МДТ ГКЗ

24-расм. Ер ахборот тизими^{нинг} типавий дастурий-техник комплекси учун дастурий таъминот структураси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ер кадастрини юритиш ягона методика бўйича амалга оширилади ва у ер участкалари ҳақидаги маълумотларни йигиши, хужжатлаштириши, тўплаши, ишлов бериши, ҳисобга олиши ва саклаш бўйича кетма-кет бажариладиган ҳаракатлардан иборат. Бу кетка-кет бажариладиган ҳаракатлар ахборот технологиялари ёрдамида бажарилади.

- объектларни кадастр ҳисобига олиб шакллантириш мақсадида ерларни хатлаш ва чегаралаш жараёнида олинадиган бирламчи ер-кадастр ахборотларини киритиш ва назорат қилиш;
- кадастр ҳисоби амалларини бевосита амалга ошириш ва ерларнинг ягона давлат реестрини шакллантиришни таъминловчи ер-кадастр маълумотларининг асосий график ва семантич базасини юритиш;

- ер ахборот тизимининг архив маълумотлари базасини юритиш;
- ер ахборот тизимининг маълумотлар базасини маъмурийлаштириш ва актуаллаш;
- ер ахборот тизими сегментлари орасида турли даражадаги (республика, регионал, муниципал) маълумотларни узатиш;
- идоравий ахборот тизимлари, кадастрлар ва регистрлар орасида ахборот алмашиш;
- тезкор фойдаланувчилар ва аналитик сўровларга хизмат қўрсатиш;
- ер ахборот тизимининг маълумотлар базаси ичидан стандарт ва ихтиёрий танланмаларни шакллантириш;
- ер ахборот тизимининг маълумотлар базасини сақлаш ва қайта тиклаш.

Юқорида санаб ўтилган ахборот технологиялари қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) дастурий ва сигналлар юқори тезликни ҳисоблаш тармоқлари чегарасида ёки регламентланган алмашув файлларидан фойдаланиш асосида локалланган ҳолларда мижоз-сервер ёки файл-сервер архитектураси асосида технологик амаллар ўртасида ахборот айланиши;
- 2) „қаттиқ” нусхаларни ахборот олиш регламентланган файллар асосида ташқи ташкилотлар билан маълумот алмашиш (хукуқларни рўйхатга олиш бўйича адлия муассасалари, солиқ хизмати, давлат мулк қўмитаси органлари ва бошқ.);
- 3) кейинги ишлов бериш воситаларига, сақлаш ва маълумотларни кўпайтириш, шунингдек, маълумотларни киритиш ва ўзгартириси амаллари учун мижоз-сервер транзакция-сервер архитектурасидан фойдаланиш билан оғриқсиз ўтиш;
- 4) Маълумотларга оммавий киришини таъминлаш учун Интернет/Интернет архитектурасидан фойдаланиш;
- 5) қоғозсиз технологияни қўллаш;

Ҳозирги вақтда ер ахборот тизимининг ишлашида асосий технологик режимлар қуидагилар ҳисобланади:

- кадастр ҳисоби амалларини ва ерларнинг ягона давлат реестрини

юритишини амалга ошириш учун бошланғич маълумотларни юклаш ва назорат қилиш;

- график ва семантик маълумотлар базасини актуаллаштириш;
- тизимдан фойдаланувчиларнинг буюртмалари бўйича тезкор ахборот-маълумотнома хизматини бажариш;
- аналитик сўровларга хизмат кўрсатиш (муаммоли-ориентацияланган ахборотларни беришни ҳисобга олган ҳолда);
- амалдаги давлат ва идоравий тизимлар билан ахборот алмашиш.

Ер ахборот тизимиning ахборот-телекоммуникацион мухитини ёйиш сифатли алоқа линияларининг, фойдаланувчиларга замонавий дастурий-техник воситаларнинг етишмаслиги, коммуникацион мухитларга кириш ва алоқа хизматлари қиммат бўлган шароитда амалга оширилмоқда. Шунинг учун ер ахборот тизимини яратишида коммукацион компонентларни жорий этиш бўйича техник қарорларни танлаш тезкор маълумотларга реал эҳтиёжларнинг таҳлилидан ва тизимни кам харажатлар билан ахборот-коммуникацион соҳада интеграциялаштириш ва идоралараро ахборот алмашув шароитларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Қабул қилинган техник қарорлар қуйидагиларни қўзда тутади:

- 1) муниципал ва регионал даражада «Ўзгеодезкадастр» ташкилотининг локал ҳисоблаш тармоқларида умумий фойдаланиш учун яратиладиган ҳудудий коммуникацион тизимларга улаш билан ишлатиладиган уч босқичли коммуникацион ўзаро боғланиш схемаси;
- 2) мамлакатдаги алоқа каналларига мослашувчанлик ҳамда пакетли коммуникацияни (TCP/IP, X25, X400 далолатномалари) амалга оширувчи технологияларга ва базавий дастурий-техник воситалардан фойдаланишга йўналтирилганлик;
- 3) Интернет/Интернет технологиялари асосида телекоммуникацион мухит яратишининг архитектуравий ечими; масштабга тушириш, ривожлантириш, конфиденциаллик кафолати ва ҳимоя воситаларига инвариантлик имконияти.

Ер ахборот тизими маълумотларини ҳимоялаш Ўзбекистон Республикаси

қонунчилик ва норматив ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва «Ўзгеодезкадастр» идоравий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Техник нуқтаи назардан қараганда ер ахборот тизими ахборотини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар қуидагиларни кўзда тутади:

- 1) давлат кадастр ҳисоби маълумотларининг ер ахборот тизими структурасида ҳимояланганлик даражалари ва ижозат категориялари бўйича тақсимланиши;
- 2) ахборотнинг ҳуқуқий ҳимоя режими; ахборотни ҳимоя қилиш ишларини ер ахборот тизимининг компьютер воситаларига сертификатланган аппарат ва ҳимоянинг дастурий воситаларини инсталляция қилиш асосида бажариш;
- 3) давлат ер кадастр маълумотларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича фаолият юритишни лицензиялаш.

Ўзбекистонда охирги 10-12 йил ичida ер ахборот тизимини кенг ёйиш бўйича ишлар юритилмоқда, бироқ уни яратиш учун маълум қийинчиликлар сабабли етарлича вақт ва молиялаш талаб қилинади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Автоматлаштирилган ер ахборот тизимларини бошқаришга қандай зарурат бор?
2. Ер ахборот тизимининг “функционал кичик тизимлари” атамасига қандай тушунча берилади?
3. Ер ахборот тизимининг „функционал кичик тизими“ қандай функцияларни ўз ичига олади?
4. Ер ахборот тизимининг „дастурий таъминот кичик тизими“ атамаси нимани англатади?
5. Ер ахборот тизимининг „дастурий таъминот кичик тизими“ қандай таъминот турларини ўз ичига олади?
6. Ер ахборот тизимининг техник таъминоти нималарни ўз ичига олади?
7. Намунавий дастурий-техник комплекс таркибига нималар киритилади?

8. Ер ахборот тизимининг дастурий таъминоти нималарни ўз ичига олади?
9. Ер ахборот тизимининг технологик ишлаш режими нималарни ўз ичига олади?
10. Ер ахборот тизимида маълумотларни ҳимоялаш қандай амалга оширилади?

4.2 Ер ахборотини шакллантириш тамойиллари


Ер кадастрии юритиш ва унинг кичик тизимларини – ахборот ишлаб чиқиш ва ер-кадастр ахбороти (ЕКА)ни шакллантириш бўйича ер-кадастр жараёни (ЕКЖ) умумий тамойилларга мувофиқ ва хусусан, унинг кичик тизимларининг тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

Ер-кадастр умумий тизимида ер-кадастр ахбороти кичик тизими тамойилларининг ўрни ва роли 7-расмда кўрсатилган.

Расмдан кўриниб турибдики, аввал давлат ер кадастрини юритишнинг умумий тамойиллари ўрнатилади, сўнгра унинг кичик тизимларига татбиқ қилинади. Ер-кадастр ахборотини шакллантиришни ишлаб чиқиш, тўплаш тамойиллари ер кадастрини юритиш умумий тамойиллари ва унинг жараёнининг биринчи кичик тизимини жорий қилиш тамойиллари билан узвий боғлиқ.

Ахборотни шакллантириш тамойили – ахборот тўлиқлиги, аввало, ер кадастрини юритиш умумий тамойили билан боғланган, у бутун мамлакат ҳудудини қамраб олади. Бу эса ер-кадастр ахбороти республиканинг барча ер участкалари учун, уларнинг қайси идора тасарруфидалигидан, уларга эгалик ҳуқуқидан ва мақсадидан қатъи назар ишлаб чиқилишини англаради. Ахборотни ишлаб чиқиш рўйхатидан ҳеч қайси ер участкаси қолиб кетмаслиги ва такрорланмаган бўлиши керак. Бундан ташқари, ушбу ахборотни шакллантириш тамойили ахборотнинг барча турлари (рўйхатга олиш, ҳисоб-китоб ва баҳолаш) учун ишлаб чиқилади, шунингдек, норматив ҳужжатларда (йўриқнома, қўлланма) кўзда тутилган барча миқдорий ва сифат кўрсаткичлари турлари кўрсатилади. Норматив ҳужжатларда (Ерга эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилганлик регистри) бундай

кўрсаткични ер участкасининг центроиди (оғирлик маркази) сифатида ўрнатиш кординаталарининг Ягона тизимига геодезик боғлаш зарурлиги кўрсатилади.



7-расм. Ер кадастри ва унинг кичик тизимларининг умумий тамойиллари

Ер-кадастр ахборотининг тўлиқлиги шундай бўлиши керакки, жамият фаолиятининг ҳамма соҳаларидағи, давлат бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер билан боғлиқ барча келишмовчиликларни, ерни муҳофаза қилиш, ер участкалари олиб қўйилганда моддий заарни аниқлаш каби муҳим талаблар қаноатлантирилиши керак. Шундай талабларни қаноатлантирадиган ахборотгина тўлиқ ва қараб чиқилаётган тамойилга жавоб берадиган ахборот ҳисобланади. Шу билан бирга ахборотнинг тўлиқлиги мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида ер-кадастр жараёнининг ва уни ишлаб чиқиш ишларининг ҳажмини амалга ошириш талабларини аниқлаш тамойилини белгилайди.

Ахборот кўрсаткичларининг мос келиши тамойил сифатида турли регионлар, турли фойдаланувчилар бўйича ҳар хил вақтда ишлаб чиқилган ахборотларни ишлаб чиқиладиган ва шакллантириладиган ахборотларга қўйиладиган, ягона техник талабларга жавоб берадиган ягона сифатли тўпламга жамлашни тақозо қиласди. Бундан, биринчидан, барча турдаги ер ахборотларини ишлаб чиқиш методикаси мамлакат бўйича бир хил бўлиши кераклиги келиб чиқади, шу билан турли регионларда ахборот ишлаб чиқишга бўлган талабларнинг бир хил бўлишига эришиласди. Иккинчидан, жараёнларни марказдан бошқариш давлат кадастрини юритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади, бу эса ахборотни шакллантиришнинг ягона методикасини юритишга ёрдам беради. Учинчидан, барча картографик материаллар (кадастр съёмкалари) ягона давлат координаталар тизимида бажарилиши керак, бу эса тарқоқ ер участкаларини битта умумий манзарага (картографик материалда ва электрон шаклда) келтиришга имкон беради. Тўртинчидан, ахборотнинг ҳамма микдорий кўрсаткичларини белгилашдаги техник қўйим (ижозат) лар мамлакат бўйича бир хил бўлиши керак, шунда ишлаб чиқилган ахборотнинг ишончлилигига кафолат бўлади.

Ахборот тамойили унинг ишончлилигидир, у энг муҳим тамойиллардан ҳисобланади, чунки унинг сифати ва амалий фойдаланишга яроқлилигини белгилайди. Ахборотнинг у ёки бу даражадаги

сифталилигига эришиш ишлаб чиқаришнинг сарф-харажатлари билан боғлиқ бўлиб, ахборотнинг мазкур тамойили ер-кадастр жараёнини амалга оширишда маълум даражада маблағлар харажати миқдорига таъсир кўрсатади.

Ахборот ишончлилиги мураккаб тушунча бўлиб, ахборот аниқлиги, унинг батафсиллиги, тўлиқлиги ва объективлиги каби характеристикаларини ўз ичига олади. Ахборот аниқлигига талаблар, одатда, унинг миқдорий характеристикаларига қўйилади. Ахборот аниқлиги деганда унинг миқдорий кўрсаткичининг жойдаги миқдорий ўлчовига қўйилган кўрсаткичларига мувофиқлик даражаси тушунилади. Бу талаб, аввало, ер кадастрида ишлатиладиган план(режа) лар ва карталарнинг аниқлигига, шунингдек, ер участкаларининг майдони ва ер мулклар контурларини ҳисоблаш аниқлигига, ер (тупрок) бонитетига берилган баллар аниқлигига, ерга нарх қўйиши аниқлигига ва ахборотнинг бошқа бир қатор миқдорий кўрсаткичларига тааллуқлидир. Ер ахборотининг етарлича аниқ бўлмаган кўрсаткичларидан фойдаланилганда унга асосланиб олинган натижаларга ишончнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ахборот кўрсаткичларининг белгилаш аниқлигига қўйиладиган талаб кадастр ишларини юритишга доир норматив хужжатларда олдиндан асосланади ва келтирилади.

Ахборотнинг батафсиллиги деганда ер участкаларининг геометрик шаклларининг ёки жойнинг чизиқли элементларининг (йўллар, каналлар, коллекторлар, оралиqlар) жойнинг планларида ва карталари акс этадиган уларнинг асл қиёфасига ўхшашлиги талаблари тушунилади. Агар карталарда ва планларда жойларнинг контурлари ва элементлари умумлаштириб юборилган бўлса, ахборот батафсиллиги даражаси камаяди. Ер кадастри график маънога эга бўлганлиги ва кўпгина кадастрли миқдорий характеристикалар картометрик ишлар жараёнида план ва карталардан „тушириб қолдирилиши” сабабли ахборот батафсиллиги (умумлаштириш, элементларни текислаб юбориш) уларни тасвирлашдаги батафсиллик даражаси камайиши миқдорий кўрсаткичларнинг белгилаш аниқлигига

салбий таъсир кўрсатади, бу эса ерга оид масалаларни ҳал қилиш сифатининг пасайишига олиб келади.

Ахборотнинг миқдорий кўрсаткичларини белгилаш тўлиқлиги уларнинг картографик тўйинганлиги даражасига боғлиқ. Карталар ва режаларда, кейин ахборотнинг ўзида ер мулкларининг контурлари ўлчамларидаги фарқлардан бири ерни ҳисобга олишда майдонлар ўлчамлари аниқлиги орасидаги фарқлар албатта таъсир кўрсатади. Картографик асосда ва ер ахборотида акс этмай қолиши мумкин бўлган обьектлар (ер мулкларининг контурлари) майдони бўйича минимал ўлчамлар олдиндан асосланади (ижозатлар) ва норматив ҳужжатларда келтирилади. Бу ижозатларга мос равишда ахборот ишлаб чиқишида бундай майда контурлар ҳисобга олинмайди, берилган ижозатлардан ортиб кетган кўрсаткич ер мулкларининг контурлари албатта ҳисобга олиниши ва қайд қилиниши керак.

Ахборотнинг обьективлиги деганда обьектнинг ахборотда ва жойларда акс этган (ер мулкининг контурлари) ички тартибининг мос келиши тушунилади. Ер ахбороти мос келмаслигининг энг кўп учрайдиган ҳолати жойлардаги ер мулкларининг кўринишини таниб олишдаги ва ахборотдаги уларнинг характеристикаларидаги хатоликлардир. Масалан, суфориладиган ерлар контури ахборотда бўз ерлар ёки яйловлар каби ва аксинча қабул қилинган ва шундай акс эттирилган бўлиши мумкин, бундай нообъектив ахборотдан фойдаланиш натижасида талайгина иқтисодий зарар кўриш мумкин. Ирригацион канал коллектор сифатида хато тасвирланган бўлиши мумкин ва бундай хато ахборотдан фойдаланиш суфориш ишларини режалаш ва амалга оширишга ноаниқликка олиб келиши мумкин. Объектив ахборот жойлар элементлари кўринишлари ва ер мулклари контурларининг мазмунини нотўғри талқин қилишга йўл қўймайди.

Ахборотнинг ҳужжатлилиги бир тамойил сифатида ер-кадастр ахборотини ваколатли давлат органи томонидан тегишли тартибда қараб чиқиш ва тасдиқлашни кўзда тутади. Ахборотнинг ҳужжатлилиги шуни англатадики, у барча тамойилларга мос ва ишлаб чиқиш талабларига

мувофиқ келиши нуқтаи назаридан қараб чиқилган, ҳар қандай камчиликлар (хатоликлар)дан холи, ҳақиқий (жойлардаги реал ҳолатлар) ва барча фойдаланувчилар ер масалаларини заарсиз ҳал қилиши мумкин. Давлат ер кадастрининг ҳисобот маълумотларида факат текширилган ва тасдиқланган ахборотлар келтирилади ва ер ахбороти тизимиға киритилади. Ахборот тақдим этишнинг барча турлари ва шакллари уни ишлаб чиқиш ва шакллантиришнинг навбатдаги тамойили ҳисобланади. Биринчидан, ер ахбороти матнли, рақамли ва график қўринишда ишлаб чиқилади.

Ер объектларининг матнли тавсифи асосан ернинг сифат ҳолатига, уларнинг жойлашиши мансублиги, мақсадли йўналишига тааллуқлидир.

Ер участкаларининг миқдорий тавсифи миқдорий қўрсаткичлар (ер участкасининг майдони, ер тупроқ бонитетининг баллари, ер, тупроқ хоссаларини тавсифловчи, прогнозланган тузатма коэффициентлари ва бошк.), баҳолаш миқдорий қўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Ахборотнинг график қўриниши ўрганилаётган ер участкалари (ерларни ҳисобга олиш учун план-картографик асоси), ер участкаларининг чегаралаб берилиши, тупроқ карталари (тупроқлар фарқи, шўрланганлик даражаси, эрозияга берилувчанлик даражаси, сизот сувлари чуқурлиги ва бошк.) яққол визуал қўринишини тавсифлайди. Ер ахборотининг график қўриниши катта майдонга эга бўлган массивларни тавсифлашда актуал ҳисобланади.

Бундан ташқари, ахборот анъанавий шаклда – қоғозда ҳарф-рақамлар қўринишида (қоғозга ёзилган ведомостлар, жадваллар, планлар ва карталар), электрон шаклда ҳам берилиши мумкин.

Ахборотни шакллантиришнинг муҳим тамойили янгилаб бериш ёки уни замонавий даражада ушлаб туришдан иборат. Ер ресурсларининг сифатий ва миқдорий ҳолати вақт ўтиши билан ўзгариб бориши сабабли улардан фойдаланиш характеристи, ҳуқуқий мансублик ва ер-ахборот тизимида келтирилган ва мавжуд бўлган аввалги бошқа бир қатор ахборот қўрсаткичлари ҳақиқатга тўғри келмай қолади, яъни „эскиради” „Эскириш” турли сабабларга қўра рўй беради. Бунда эски ахборотдан фойдалангандা

унга ишонч йўқолади ва ундан фойдаланганлик салбий оқибатларга олиб келади. Янгилаш ишлари ҳажми ахборотни охирги янгилашгача бўлган ер ресурсларининг ҳолатидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиб, ўз навбатида ахборотни янги шакллантириш ёки тузатиш ишларининг харажатига жиддий таъсир этади. Шу билан бир вақтда ахборот тизимларидағи ахборотни замонавийлаштиришни унинг ишончлилигини ва ундан фойдаланиб бажариладиган ишларнинг сифатига кафолат беради.

Ахборотнинг тежамлилиги, тамойил сифатида ер ахборотини ишлаб чиқиш ва шакллантириш харажатлари истеъмолчиларнинг ахборот сифатига, қўйган талабларига, ахборотни ишлаб чиқиш усуллари ва тамойилларига, ахборотнинг „эскириб бориш” интенсивлигига боғлиқ. Ахборотнинг „эскириш” ва уни янгилаш жараёни вақти бўйича узлуксиз жараён бўлгани учун, ахборотни замонавий даражада сақлаб туриш ва уларни оптималлаштиришга ўртacha йиллик солиштирма сарф-харажатларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ахборот ишлаб чиқиш сарф-харажатларини энг янги технологияларни қўллаш, тузатиш киритиш ва тўла янгилашни оптималлаштириш, шунингдек уларни ўтказиш муддатларини оптималлаштириш ҳисобига қисқартириш мумкин.

Ахборот давлат бошқарув органларидан, шунингдек, худудий ердан фойдаланиш ҳизмати бўлинмаларидан бепул олинади, чунки ахборот ишлаб чиқариш ва ер ахборот тизими бюджет маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатади. Бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ер ахбороти Ўзбекистон Республикасининг „Давлат ер кадастри тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ белгиланган тўловлар ҳисобига берилади.

Ахборотни тезкор бериш тамойили юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровлари бўйича ахборотни ўз вақтида ва тўлиқ микдорда беришни кўзда тутади. Бу, ахборот тизимида ишончли ва замонавий барча ахборот тўплами доимо тайёр туриши кераклигини, ахборот тизимининг ўзи эса узлуксиз ишлаб туриши лозимлигини англатади. Фойдаланувчиларнинг сўрови бўйича ахборотни тезкор бериш ер ахборот тизими ишлашининг самарадорлиги ва ишончлилигини англатувчи муҳим кўрсаткич

ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ер ахборотини шакллантиришнинг юқорида санаб ўтилган ҳамма тамойиллари ўзаро чамбарчас боғланган ва маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Масалан, ахборот тежамлилиги бошқа кўп тамойиллар билан боғланган бўлиб, уларни амалга ошириш ахборотни ишлаб чиқиш харажатларига таъсир қиласи, чунончи: тўлиқлик, мослик, ишончлилик, янгилаш, ахборотни тезкор бериш. Ахборотнинг хужжатлилик тамойили ишончлилик тамойили билан, ахборотни тезкор бериш тамойили ишончлилик ва янгилаш тамойили билан узвий боғланган ва ҳ.к.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. „Тамойил” атамасига қандай маъно берилади?
2. Ер кадастрини юритишнинг умумий тамойилларини айтинг.
3. Ер-кадастр жараёнининг хусусий тамойилларини айтинг.
4. Ер ахборотини шакллантиришнинг хусусий тамойилларини айтинг.
5. „Ахборот тўлиқлиги” тамойили нимани англатади?
6. „Ахборотнинг мослиги” тамойили нимани англатади?
7. „Ахборотнинг ишончлилиги” тамойили нимани англатади?
8. „Ахборотнинг хужжатлилиги” тамойили нимани англатади?
9. Ахборотни келтиришнинг „кўринишлари ва шакллари” тамойили нимани англатади?
10. „Ахборотни узлуксиз янгилаб бориш” тамойили нимани англатади?
11. „Ахборотнинг тежамлилиги тамойили нимани англатади?
12. Ахборотни „тезкор бериш” тамойили нимани англатади?

5 –Мавзу: Давлат ер кадастри ахборот таъминотини максадли дастурини яратиш ва тадбик этиш истиқболлари.

Режа

1. Ўзбекистонда ер ислоҳотини амалга оширишда ер ахборот тизимининг роли
2. Ер ахборот тизимларини яратишда чет эл тажрибаси

Таянч иборалар: ер контури, ер участкаси, бозор иқтисодиёти, ердан фойдаланувчи субъект, ер муносабатлари, күчмас мулк объекти, ер кадастри, ер хисоби кўрсаткичлари, ер баҳолаши, “Еравтобанк” электрон дастури, ер участкасини рўйхатга олиш, кадастр рақами, ер баланси, ер сервитути.

5.1 Ўзбекистонда ер ислоҳотини амалга оширишда ер кадастр ахборот тизимининг роли

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ўзгаришлар мамлакатда ер ислоҳотини ўтказиш заруратини юзага келтирди. Ер-сув муносабатларини ислоҳот қилиш, ўз навбатида, тегишли ахборот таъминотини талаб қилди. Ер ислоҳотининг ҳамма таркибий масалаларини ечиш давомида ер ахборот тизимиға, хусусан, керакли замонавий ер-кадастр ахборотини ишлаб чиқиш бўйича давлат ер кадастрига тегишлича талаблар кўндаланг қўйилди.

Ер ислоҳоти бошланғич босқичининг муҳим таркибий қисми фуқароларининг томорқа участкаларини кенгайтириш ва боғ-дехқончилик (дала ҳовлилар) участкалари учун ерлар ажратиш бўлди. Бу тадбирлар фойдаланиладиган суғориладиган ерлар ҳисобидан амалга оширилди ва улар ҳақида ахборот тавсифи талаб қилинди. Ерларни хатловдан ўтказиш натижасида аввалги ер эгаларининг ортиқча ер участкаларини тортиб олиб, янги дехқон хўжаликларига ва шаҳар типидаги посёлкаларда яшаётганларга индивидуал дехқончилик қилиш учун берилди. Аҳолига берилган ҳамма ер участкаларига қисқа муддатда ер-кадастр ахбороти тайёрланди, бу ахборотда ерларнинг сифат, миқдорий тавсифлари, шунингдек, ердан фойдаланиш ҳуқуқи келтирилди. Мазкур ер участкалари умрбод мерос қилиб фойдаланиш ҳуқуқи билан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.1991 йил „Дехқончилик (фермерлик) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармони билан мамлакатда хусусий ердан фойдаланишга замин яратилди, бу мақсадда 200 минг га ер ажратилди.

Бошланғич даврда ислоҳотнинг муҳим мазмуни совхозлар тарқатиб юборилди, улар 1995 йилдан бошлаб акциядорлик ва ижара хўжалик юритишга айлантирилди. Бу давлат тадбирларини амалга ошириш учун Республика ердан фойдаланиш ва ер тузиш бошқармасининг ер ахборот хизмати зарурий ер-кадастр ахборотини ишлаб чиқди. Бу қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган резерв фондининг майдони ва сугориладиган массивлар ва ер участкаларининг жойлашиши, тупроқ турлари ва сифатини тавсифлайди, шунингдек, ер-рўйхатга олиш ахбороти ишлаб чиқилди, янги тузилган хўжаликлар бўйича маълумотлар базаси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1990 йилда қабул қилинган „Ер тўғрисида”ги Қонуни ердан фойдаланиш тўловлари каби принципиал янги қоидани киритди. 1994 йилдан бу қоида ахоли зич жойлашган пунктлар ва саноат ерлари учун жорий этила бошланди, 1995 йилдан эса қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги учун мўлжалланган ерларга қўлланди. Шу мақсадда мамлакат ер хизмати давлат ер кадастрини юритиш доирасида давлат ер ҳисоби материалларини янгилади. Ер солиги қиймати (ижара ҳаки) ерларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда асослаб берилди, бу тупроқни бонитетлаш методикасини такомиллаштиришни, республикадаги ҳамма фойдалани-ладиган ерларни бонитетлашни ва баҳолаш ахборотини ишлаб чиқиши талаб қиласи. Натижада кадастр ахборотлари асосида солик тўловлари қийматларини қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик ерларига дифференциаллаш (районлар ва тупроқ бонитети баллари синфи бўйича) белгиланди, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун шаҳар ва посёлка ҳудудлари солик зоналарига бўлиб чиқилди.

Республикада 1998–2000 йилларда ер кадастри доирасида ер участкаларига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бошланди. Бундан мақсад қўчмас мулк бозорини яратиш шароитида субъектлар ҳуқуқини давлат томонидан ҳимоя қилишдан иборат. Республикада бу давлат ҳужжати билан ердан фойдаланувчиларни (корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар) рўйхатга олишдан ер билан ишлайдиган субъектларнинг ер

участкаларига эгалик хуқуқларини рўйхатга олишга ўтиш амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ер участкалари ва субъектлар ҳақида катта ҳажмдаги рўйхатга олиш ахборотларини ишлаб чиқишини ва фойдаланишни талаб қиласди. Ер участкаларига эгалик хуқуқларини рўйхатга олиш бошланиши сабабли қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ер эгаларини ва айниқса, аҳоли зич жойлашган жойларда бир вақтнинг ўзида ер участкаларига эгалик хуқуқларини рўйхатга олиш билан бажариладиган тартибга солиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди. Тупроқ бонитети ва қишлоқ хўжалик ерлари учун нархини чиқариш бўйича норматив хужжатлар янгиланди. Шу билан бир вақтда республикада компьютер технологияларига асосланган автоматлаштирилган ер ахборот тизими (АЕАТ) яратила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342 Фармони билан тасдиқланган Концепциялар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30 октябр 476-сонли „2004–2006 йилларда фермер хўжаликлари ривожлантириш Концепциясини реализация қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2004–2006 йилларда ширкат хўжаликларини қайта ташкил этиш ва фермер хўжаликларини тузиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. 2007 йилда бу жараён амалий жиҳатдан ниҳоясига етказилди, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва улар асосида фермер хўжаликларини тузиш ер-кадастр ахборотига зарур бўлган талаблар қўйишидан ташқари лойиҳавий ер тузиш ахборотларига ҳам зарур талаблар қўйди. Ҳамма ширкат хўжаликлари учун уларни қайта ташкил этиш бўйича ер тузиш лойиҳалари (лойиҳа ахбороти) тузилди. Бунда ҳисоблаш ва баҳолаш ер-кадастр ахбороти янгиланди, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари учун ер учёти ахбороти ишлаб чиқилди. 2007 йилда кенг кўламли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ишлари деярли ниҳоясига етказилди, хўжаликларни тузиш жараёнида пайдо бўлган ер можаролари йўл-йўлакай ҳал қилинди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, замонавий ва ер ҳақида сифатли маълумотлар бўлишини тақозо қиласди.

Республикадаги барча фермер хўжаликлари ер участкаларидан ижара ҳукуқлари асосида фойдаланадилар. Ижара ер муносабатлари ер муносабатларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ери ижарага олиш шартномасини тузиш учун ҳисобга олиш ва баҳолаш ер-кадастр ахбороти бўлиши лозим. Ижара тўловини аниқлаш учун ер реестрини уни ташкил этувчиларига ажратиш керак, аввало, ер участкаси ҳақида баҳолаш ахбороти зарур бўлади. Ер хизмати фойдаланувчиларни бу турдаги кадастр ахбороти билан таъминлаётган бўлишига қарамай, у ҳамма вақт ҳам ишончлилик талабларига жавоб бера олмайди, бу эса ер учун тўланадиган тўловларни ўрнатишда хатоликларга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2006 йилдаги ПФ-3780 Фармони билан ер участкаларини савдо-сотик, ишлаб чиқариш ва индивидуал турар-жой обьектлари учун хусусийлаштириш, мамлакатда ер бозорини ташкил этиш бошланди. Хусусийлаштирилаётган ер участкалари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун етарли ўлчамларга эга бўлиши керак. Ер участкаларини хусусийлаштириш бозор нархларига таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бундай муҳим талаблар «Ўзгеодезкадастр» олдига маълум масалаларни қўндаланг қўйди. Аҳоли яшайдиган жойларда ерлар фойдаланиш мақсадлари самарадорлиги бўйича хатловдан ўтказилди, шунингдек индивидуал турар-жой қуриш учун ер фонди ташкил этилди. Хатловдан ўтказиш ишлари йирик масштабли картографик материал (1:500-1:2000) бўлишини, уни дешифрлаш ёки корректировкалашни, ер участкалари ҳақида миқдорий ва сифатий ахборотларни ишлаб чиқиш мақсадида катта ҳажмли картометрик (ҳисоблаш) ишларини бажаришни талаб қилди. Бунда ноқишлоқ хўжалик ерлари учун рўйхатга олиш ва баҳолаш турларидағи кадастр ахборотларини ишлаб чиқиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу вақтгача аҳоли зич жойлашган пунктларда олиб бориладиган кадастр ишлари иккиёқлама (қизиқ) характерда бўлган, ерларни сифатий баҳолаш умуман бўлмаган ва бу ахборот тури ишлаб чиқилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарори

(26.07.2001 й. №147) билан бир қатор вазирликларга, шу билан бир қаторда «Ўзгеодезкадастр» га ноқишлоқ хўжалик ерларининг таннархини баҳолаш ишларини бажариш топширилди.

Сугориладиган ерлардан фойдаланишда товар ишлаб чиқарувчи ер ва сув муносабатларининг субъекти ҳисобланади, шунинг учун у ҳам ер, ҳам сув кадастр ахборотидан фойдаланувчи бўлиб ҳисобланади. Сугориш сувларига тўловлар шу ресурс ҳақидаги сифатий ва миқдорий ахборот бўлишини талаб қиласи. Агар миқдорий ахборот етарлича ишончли бўлмаса-да, сифатий ахборот деярли йўқ бўлса, бу сугориладиган дехқончилик ерлари учун муаммо ҳисобланади. Сув кадастр ахборотини ишлаб чиқишидаги мураккаблик шундан иборатки, сугориладиган ерлар зонасида ер-сув муносабатлари араласиб кетади, бу ҳолат ер ва сувни баҳолаш масалаларини тадқиқ этишни қийинлаштириб юборади, бинобарин, ишончли ер-кадастр ва сув-кадастр ахборотларини ишлаб чиқиш, барча қизиқувчи фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш анча мураккаблашади.

Хозирги вақтда республикада, иқтисодий ўзгаришлар доирасида амалга оширилган ер ислоҳотининг асосий масалаларини қисқача қараб чиқиш шуни кўрсатадики, мамлакат ер хизмати, умуман олганда ислоҳотнинг ҳамма босқичларида ердан фойдаланишни бошқариш давлат органларини, ишлаб чиқариш соҳасини ва барча фойдаланувчиларни ер ахбороти масалаларини амалий ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлаб келган. Шу билан бир вақтда, ер ислоҳотини амалга ошириш давомида анъанавий ер ахборот тизимиға ўтиш бошланди. Бу ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш ва жорий қилиш орасида турибди. Ер-кадастр ахборотининг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак. Ишлаб чиқарилаётган ахборот ўзининг ишончлилиги ва турли-туманлиги бўйича ишлаб чиқариш талабларига ҳар доим ҳам жавоб беравермайди. Асосан, аввал ўрнатилган, ер ресурсларидан фойдаланишни тавсифловчи ер ресурслари ва айниқса қишлоқ хўжалик ер ресурслари бўйича анъанавий, миқдорий ва сифатий кўрсаткичлар ишлаб чиқилмоқда. Жамиятнинг фаолиятининг бошқа

соҳаларида ер-кадастр ахборотини ишлаб чиқишига етарли эътибор берилмаяпти, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими деярли йўқ даражада. Айниқса, ижтимоий соҳада, рекрацион соҳада ердан фойдаланиш ҳақида ахборотлар умуман йўқ, ер ресурсларидан фойдаланишнинг экологик жиҳатларини тавсифловчи ер ахборотини ишлаб чиқишига катта эътибор бериш талаб этилади. Бозор иқтисоди шароитида ер-сув ресурсларидан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар камдан-кам татбиқ этилмоқда. Ҳозирги ер-ахборот тизимининг санаб ўтилган камчиликлари, шубҳасиз, бозор иқтисоди тамойилларининг ердан фойдаланишга жорий этилишига тўсқинлик қиласи, натижада мамлакатда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳеч қандай ёрдам бермайди ва унинг четлашишини тақозо этади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Ўзбекистонда ер ислоҳотини ўтказиш жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масалаларни санаб ўтинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Республикада деҳқон (фермер) хўжалигини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат тономидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги Фармонини бажариш ер ахборот тизимининг роли қандай?

Ердан фойдаланганлик учун тўловлар тамойилини амалга оширишда ер ахборот тизимининг роли қандай?

Республикада ер участкаларига эгалик ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни бажариш бўйича ер ахборот тизимининг роли қандай?

Ширкат хўжаликларини қайта ташкил этиш ва фермер хўжаликларини тузиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ер ахборот тизимининг роли қандай?

Республикада ижарага берилган ер муносабатларини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш бўйича ер ахборот тизимининг роли қандай?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги Фармонини амалга оширишда ер ахборот тизимининг роли қандай?

Ер ва сувга бўлган муносабатларни бошқаришда ер ахборот тизимининг роли қандай?

Ер ислоҳоти учун зарур бўлган ахборот билан таъминлашда мавжуд ер ахборот тизимининг асосий камчиликлари нималардан иборат?

5.2 Ер ахборот тизимларини яратишда чет эл тажрибаси

Кўпгина давлатларда кадастр ҳисоби маълумотлари мамлакатнинг умумий ер сиёсатига катта таъсир кўрсатади, шунинг учун ерларнинг ўлчамлари ва ҳолати ҳақидаги аниқ маълумотлар жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга, ер кадастрига катта эътибор берилишининг сабаби ҳам ана шундадир. Бунинг тарихий негизлари қўйидагилар:

ер кадастр маълумотларидан ер участкаларини бўлиш, ажратиш, бирлаштиришда, уларга таяниб ер мулкига эгалик хуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар беришда фойдаланилган;

ер кадастр маълумотлари ҳокимият органларига ердан фойдаланишни бошқаришда қарор чиқариш учун (ердан фойдаланишни режалаштириш, ерларни ободонлаштиришни назорат қилиш) берилган;

ер кадастри асосида кўчмас мулк ҳисобланган ер участкаларигина эмас, балки ер билан боғлиқ бошқа кўчмас мулк объектларини (бинолар муҳандислик иншоотлари ва бошқ.) рўйхатга олиш ва баҳолаш ишлари амалга оширилган эди, булар эса ўз навбатида солиққа тортиш учун асосий ахборотдир;

ер кадастр материаллари дехқонларга хусусий ерларни комплекс хизмат кўрсатиш учун: турли объектлар қурилишини режалаштириш (бинолар ва иншоотлар, йўллар, сув таъминоти ва канализация, рекрацион ва савдо-сотик марказлари), ерга оид битимлар тузиш, ўзларининг ерларидан жамоат манфаатлари учун фойдаланишга келишишда дастак бўлиб хизмат қилган.

Шундай қилиб, айтиш мүмкінки, чет элда ер кадастри техник ҳаракатлардан ташқари ер участкаларини ва бошқа күчмас мулк ва улар билан боғлиқ бўлган маълум ер-кадастр жараёнини ва битимлар тузишни ҳам қамраб олади. Пировард натижада, ер кадастрини ўтказиш натижасида олинадиган маълумотлар ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолаш, ерлардан у ёки бу мақсадда фойдаланиш имкониятлари ва баҳолаш тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Дастлабки ер кадастри фискал кадастр функциясини бажарган, 19 аср охирига келиб эса ерларни рўйхатга олиш ва ерга эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ юридик роли янада ошиди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, чет эл тажрибасида „кадастр” тушунчasi кўпинча „кўчмас мулк” тушунчasi билан боғланади. Бунда кўчмас мулк деганда, қуйидагича таъриф берилади: бу умумий рўйхат бўлиб, у ер участкасининг миқдори, қиймати ва ер билан боғлиқ кўчмас мулк маълумотларини ўз ичига олади.

Хозирги вақтда чет эл тажрибасида ер кадастрининг БМТ, Ҳалқаро геодезистлар федерацияси (FIG), Индонезия, Австралия ва бошқа давлатлар декларациясига мувофиқ тасдиқланган таърифи қабул қилинган: „кадастр, бу ер участклари (парцеллар) га асосланган замонавий ер ахборот тизими бўлиб, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи (масалан, ҳуқуқлар, бурчлар ва тақиқлар) хақидаги ёзувларни ўз ичига олади. Одатда, у ер участкасининг геометрик тавсифини, хусусий мулкка ҳуқуқлари мазмунини ёки ер участкасининг баҳоси ва бу ҳуқуларни бошқаришни ўз ичига олади. Кадастр фискал мақсадларга (масалан, солиққа тортишни баҳолаш ва тенг ҳуқуқлилик), ҳуқуқий мақсадларга (масалан, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш), ердан фойдаланишни бошқариш мақсадларига (масалан, режалаштириш ва бошқа маъмурий мақсадларга) мўлжалланган бўлиб, атроф-муҳит муҳофаза қилиш ва турғун тараққиёт учун имконият яратади”.

Баъзи давлатларда ер кадастрининг хусусиятларини қараб чиқайлик. Умуман олганда, жаҳон кадастр тизимлари амалда давлатлар ва

кўлланилиши бўйича тўрт гурухга бўлинади.

1. Наполеон маъмурий тизим прототипидаги давлатлар (жанубий, жанубий-ғарбий ва ғарбий Европа): Франция, Испания, Италия, Греция ва бошқ. Бу ер кадастри билан кўчмас мулк кадастри орасидаги узвий боғланиш ва бўлиниши характерлидир. Ер кадастрида ер участкалари бўйича гуруҳларга ажратилган, фақат солиққа тортиш мақсадлари учун зарур ахборотлар йиғилади.

Тупроқ ва табиий ресурслар ҳақидаги маҳсус маълумотлар ҚҲБ ва Иқтисодиёт вазирлигининг ахборот тизимларида тўпланади.

Рўйхатга олиш ва хусусий мулкка эгалик ҳукуқини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган реестрларда мулқдорнинг кўчмас мулкка реал ҳукуқи, юридик ҳужжатлар, учинчи шахс манфаатлари ва бошқалар рўйхатга олинади (мулқдорлар бўйича, ер участкалари бўйича эмас).

Ўша вактда Франция ҳукмронлиги даврида франция кадастри бошқа ервопа давлатларида модел бўлиб ҳисобланган. Ўн тўққиз аср мобайнида континентал Европа давлатларининг кўпчилиги кадастр тизимини барпо қилди, бироқ сифат ва масштаб эиҳатдан турлича бўлган эди. Бу ишларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири триангуляция усулида аниқланадиган бошланғич геодезик пунктларга асосланган съёмкалар эди. Съёмка районма-район, доимий равишда, хеч қандай чегара белгиси қўйилмаган ҳолда ўтказилган. Участкалар ҳар бир секцияда 1:2500 ва 1:2250 масштабда рақамлаб борилган. Шундай қилиб, ҳамма ерлар учун ёзувда ҳам, боғланган карталарда ҳам ягона идентификация билан таъминланган.

Табиийки, бу кадастр карталари ва ёзувлар фақат солиққа тортиш учун яратилган бўлса ҳам, маҳаллий кема қатнови учун асосий масала ҳисобланган юридик ер реестрларини яхшилашда фойдаланиш мумкин бўлган. Бунда участкаларнинг ноёб идентификациясидан сўзсиз фойдаланиш лозим. Бунинг учун ҳар бир ер участкаси учун алоҳида саҳифалари бўлган рўйхатга олиш ёки ёзувлар китоби тутилиши керак, унинг бир чеккасига гаровлар рўйхати ва бошқалар ҳақида ёзиб қўйиш

мумкин. Реестри бундай ташкил этишни битим ва келишувларни юридик текширишларни соддалаштиради. Шу туфайли ер реестрида ёзилган хукуқий мақомлар юқори даражада хавфсизлик яратишнинг, ер участкасига эгалик хукуқининг мавжудлигига охирги исботи бўлиши ва ижтимоий кафолат бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инглизча ибора билан айтганда, ерларни рўйхатга олиш, битимларни рўйхатга олишдан хукуқий мақомларни рўйхатга олишга ўтди.

Италия кадастр ҳисоби структураси жиҳатдан провинциялар даражасидаги (103 та провинция) кадастр оғисларидан иборат бўлиб. ҳозирги вақтда қўйидаги даражаларга эга:

кадастр участкалари ҳақидаги (шаҳар ва қишлоқ) ахборотлардан иборат бўлган маълумотлар базасини яратиш;

ягона кадастр номерли хусусий мулкка эгалик хукуқига эга бўлган мулқдорлар ҳақида маълумотлар;

участканинг баҳолаш қиймати ҳақида маълумотлар.

Немисча тизимдаги давлатлар (марказий Европа давлатлари): Германия, Австрия, Швейцария. Бундай мамлакатлар гурӯҳи учун ўзаро боғланган ва ўзаро назоратловчи кичик тизимлар характерлидир: кадастри, топографик-гедезик ва регистрацион. Масалан, Германияда хусусий мулклар реестри мавжуд бўлиб, у кадастр карталаридан, хусусий мулк ҳақидаги ҳужжатлар ва ёзувлар; топографик-геодезик ишлар бўйича кадастри карталари ва ҳужжатлари банки; хусусий мулк эгасининг хуқуқлари ва чекловларга тааллуқли шартномалар ба бошқа қонуний ҳужжатлар сақланадиган ҳужжатлар реестри ва бошқ.

Скандинавия мамлакатлари (шимолий Европа мамлакатлари): Швеция, Дания, шунингдек Норвегия, Финляндия, Исландия, Балтия мамлакатлари. Бунда хусусий мулк учун ягона, аниқ йирик масштабли, кўп мақсадли марказий реестри кадастри юритиш асосан немисча андозалар бўйича яратилганлиги эътиборлидир. Хусусий мулк реестрлари марказий давлат оғисларида сақланган, ҳолбуки кўчмас мулк участкаларини картографиялаш провинциялар миқёсида олиб борилади.

Швецияда кўчмас мулк ҳақидаги ахборот тизими узоқ вақт давомида шаклланган. Ўн олтинчи асрдаёқ соликқа тортиш ёзувлари юритилган. Йигирманчи аср бошида бу ёзувлардан расмий кўчмас мулк реестрларини яратишда фойдаланилган. Кўчмас мулк реестрлари ер участкасини идентификациялаш ва юридик мақомини тавсифлашни таъминлаган ҳамда улар ер ўлчаш ташкилотлари ихтиёрида бўлган.

1970 йиллардан бошлаб кўчмас мулкларни реестрлаш компьютерлаштирилди, сўнгра ер реестрларини ҳам реестрлаштиришга ўтилди. Ҳозирги кунда бутун мамлакат бўйича қоғозли реестрлар Евле шахридаги Шведция Миллий ер ўлчаш бошқармасига (*National Land Survey*) қарашли марказий маълумотлар базасига алмаштирилган. Кўчмас мулк ягона идентификациясидан фойдаланиб, бумаълумотлар базасидан фойдаланишни бошқалари билан қўшиб координациялаш мумкин: соликқа тортиш, аҳоли, расмий планлар, бинолар, сотувлар нарх-навоси ва бошқ. Шундай қилиб, кўчмас мулкларга асосланган ер маълумотларининг кенг банклари тизими яратилди. У фақат ҳокимиятлар учунгина эмас, балки шу иш билан бевосита шуғулланувчилар учун ҳам, маъмурий бошқарув, режалаштириш ва коммерция фаолияти учун хам фойдали бўлиб чиқди. Ҳозирги кунда бу тизимга маҳаллий ҳокимиятнинг минглаб оғисларидағи ўн минглаб терминаллардан, банклардан ер ўлчаш хизматлари, қурилиш ташкилотлари, сугурта компаниялари, брокерлар ва бошқа ер ахборотидан фойдаланувчилар терминалларидан кириш мумкин. Шундай қилиб, тизимга уланган банк, брокер, амалдор, корхона ёки якка шахс кўчмас мулк ҳақида ахборотни тезкор олиш, бунга қўшимча ер участкасининг солик тўловлари миқдори, мулқдор ҳақида, гаровлар ва бошқалар ҳақида ахборот олишлари мумкин. Реестрлар узлуксиз ишлайди.

Норвегия кадастри, асосан, ер участкаларини йирик масштабда карталашни кўзда тутади. Ҳозирги кунда кадастр вазифаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга, бироқ кадастр ҳисоб-китоблари ер участкасининг бозор нарх-навосига асосланади. Бундан ташқари, ундан ерга қонуний эгалик ҳукуқларини тасдиқлаш учун асос сифатида фойдаланиш ҳам пайдо бўлган.

Данияда ер кадастри асосан ер участкаларини йирик масштабда карталаштиришни кўзда тутади. Авваллари ер кадастрининг мақсади ер эгаларидан тупроқ сифати ва унумдорлиги кўрсаткичларига асосланган ҳолда пошлиналар йиғищдан иборат бўлган эди. Ҳозирги вақтда ҳам кадастрининг асосий хизмати шкндан иборат, лекин ҳисоблашлар асосида ер участкасининг бозор нархи қийматлари ётади. Бундан ташқари, кадастр мақсадларига бошқа хизматлар ҳам қўшилди, масалан, ерга қонуний ҳуқуқларини тасдиқлаш учун ер участкасининг бозор нархи қийматлари асос бўлиб хизмат қилиб олинадиган бўлди.

Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар: Буюк Британия, АҚШ, Канаданинг кўпгина провинциялари, Австралия штатларининг бир қисми ва бошқалар. Улар учун ер кадастри эмас, балки ҳуқуқларни рўйхатга олиш тизими (ишлар регистрлари) муҳимроқ, шу маънода Буюк Британияда ер кадастр тизими умуман мавжуд эмас, деб айтиш мумкин. Бироқ Буюк Британияда ерларни ҳисобга олиш қадидан юритилган. Ердан фойдаланувчига оид ёзувлар ўтган минг йилликда Англияда амалга оширилган эди. Англияда ҳамма кўчмас мулкларни бундай текширишлар 1086 йилда Вильгельм Завоевател фармони бўйича амалга оширилган эди. Бу ишларнинг натижаси “ Даҳшатли суд китоби” (Domesday Book)га киритилган, бунда кўчмас мулк солиқقا тортиш учун зарур кўрсатгичлар ёрдамида тавсифланган.

Англияда кадастр ер участкаси чегаралари ва кўчмас мулк тариққиби ҳақидаги фақат картографик ахборотдан иборат бўлган днб айтиш мумкин.

1853 йилдан бошлаб, картографик ташкилот Ordnance Survey бутун Англияга доир топографик карта планшетларини ишлаб чиқаришга киришди. Бу иш 1893 йилгача давом этди. 1925 йил қонунларига мувофиқ бу карта шу кунгacha кўчмас мулк ҳақидаги расмий ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади ва доимо янгиланиб борилмоқда.

Австралия кадастр тизими Англиянинг Умумий Қонун ҳужжатлари таъсирида яратилган бўлса ҳам, асосий эътибор мамлакат эҳтиёжларини ҳисобга олишга қаратилган. Натижада ягона регистрацион тизим пайдо

бўлди.

Ҳар қандай тизим учун қуидаги бешта талаб зарурий шартлар ҳисобланади: ишончлилик, оддийлик, арzonлик, тезкорлик ва яроқлилик. Ерларни рўйхатдан ўтказишни 1850 йиллар охирида (1857) сэр Роберт Ричард Торренс томонидан таклиф этилган, бу тизим ҳозирги кунгача муҳим тузатишларсиз ишлаб келмоқда.

Австралия кадастр тизимининг европа тизимларидан асосий фарқи шундаки, бу тизим кўчмас мулк транзакциясини юридик қўллаб-қувватлаш мақсадида индивидуал мулкдорларнинг алоҳида ер участкаларининг кадастр съёмкаларига асосланади.

Австралия кадастр тизими идеал тизим деб бўлмайди. Бу тизим анчагина қиммат тизим бўлиб, у кўчмас мулк бозорига хизмат қилишга қаратилган.

АҚШ ер кадастри яқин вақтлардан бошлаб юритила бошлаган бўлиб, ҳусусий мулкдорларга тегишли бўлмаган ер участкаларини ҳам рўйхатга олишни ўз ичига олади. Маълумотларни ва ер участкаларини кадастр рўйхатига олишни тартибга солиш мақсадидаги уринишлар 1785 йилдан бошланган. Қулайлик учун участкаларни бир милли квадратларга бўлиб, ерга бу квадратларни белгилаб чиқиш режалаштирилган эди. Бироқ бундай кадастр ҳисоби рўёбга чиқарилмай қолди. 1812 йилда молия вазирлиги қошида федерал ерлар ҳолатини бошқариш учун кадастр ёзувлари Бош бошқармаси ташкил этилди. 19 аср давомида бирлашган штатлар ҳудудларининг кенгайиши билан кўплаб ер қонунлари қабул қилинди. Ер участкаларининг дастлабки чегаралари тавсифланган хужжатлар рўйхатга оловчи инспектор томонидан тайёрларган, мулкдорларга тегишли бошқа шартномалар умумий регистрга киритилиб, умум фойдаланиш учун очик бўлган.

Ер участкаларини рўйхатга олиш федерал хизмати ҳам мавжуд булар, АҚШ ички ишлар вазирлиги қошидаги Ерларни бошқариш Бюросидир (Bureau of Land Management). У ҳамма давлат ерларининг кадастр ҳисоби учун масъулдир.

АҚШда ер мулкининг асосий бирлиги маълум белгиларга эга бўлган индивидуал ер участкалари ҳисобланади, бу белгилари: манзили, геодезик маълумотлари ва баҳолаш индекси. Ер-кадастр ҳисоби ва рўйхатга олиш хизмати турли штатларда турлича юритилади. Мамлакатда бир нечта асосий кўп мақсадли кадастр ахборот тизимлари ишлаб чиқилган. Баъзи штатларда умумий ахборот тизимиға киритиладиган семантик маълумотлар, бошқаларида эса маълумотлар кўрсатилган карталар мавжуд.

Кейинчалик маълум бўлдики, ер ҳақидаги ёзувлар (ахборот) кенг маънода ишлатилиши, бошқа турдаги ахборотлар эса ер участкаларига боғлиқ бўлиши мумкин экан. Бу имкониятлар компьютер техникаси жорий этилгандан сўнг янада ортди. Бизнинг даврда кўпгина ахборот ва ёзувлар турлари компьютерлаштирилган. Баъзи компьютер ёзувлари кўчмас мулкка боғланган. Улар бир-бирлари билан шундай боғланган бўлиши керакки, улар биргаликда ер-ахборот ёки геоахборот тизимини ҳосил қилиши керак. Агар ер ахбороти маълумотлар йиғиши ва ишлов беришга координацияланган бўлса, уларни турли ҳукуматлар ва ташкилотлар орасида тақсимлаш, такрорланишини йўқотиш ва ахборотдан алоҳида ҳукумат органигина эмас, балки кенг доирада фойдаланиш мумкин бўлади. Бу ахборотнинг баъзи қисмлари аниқ бир ер участкаси билан боғланган. Шунинг учун кўчмас мулк (ер участкаси) ер-ахборот тизимининг структуравий элементларидан бири бўлиши мантиқан тўғридир. Табиийки, давлат ва ижтимоий ҳокимиятлар шундай тизимларни ташкил этиш учун масъул бўлишлари керак. 27-расмда маълумотларни бошқариш усусларининг бири схематик кўрсатилган.

Бу усул йирик маълумотлар базасининг яратилиши ер ахборот тизими структурасида тавсифланиб, у ўзаро кучли боғланган марказлаштирилган тизимлар билан таъминлайди.

Тармоқнинг бу асосий узеллари иккиласми боғланган тизимлар учун коммуникацион концентраторлар каби ишлайди. Масалан, ҳуқуқий фискал узел маълумотлар базасини кўчмас мулкни тавсифлаш, титулларни рўйхатга олиш, баҳолаш ва ер солиғи функциялари билан интеграциялаши мумкин.

Кейинчалик бунга бошқа функцияларни ҳам қўшиш мумкин бўлади. Кўп ҳолларда асосий узелларни яратиш ва эксплуатация қилиш хукумат вазифасига киради. Бу ишда одатда, кўпгина вазирликлар ва идоралар иштирок этади, чунки барибир маълумотлар йиғиш ва излашни ўз соҳасида ваколатли органларга топширилгани маъқулдир. Аммо бутун структурани интеграциялаш ва яратиш учун координациялаш зарур.

Бошқа томондан, иккиламчи маълумотлар базасини маҳаллий ёки хусусий ташкилот ҳам ишлаб чиқаришга қодир. Улар қисман асосий маълумоллардан олинган ахборотга ва қисман қўшимча ахборотга таянишлари мумкин. Демак, иккиламчи маълумотлар базаси аниқ бир ташкилот талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши мумкин, бироқ барибир ўша структура доирасида ишлаб чиқилади ва ягона белгиланган ер участкаларининг конструктив блокларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кадастр ҳисобига доир ҳалқаро тажрибаларни ўрганиб бориш миллий кадастр ҳисоби тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш учун зарур ҳисобланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Ер кадастрининг тарихий аҳамияти қанда?

Чет эл тажрибасида ер кадастрига қандай таъриф берилган?

3. Наполеон кадастр тизими билан ишлайдиган мамлакалар учун ер кадастрини юритиш ва ер ахборотини ишлаб чиқишининг қандай хусусиятлари характерли ҳисобланади?

5. Италия ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

6. Гермария ва Австрия ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

7. Шведция ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

8. Норвегия ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

9. Дания ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

10. Англия ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

11. Австралия ер ахборот тизими қандай хусусиятларга эга?

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Тезкор ер кадастр маълумотлар банкини яратиш алгоритми.

1.1 Ер кадастри-ахборот базасининг намунавий алгоритми.

Маълумотлар базасини ишлаб чиқишдан мақсад давлат ер кадастрини юритиш учун маълум бир ердан фойдаланувчи, шунингдек, ер участкаларида жойлашган алоҳида обьектлар бўйича маълумотларни қайта ишлаш, саклаш, таҳлил қилиш ҳамда ўзгага берилишини таъминловчи дастурий мажмуани яратишдан иборатdir.

Дастурий мажмуа қўйидагиларни таъминлайди:

- реестрлар шакллангунига қадар ер участкалари ва алоҳида обьектлар бўйича кадастр ахборотларини қайта ишлаш ҳамда маълумотларни туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматига бериш;
- ер участкалари ва алоҳида обьектларнинг кадастр рақамлари, алоқа манзиллари ёки фойдаланувчиларнинг номлари бўйича ахборотларни қидириш ва олиш;
- фойдаланиш тури ва функционал моҳияти бўйича обьектлар гурӯхлари тўғрисидаги ахборотларни қидириш ва танлаш.

- «Ердан фойдаланишнинг ер маълумотлар базаси» дастурий мажмуасини яратишнинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- Microsoft Access – 2010 муҳитида маълумотлар базасининг таркиби ҳисобланган жадваллар, шакллар, сўровлар, ҳисботлар (реестрлар) таркибини ишлаб чиқиш;
- ердан фойдаланувчилар обьектлари ва ер участкаларининг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;
- йўқлама қилиш бўйича ишларни шакллантириш ва туман ер ресурслари ҳамда давлат кадастри хизматига беришда компьютер ҳисботлари шаклларини ишлаб чиқиш;
- дастурий мажмуадан фойдаланувчига қўлланмани ишлаб чиқиш.

1.2 Маълумотлар банкининг таркиби.

«Еравтобанк» – бу ердан фойдаланиш обьектларида йўқлама қилиш ишларини юритиш ҳамда уларни ер ресурслари ва давлат кадастри хизматларига беришда натижаларини рўйхатга олиш, саклаш, ўзгаришларини киритиш ҳамда таҳлил қилишга мўлжалланган ва Microsoft

Access – 2014 маълумотлари каталог базаси сифатида яратилган дастурий маҳсулотдир.

Объектлар тўғрисида фойдаланувчи учун зарур бўладиган маълумотларнинг бутун бир жамланмаси асосан бир неча жадвалдан иборат бўлиб, улар ўрганилаётган ҳудуддаги объектлар тўғрисидаги маълумотлар банкини яратиш имконини беради. Бу тизим зарурий жадваллар, шакллар, ҳисобот бланкалари, классификаторлар билан тўлдирилиб, кўпгина макросларни ўз ичига олади.

Microsoft Access – 2014 дастури маълумотлар базасининг битта файли билан барча маълумотларни бошқариш имконини беради. Ушбу файл тасарруфида маълумотларни жадваллар деб юритиладиган бир неча контейнерларга бўлиш: электрон шакллар ёрдамида фақатгина зарурий маълумотларни ташиш ва ажратиб олиш, шунингдек, ҳисоботлар ёрдамида берилган шаклда маълумотларни таҳлил қилиш ёки чоп этиш мумкин.

Жадваллар



Маълумотларнинг каталог базасида барча маълумотлар бир неча жадвалда сақланади. Бу жадвалларнинг ҳар бири бир типдаги маълумотларни ўз ичига олади (ер участкаси ва ердан фойдаланиш объектлари тўғрисида, фойдаланувчилар ҳамда уларнинг хуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказо).

Маълумотлар каталог базасининг жадваллари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу ҳол бирданига бир неча жадвалга маълумотларни тушириш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир неча жадваллар маълумотларидан фойдаланиш имконини беради. Ўзаро боғлиқ жадваллар маълумотлар базасини ташкил этишининг самарали усули бўлиб, дискли хотирани тежамли сарфлаш ҳамда маълумотларни янгилаш ва танлашни тезлаштириш мумкин бўлади.


Шакллар



Маълумотлар базасига ахборотларни киритиши осонлаштириш, унда сақланаётган маълумотларни кейинчалик кўриш ва таҳлил қилиш учун лойихада экран

шаклларидан фойдаланилган. Шакллардан маълумотлар базасига ёзувлар қўшиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, шаклларда Ўзбекистон Республикасида амалда ҳаракатда бўлган ва қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, классификаторлар, йўриқномалар ва кўрсатмалардан фойдаланилган ҳолда яратилган, очиладиган рўйхатлар, шунингдек, маълумотлар киритишни осонлаштирадиган бошқарувнинг бошқа элементлари ҳам жойлашган. Зарурат бўлган ҳолларда шаклга қўчмас мулк объектларининг расмга олинган тасвири ёки уларнинг векторлаштирилган нусхаларини ҳам жойлаштириш мумкин.

Сўровлар



Маълумотлар базасида танлашда сўровдан фойдаланилган бўлиб, у сўровлардан энг кўп ишлатиладигани шакл ҳисобланади. Бундай типдаги сўровлар маълумотларни бир ёки бир неча жадваллардан қайтарадиган ва уларнинг ёзувларини янгилаш мумкин бўладиган (бир неча чегаралар билан) жадваллар кўринишида акс эттиради. Танлаш учун сўровни, шунингдек, ёзувларни гурухлаш, жамини ҳисоблаш, ўртacha қийматларини аниқлаш ҳамда жами қийматларининг бошқа типларини топишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳисоботлар



«Еравтобанк» маълумотлар базасидаги ишлар натижаларини расмийлаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш учун «Ўзбекистон Республикаси ер фондига»га риоя қилган ҳолда яратилган ҳисботлар кўзда тутилган. Ҳисбот маълумотлар чоп этилган кўринишда ифодаланадиган самарали усул ҳисобланади. Ҳисботнинг барча элементлари ўлчамлари ва ташқи кўринишини бошқариш имкониятига эга бўлган ҳолда фойдаланувчи ўзи хоҳлаган ҳолатда маълумотларни ёритиши мумкин.

Маълумотлар базаси ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларнинг ер участкаларининг изохини ўз ичига олиб, объектнинг аниқ ва ягона идентификациясини ҳамда жойлашган ўрнини беради. Объектлар, ер

участкалари ва ер кадастри мақсадлари учун ўтказилган тасвирга олишнинг бошқа материаллари кузатув далолатномалари асосида тузилади. Шунингдек, маълумотлар базаси фойдаланувчилар, мулқдорлар тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади. У мулкларнинг кузатув далолатномалари асосида тузилади. Рўйхатга олиш тизимининг таркибига мос тарзда маълумотлар базасига кўчмас мулк объектларининг техник тавсифи ҳам киритилади.

Маълумотлар базаси қуийдаги асосий функцияларни амалга оширишга имкон беради:

- ер участкалари, кўчмас мулклар, мулқдорлар, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар тўғрисидаги ахборотларни киритиш;
- юқорида санаб ўтилган объектлар белгиларини ўзгартириш;
- объектларни қўшиш;
- карталар билан ишлаш (геоахборот тизими дастури ёрдамида);
- реестрлар (ҳисобот) яратиш;
- маълумотларни қидириш ва кўриш.

Маълумотлар банкининг умумий тузилиши. “Еравтобанк” дастурий мажмуаси дастурий интерфейс орқали маълумотлар алмашиш воситаси билан ўзаро ҳаракатдаги бир неча мустақил қисмлардан иборат. Ердан фойдаланиш объектлари ва ахборотларнинг график модуллари (Arc GIS ёки Mapinfo) тўғрисидаги жадвалли ахборотларни сақлаш ва бошқаришни таъминлайдиган Microsoft Access – 2010 да яратилган маълумотлар базасининг айнан ўзи унга киради.

Маълумотлар базаси таркибига ердан фойдаланувчилар объектлари тўғрисидаги маълумотлар, ер участкалари тўғрисидаги жадваллар киради ва сақланади. Булардан ташқари, маълумотлар базасида кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги меъёрий маълумотлардан иборат классификатор ва жадваллар кўринишидаги ёрдамчи меъёрий-маълумотномали ахборотлар ҳам ўрин олган. Маълумотлар базасига изоҳ беришни унинг энг муҳим обьекти ҳисобланган жадваллардан бошлаймиз. Маълумотлар базаси ўзаро муносабатлар билан боғланган турли моҳиятга эга бўлган 16 жадвал, 6 сўров, 20 шакл ва 25 макросдан иборат. Жадваллар ўртасидаги алоқалар

қўйида келтирилган (8.1расм).



8.1-расм. Маълумотлар тизими

Жадвалларни моҳиятига қараб қўйидаги 2 тоифага бўлиш мумкин:

- объектлар, ердан фойдаланувчи тўғрисидаги ахборотларни сақлаш учун асосий жадваллар;
- ердан фойдаланувчилар (мулкдорлар) тўғрисидаги ахборотларни сақлаш учун ёрдамчи жадваллар (меъёрий - маълумотномали ахборотлар).

Ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларга бириктирилган ер участкалари тўғрисидаги ахборотларни сақлашга мўлжалланган асосий кўрсаткичлар (жадваллар) рўйхати қўйидаги жадвалда берилган (-жадвал).

Ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари тўғрисидаги ахборотларни сақлаш учун асосий жадваллар

Жадвал номи	Жадвал моҳияти	Изоҳ
Банкдаги мавжуд объектлар	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1- типдаги “Owner” жадвали билан алоқа
Томорқа ер участкаси	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1- типдаги “Owner” жадвали билан алоқа
12	Манзиллар, объектлар номи умумий маълумотлар	1-типдаги «Топшириқ» жадвали билан алоқа
30	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1-типдаги «Топшириқ» жадвали билан алоқа

Каталог алоқаларининг бир қисми жадвалда қўрсатилмаган, чунки улар ёрдамчи жадвалларга кирувчи тизимли луғатлар билан алоқани кўрсатади. Аммо бўлинган алоқалар луғатларга қараладиган бош

жадвалларни тўлдириш чоғида уларнинг тўғрилигини таъминловчи ташқи калитларнинг ёрдамчи ролини ўйнайдилар. Ахборотларни сақлашга мўлжалланган жадваллар орасидага асосий алоқалар эса схемада мавжуд бўлади (8.2-жадвал).

8.2-жадвал

Ердан фойдаланувчилар (мулкдорлар) тўғрисидаги ахборотларни
сақлаш
учун жадвал

Жадваллар номи	Жадваллар мөҳияти	Изоҳ
Owner	Жадвал жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни (паспорт маълумотлари ва ҳоказолар) ўз ичига олади.	П-1 типдаги «Банкдаги мавжуд объектлар, томорқа» жадваллари билан алоқа
VF turlari	Типлар изоҳи	Қўшимча жадвал
Tuman	Туманлар номи	Қўшимча жадвал
Tip	Ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари тўғрисидаги фойдала- ниш турлари	Қўшимча жадвал

Маълумотлар базасида автоматик тарзда «Yer ma'lumotlari bazasi» шакли очилади (8.2-расм).



8.2-расм. Ер участкасининг маълумотлар базаси.

“Ma'lumot kiritish va o'zgartirish” (ердан фойдаланишлар тўғрисидаги ахборотларни киритиш ва ўзгартириш) тугмасини босиш билан иш бошланади. У “Ma'lumot kiritish va o'zgartirish” шаклини очади, бу ерда ердан фойдаланишлар, ер участкалари ёки туманлар тўғрисидаги ахборотларни тўлдириш учун тугма танланади (8.3-8.5 расмлар).

EDIT : форма

**MA'LUMOT
KIRITISH VA
O'ZGARTIRISH**

Tomarqalar

Shirkat xo'jaliklar

Massivlar

Yer uchastkalari

Shirkat xo'jaligidagi ob'ektlar

Massivdagi ob'yektlar

8.3- расм. Маълумотлар киритиш ва ўзгартариш ойнаси.

Tomarqa

YER UCHASTKASI

Subekt nomi	Maxsudov B.Yu.	Kadestr raqami	20:06:01:02-08:0002	Yer uchastka plani
Aholi soni	3			
Oila soni				
Tashkil topgan j	12.12.1975			
Shirkat xo'jalik	A. Hamroyev			
Ekin yeri				
Lalmi yerlar	0,12			
Sug'oriladigan	3			
Bog' va mevali	0,025			
Imorat yeri	0,32			
Yer maydoni	3.49			
<input type="button" value="X"/> <input type="button" value="<"/> <input type="button" value=">"/> <input type="button" value="*"/> <input type="button" value="A"/> <input type="button" value="B"/> <input type="button" value="C"/> <input type="button" value="D"/>				

8.4- расм. Ер участкасининг умумий ойнаси.

AXMda mavjud obektlar

Massivdagi ver uchastkalari haqida ma'lumotlar

Bog'zor	1 Sug'oriladigan	0
Uzunzor	1 Sug'oriladigan	0
Tutzor	1 Sug'oriladigan	1
Mevali ko'chtzor...	1 Sug'oriladigan	0
Daraxtzorlar jami	4 Sug'oriladigan	1
Ekin jami	4 Sug'oriladigan	0
Bo'z yerlar jami	1 Sug'oriladigan	0
Pichanzor jami	0 Sug'oriladigan	0
Yaylov jami	1 Suv b'ln ta'minl.	0
Q.X. yer turlari	10 Sug'oriladigan	1
Imorat yeri	2 Sug'oriladigan	5
Ekin yeri:	2 Tomarqa yeri	9
Ihota daraxtzolar	2 Sug'oriladigan	2
Terakzor	2 Sug'oriladigan	10
Jami o'mon	4 Sug'oriladigan	12
Dayo va soylar	2 Kollar	1
Suv ombor va havzal:	3 Kanal, kollektor	2
Suv ostidagi yerlar	8	
Yo'l, so'qmog va choy	10 Butazor	6
Ittimoiy hovil, ko'cha v	0 Ittimoiy binolar	0
Q'nda foydalanylmaydi	9 Meliorativ yerlar	10
Jami Q.X.da foydalanylmaydigan yerlar		27
Umumiyyet maydoni		53
Sug'oriladigan umumiyyet maydoni		26

8.5-расм. Массив худудидаги ер участкасининг ойнаси.

Шаклларда мавжуд бўлган тугмачалар тўғрисидаги ахборотлар

(8.3.8.5- расм давоми):


-  - Ёзувни қўшиш
-  - Навбатдаги ёзув
-  - Олдинги ёзув
-  - Мавжуд шаклни чоп этиш
-  - Шаклни янгилаш
-  - Ёзувни сақлаш
-  - Ёзувни олиб ташлаш
-  - Шаклдан чиқиб кетиш
-  - Мавжуд шаклни ёпиш ва олдинги шаклни очиш

Ахборотларни қидириш ва янгилаш. Агарда олдин киритилган маълумотларни кўриш ёки таҳрир қилиш зарур бўлса, асосий шаклга (8.6-расм) қайтиб, «Ma'lumot izlash» тугмаси босилади.



8.6- расм. Маълумот излаш ойнаси


Қидирилган объектни танланади ва сичқончанинг чап тугмаси икки марта босилади. Қидириш кадастр рақами ёки ердан фойдаланиш объектининг эгаси бўйича амалга оширилиши мумкин (8.7-8.9- расмлар).



8.7- расм. Қидирилган ер участкаси 8.8- расм. Қидирилган массив ойнаси

8.9 расм. Ердан фойдаланувчи субъект тўғрисида маълумотлар ойнаси

Янги мулкдор тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун сичқончанинг чап тугмаси “Mulkdor” ни икки марта босиш зарур (-расм).



-расм. Мулкдор ойнаси

- расм. “Shaxs” ойнаси

Янги мулкдор тўғрисидаги маълумотларни киритиш “Kadastr raqami” ҳошиясига белгини туширишдан бошланади. Бу рақам Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона ҳисобланади, шу сабабли ҳошиянинг белгиси шакллар билан доимо алоқада бўлган фильтрга эга.

“Shaxs” (мулкдорнинг тури) ҳошиясининг белгиси туширилиб қолдириладиган рўйхатдан танлаш йўли билан киритилади. Шундан сўнг

Owner								
Kadastr raqami	Familiyasi	Ismi	Otasining ismi	Tug'ilgan yili	Mutaxassisligi	Malumoti	Pasport seriyasi	Foydalanish turi
22:22:22:22:22:2210	Hakimov				O'rta	CA	231545661	Fizik shaxs
22:22:22:22:22:2210	sde							Yuridik shaxs
22:22:22:22:22:2210	Maxsudov	Bobomurod	Yuldashevich	03.06.1972	Muhandis geodezist	Oly	12343265	Fuqaroligi bo'lмаган shaxs
							0	

кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ҳошияларни тўлдиришга ўтиш зарур (8.9-расм).

2-амалий машғулот

2.1 Ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш.

Ер участкаси планини киритиш учун сичқончанинг ўнг тугмаси босилади ва вужудга келган ойнадан “...ob'yektni qo'shing” танланади.

Ойна кўчмас мулк обьектлари тўғрисида маълумотларни уларнинг график чизмалари билан боғлашга имкон берадиган ҳошияни ўз ичига олади ва иккита танловни беради: янгини яратиш ёки олдин яратилган

файлдан танлаш.

Маълумотларни боғлаш уларни бирон жойга жўнатмасдан олдин ташқи манбалардан маълумотларни ўқиш ва янгилаш имконини беради. Маълумотларнинг ташқи манбалари ўлчамлари ўзгармайди. Бу эса яратилган дастурда файлдан фойдаланишни давом эттириш имконини беради, аммо Microsoft Access - 2010 ёрдамида унинг маълумотларига қўшиш, олиб ташлаш ёки таҳрирлаш мумкин.

2.2 Парол ёрдамида маълумотлар базасини ҳимоялаш.

1. Маълумотлар базасини ёпиш. Маълумотлар базасининг ортиқча нусхасини тайёрлаш ва уни ишончли жойда сақлаш.

2. «Файл» менюсидан «Очинг» буйруғи танланади.

3. Стрелка «Очинг» тугмасидан ўнгга бурилади, «Монопол» варианти танланиб маълумотлар базаси очилади.

4. «Сервис» менюсида «Химоя» ва «Маълумотлар базаси паролини беринг» кичик танланади.

5. «Парол» ҳошиясига парол киритилади. Парол регистрни ҳисобга олган ҳолда киритилади.

6. «Тасдиқлаш» ҳошиясига паролни яна бир марта киритиш билан уни тасдиқланади, шундан сўнг «OK» тугмаси босилади.

7. Парол қўйилади. Маълумотлар базасини фойдаланувчи томонидан навбатдаги очишда диалог ойнаси киритилади ва унга парол ёзилади.

Агар парол йўқотиб қўйилса, уни тикаш мумкин бўлмайди ва маълумотлар базаси очилмайди.

Маълумотлар базаси паролини олиб ташлаш тартиби:

- «Файл» менюсида «Очинг» танланади.

- Стрелка «Очинг» тугмасидан ўнгга бурилади, «Монопол» танланади ва маълумотлар базаси очилади.

- «Паролни киритиш зарур» диалог ойнасига маълумотлар базаси пароли киритилади ва «OK» тугмаси босилади. Пароллар регистр белгиларини ҳисобга олади.

- «Сервис» менюсида «Химоя» ва «Маълумотлар базаси паролини олиб ташланг» танланади. Бу буйруқдан фақатгина маълумотлар базасига олдин парол белгиланган тақдирдагина фойдаланилади.

- «Маълумотлар базаси паролини олиб ташланг» диалог ойнасига мавжуд парол киритилади.

- «OK» тугмаси босилади.

«Еравтобанк» дастури учун ҳужжатлар рўйхати (намунавий кўринишида):

- ер участкасидан фойдаланиш хукукини берувчи Давлат далолатномаси берилган сана;

- ер участкасидан фойдаланиш муддати;

- ер участкасидан фойдаланиш мақсади;

- ердан фойдаланувчи субъектнинг ихтисослиги;

- ердан фойдаланувчи субъектнинг ер участкалари бўйича ер баланси;

- юридик (жисмоний) шахснинг Ф.И.Ш., манзили;

- ер участкасининг (ер участкалари билан) худудий жойлашув шакли;

- вилоят кадастр тартиб рақами;

- туман кадастр тартиб рақами;

- кадастр минтақаси;

- кадастр массиви;

- кадастр мавзеси;

- ер участкасининг кадастр рақами;

- румб бўйича ер участкасининг жойлашув шакли;

- координаталар бўйича ер участкасининг жойлашув шакли;

- дирекция бурчаклари бўйича ер участкасининг жойлашув шакли;

- ер участкасининг рақамли кадастр картаси;

- ер баҳоси (бонитет бали, меъёрий қиймати, қишлоқ хўжалик ерлари учун);

- ер ижараси ҳақи микдори;

- дебитор қарзлари (ер ижараси бўйича);

- кредитор қарзлари (ер ижараси бўйича);

- ердан фойдаланиш мақсади;
- ер ижараси ҳақи бўйича қарздорлар;
- ер участкасидаги обьектлар чегарасининг чизмаси;
- ер турларининг жойлашув шакли;
- сервитут шартномаси;
- сервитут шартномаси бўйича ер участкасининг шаклий чизмаси;
- кўчмас мулклар рўйхати;
- мулкчилик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар;
- кўчмас мулкларга эгалик ҳужжатлари;
- кўчмас мулклар ижарачилари рўйхати;
- кўчмас мулклар қиймати;
- кўчмас мулклар ижара ҳақи миқдори;
- олдинги ердан фойдаланувчи юридик (жисмоний) шахс (Ф.И.Ш.);
- ер ўлчови далолатномаси (охиргиси);
- ер ўлчови бўйича ер баланси (охиргиси);
- ер ўлчаган ташкилот ва ходим (манзили, Ф.И.Ш.);
- ер участкасидаги контурлар картаси;
- ер участкасидан фойдаланишида содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари;
- кўчмас мулк таркибидаги хоналар жойлашув шакли;
- бинодаги субъектлар сони;
- бинодаги субъектлар (юридик ёки жисмоний шахслар);
- бинолар ижарачилари рўйхати;
- бинолар ижарачиларининг ижара бўйича қарздорлиги;
- хоналар ижарачилари рўйхати;
- хоналар кадастстр ҳужжати;
- хоналар ижарачиларининг ижара ҳақи бўйича қарздорлиги;
- хонадан фойдаланишини чеклаш ҳужжатлари;
- хонадан фойдаланишини тақиқлаш ҳужжатлари;
- хонадон эгаси Ф.И.Ш.;
- хоналардан фойдаланиш бўйича сервитут шартномалар ҳужжатлари;

- ягона ер солиғи міқдори (ер участкаси бўйича);
- ягона ер солиғи (кўчмас мулклар бўйича);
- рўйхатга олиш учун ҳақ тўлаш міқдори;
- кўчмас мулкларни баҳолаш учун хизмат ҳақи;
- суғориш манбаси (асосий канал номи).

«Еравтобанк» компьютер дастурини ишлаб чиқишида AutoCAD ва GeoCad System тизимларидағи услублардан кенг фойдаланилди. Ер-ахборот тизимини автоматлаштириш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари Тошкент вилояти туманлари ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати фаолиятида жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Фофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2013 й. - 208 б.
13. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2007.
14. Чертовицкий А.С. Система земельно-кадастровой информации. Ташкент, МСВХ, ТИИИМСХ, - 1989.
15. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими . Ўқув қўлланма. Тошкент, ТМИИ, 2014 й. – 140 б.

З-амалий машғулот

3.1 Ер-ахборот базаси учун кадастр рақамларини шакллантириш.

Давлат ер ҳисоби маълумотлари асосида ер участкаларига кадастр рақамлари берилади. Рақамли кадастр картасини тузиш рўйхатлашни ер-ахборот маълумотларини ягона тизимга солишида катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ер участкаси алоҳида кадастр рақамига эга бўлади.

Кадастр рақами – ер участкаси, бино ва иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақамдир, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни такомиллаштиришда берилади ва рўйхатдан ўтказилган ҳукуқнинг мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолади. Ер участкасига кадастр рақамининг берилиши ундан фойдаланиш ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

Ер участкаларига кадастр рақамларининг берилиши уларни рўйхатга олувчи органларнинг ер участкаларига, иморат ва иншоотларга ягона кодлаш тизими асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 январдаги «Жисмоний шахсларга эгалик хукуки тегиши учун иморат ва иншоотларни инвентар баҳолаш ишлари олиб борилиши ҳақида»ги 35-сонли қарори асосида амалга оширилади. Ер участкаси ягона объект ҳисобида бўлган даврда кадастр рақами ўзгармайди ва сақланиб қолади. Ер участкаларининг чегараларини тасвиirlаш ва ҳолатини ҳисобга олиш учун 1:2000 дан 1:25000 гача бўлган давлат стандартларида қабул қилинган масштабларда кадастр карталари юритилади. Кадастр карталарида ер участкаларининг кадастр рақамлари ҳам хукукий расмийлаштирилади.

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари, одатда шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараларига тўғри келади. Маъмурий чегаралар ўзгарганда кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзgartiriшлар киритилади. Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк обьекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи индексли кадастр картасига киритилгандан кейин бошланади.

Ер участкасида кадастр рақамини шакллантиришнинг республика бўйича умумий тизими қуидаги расмда берилган.

Ер участкаларига кадастр рақамларини бериш ер участкаларидан фойдаланиш хукуқлари давлат рўйхатидан шаҳар ва шаҳарчаларда ўтказилган ҳолларда кўчмас мулк кадастри хизмати, Ўзбекистон Республикасининг қолган ҳудудлари бўйича ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматлари томонидан амалга оширилади. Нотурар жой, бинолар ва иншоотларнинг бир қисмига кадастр рақамлари мазкур обьектларга эгалик қилиш хукуқларини кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида берилади.

Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон

Республикасида идентификациялаш тизимининг ягона тамойили бўйича, уларга ер участкасининг кадастр рақами асос қилиб олинган. Кадастр бўйича рақамлаш тизими ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр рақамларини идентификациялаш ва ҳисобга олинган ягона тизими интеграция қилинади.

Кадастр рақамининг мажбурий элементлари:

- минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри);
- маъмурий туман ва шаҳар (вилоят тасарруфидаги);
- кадастр ер массиви рақами;
- кадастр мавзеси рақами;
- ер участкаси рақами;
- бино ёки иншоотнинг рақами;
- бино ёки иншоот бир қисмининг рақами.

Кадастр рақами қуидаги тузилмага эга:

АА. ВВ. СС. DD. ЕЕ. FFFF. GGGG. ННН.

Бунда: АА-минтақанинг рақами (коди) ни билдирувчи икки разрядли ўнлик сон;

ВВ – минтақа таркибидаги маъмурий – ҳудудий тузилмалар. Маъмурий туман ёки вилоят тасарруфидаги шаҳарнинг рақамини билдирувчи икки разрядли ўнлик сон;

СС – кадастр ер массиви рақамини билдирувчи икки разрядли ўнлик сон;

DD – кадастр мавзеси рақамини билдирувчи икки разрядли сон;

ЕЕ – кадастр мавзеси доирасида ер участкасини билдирувчи икки разрядли ўнлик сон;

FFFF – ер участкаси доирасида бино ёки иншоотларни билдирувчи тўрт разрядли ўнлик сон;

ННН – бино ёки иншоотлар бир қисмининг рақамини билдирувчи уч разрядли ўнлик сон.

3.2 Кадастр рақамларининг шаклланиш (Тошкент вилояти

Қибрай туманидаги ер участкалари мисолида)

Кадастр рақамларининг шаклланиш варианtlари Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ер участкалари мисолида берилган (3.3-жадвал). Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ер участкасининг кадастр рақами 11:05:01:01:02:0003:0008:016.

Бунда: 11 – минтақа рақами;

05 – Қибрай тумани рақами;

01 – кадастр зонасининг рақами;

01 - кадастр массиви рақами;

02 – кадастр мавзеси рақами;

0003 – кадастр мавзеси чегарасидаги ер участкасининг рақами;

0008 – ер участкаси чегарасидаги бино ва иншоотларнинг

рақами;

016 – Бино, иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами (асосий бино ва иншоотларда).

- жадвал

Кадастр рақамларини ҳисобга олиш дафтари (Қибрай тумани объекти мисолида)

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобга олиш қайдлари
1.	Ер участкаси рақами	0003
2.	Бино, иншоот рақами	0008
3.	Бино, иншоотнинг бир қисми	016
4.	Ер участкаси, бино, иншоотлар ва кўчмас мулк обьектларининг манзили ёки почта манзили, мулкдорнинг Ф.И.Ш. (мулкдор фойдаланувчи)	Қибрай тумани Чингелди қишлоғи Республика асаларичилик уюшмаси раиси Алимов Ш.
5.	Кадастр зонаси картасининг индексли варағи номенкла-тураси	11:05:01:01:02:0003:0008:016
6.	Ер участкалари учун том рақами, бетлари ва давлат реестри	1- жилд, 43 бет, 1361
7.	Кадастр рақами берилган муддат ва рўйхатловчи-нинг Ф.И.Ш.	03.10.2010 й. Норбоев Ш.

Бино ёки иншоотнинг кадастр рақами улар жойлашган ер участкаси чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади. Бино ва иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий бино ёки иншоот чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади. Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш), рўйхатга олиш, янги кадастр план-карталарини тайёрлаш вақтида ер участкаси, бино ва иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари ўзгартирилмайди.

Кадастр рақамларини ҳисобга олиш дафтарини расмийлаштириш Қибрай туманидаги Республика асаларичилик уюшмаси мисолида келтирилган. Ер участкасини рўйхатга олиш учун рақамли кадастр картасини тузиш рўйхатлашни республика миқёсида ягона тизимга солища катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ер участкаси алоҳида кадастр рақамига эга бўлади. Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вактида уларнинг чегаралари, одатда, шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараларига тўғри келади. Маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасида идентификациялаш тизимининг ягона тамойили бўйича, уларга ер участкасининг кадастр рақами асос қилиб олинган. Кадастр бўйича рақамлаш тизими ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр рақамларини идентификациялаш ва ҳисобга олинган ягона тизими интеграция қилинади.

Бино ёки иншоотнинг бир қисми деб муайян сатҳда жойлашган, асосий бино ёки иншоотдан фарқланувчи ҳуқуқий мақомга (хонадон, бино ёки бино, иншоотнинг бошқа алоҳида қисми) эга бўлган алоҳида қисми ҳисобланади.

Юқоридагиларни амалга ошириш, ўз навбатида, ер участкалари тўғрисида ер-ахборот маълумотлар банкини яратиш билан узвий боғлиқдир, негаки ер участкалари ер кадастрининг обьекти бўлиб, айнан шу ер

майдони ва унда жойлашган кўчмас мулклар ҳисобланади. Ер участкаси учун рақамли кадастр картасини тузиш ер-ахборот банкини вилоят миқёсида ягона тизимга солишда катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ер участкаси алоҳида кадастр рақамига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Фоғуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2013 й. - 208 б.
13. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2007.
14. Чертовицкий А.С. Система земельно-кадастровой информации. Ташкент, МСВХ, ТИИИМСХ, - 1989.
15. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими . Ўқув қўлланма. Тошкент, ТМИИ, 2014 й. – 140 б.

4- амалий машғулот

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар учун ер кадастри маълуитлар тизимини шакллантириш

4.1 Ер ахборот базасини яратиш модели

Маълумки, ҳозирги глобаллашув даврида барча иқтисодиёт тармоқлари қатори аграр соҳада ҳам тезкор ер-ахборот базасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш масаласи долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Республикамиз миқёсида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ердан фойдаланувчи субъектларнинг сони, майдони, тупроқ сифати, ижтимоий – иқтисодий, экологик ва ташкилий тизимлар ҳамда ресурслар таъминотининг муттасил ўзгариб бориши жараёнида ер ахборот базасини яратиш ва уни амалиётда қўллаш зарурияти туғилмоқда. Албатта, бу жараён кўп қиррали ва ҳажмли ахборот алмашишнинг кенг кўламини қамраб олади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ердан фойдаланувчи субъектларга оид ер ахборот базасини яратища қўйидаги блоклар (таркибий қисмлар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ердан фойдаланишга оид хуқукий ҳужжатлар тизими.
2. Ер ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар тизими.

3. Ер баҳолаш маълумотлари.
4. Кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар.
5. Тупроқ ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар.
6. Иқтисодий кўрсаткичлар тизими.

Ушбу блокларнинг қисқача мазмуни ва моҳияти ҳамда улардан фойдаланилиш кўлами тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

1. Ердан фойдаланишга оид ҳуқуқий хужжатлар тизими.

Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш маълум бир ер майдонини ижарага олиш ҳуқуқларини расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Бунда дастлабки хужжатлар ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади. Аммо ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади.

Ер участкасини ердан фойдаланувчига бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер участкаси чегараларини белгилаш тўғрисидаги далолатнома ердан фойдаланишни ёки ер-мулқдорини рўйхат қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Давлат рўйхатида расмийлаштирилгандан сўнг ердан фойдаланувчи субъектга ердан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи хужжатлар топширилади. Сервитутлар ва мулк ҳуқуқидаги бошқа чеклашлар ер участкаларидан фойдаланиш шартномалари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларни давлат рўйхатига олиш бўйича хужжатлар ва маълумотлар умумий тарзда қўйидагилардан иборат :

•ер участкасини танлов (тендер) асосида бериш (реализация қилиш) комиссиясининг қарори;

- ердан фойдаланиш хукуқларини рўйхатга олиш ҳақидаги маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари;

- ер участкасини ажратиш ва лойиҳани жойга қўчириш тўғрисидаги материаллар;

- ер кадастрининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган материаллари;

- ер участкасидан фойдаланишдаги чеклашлар (сервитутлар) ҳақидаги хужжатлар.

Ер участкаларига бўлган хукуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юқорида қайд етилган хужжатлар шу хукуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

2. Ер ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар тизими. Ер ҳисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда, ер ҳисобида юқори аниқлик бўлиши зарур. Бунинг учун ер ҳисобини ер турларига, жумладан, ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бўз ер турларига бўлинган ҳолда олиб бориш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларда ер ҳисобини юритиш бўйича олинган маълумотлар, қўйидаги вазифаларни бажаришда муҳим ҳисобланади:

- ҳисоб қилинадиган худуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, бир тизимга келтириш ва таҳлил қилиш;

- зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план-карта материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш ҳамда кузатув бўйича дала қидирав ишларини ўтказиш;

- ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ҳолатини, тақсимланиш ва фойдаланиш ҳолатини аниқлаш;

- маҳсус ер ҳисобининг электрон карталарини тайёрлаш ва матн хужжатларига бирламчи ёзувларни киритиш;

- ер фонди таркибини ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ер турлари бўйича аниқлаш, ерларни маъмурий бирликлар

(туман, шаҳар, вилоят, республика) бўйича сифат жиҳатидан тавсифлаш.

Демак, юқорида қайд этилган ер ҳисоби ишларини бажариш натижасида олинган кўрсаткичлар асосида маълумотлар тизими яратилади.

3. Ер баҳолаш маълумотлари. Ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда, айниқса қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ер баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни обьекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар худудида олиб бориладиган хўжаликларнинг ер баҳолаш материаллари қўйидаги қатор масалаларни ижобий ҳал қилишда фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш; ягона ер солиги ставкаларини белгилаш; ижара ҳақи миқдорларини аниқлаш; қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишида қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш; хўжаликлараро ва хўжалиқда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар. Ер баҳолаш ишлари натижаларига асосланган ахборотлар тизими алоҳида блокда берилади.

4. Кўчмас мулк обьектлари ҳақидаги маълумотлар. Маълумки барча ердан фойдаланиш субектлар худудида албатта бир қанча кўчмас мулк обьектлари жойлашган бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар худудида суғориш, заҳ қочириш тармоқлари ва гидротехника иншоотлари, турли чизикли кўчмас мулк обьектлари, дала шийпони, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа турдаги кўчмас

мулк объектларидан фойдаланилади. Аммо бугунги кунда ушбу кўчмас мулк объектлари сифат ва миқдор ҳамда қиймат кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Ер ахборот банки тизимида барча ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар ҳақоний ва аниқ берилиши шарт. Шу каби муаммоларни ҳал этиш учун ушбу блокда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектлари ҳақидаги барча маълумотлар батафсил келтирилади. Ҳусусан, ушбу блокда кўчмас мулк турлари, уларнинг баҳоси, сифат ва миқдор кўрсаткичлари, фойдаланиш мақсади, конструкцияси, эскириши ва бошқа бир қатор маълумотлар берилади.

5. Тупроқ ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар.

Тупроқ ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар блокида акс этувчи маълумотлар тупроқ баҳолаш ва тупроқ қидирав ишларининг материалларидан ҳамда хўжаликнинг тупроқ картасида келтирилган экспликациядан олинади. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқ қатлами, механик таркиби, гумус ва минерал моддалар миқдори, шўрланганлик даражаси, ҳамда ер ости сувлари ҳақидаги маълумотлар тупроққа мелиоратив ва агротехник тадбирларни қўллаш учун жуда муҳим саналади.

6. Иқтисодий кўрсаткичлар тизими.

Иқтисодий кўрсаткичлар блокида хўжаликнинг барча моддий бойликлари ҳамда молиявий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Ушбу маълумотлар хўжаликларнинг келажақдаги фаолиятида асқотадиган иқтисодий тавсиялар бериш учун ҳизмат қиласи. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ҳудудида ердан фойдаланиш ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиш ва келажақдаги фаолиятини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш мақсадида юқорида берилган ер-ахборот тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар томонидан фойдаланишда бундай янги замонавий ахборот

технологияларни қўллаш жуда тез орада иқтисодий самара беради. Ер қонунчилигини, ягона ер солигиниadolатли амалга ошириш ва кредитлаш тизимларини такомиллаштириш, мамлакатда кўчмас мулк бозорини ривожлантиришни ҳамда энг асосийси, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни вилоят ва республика миқёсида бошқарувни тўла таъминлай олади. Тавсия этилаётган тизимни амалиётда қўллаш натижасида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар тўғрисида тезкор маълумотларни тўплашга, таҳлил қилишга, юқорига тақдим этишга, туманда солиқ тизимини такомиллаштириш каби ер участкаларига оид маълумотларнинг республика миқёсидаги банкини яратишга эришилади.

Демак, ушбу таклиф этилаётган ер-ахборот тизими орқали киритиладиган маълумотларни ишончли, текширилиши оддий бўлган, оммабоп, тез янгилана оладиган, ва энг муҳими, туманлар бошқарув аппаратида меҳнат қилаётган оддий хизматчи тушуниб, компьютерга кирита оладиган ҳолда тизимлаш тақозо этиш. Ушбу тизим барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар учун тез ва ишончли ахборотни бера олади ва уларнинг ҳуқуқларини ишончли кафолатлайди. Шартномаларда, қонунларда қайд этилган ер участкаларидан фойдаланишдаги субъектларнинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари хисобга олинган тизим бўлиб, у турли мижозлар томонидан фойдаланишга қулай ҳолатга келтирилиши назарда тутилади. Кейинги бандда ер-ахборот базасини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган электрон дастурда ўз аксини топган модел блокларининг асосий кўрсаткичлар тизими берилган.

4.2 Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар учун ер-ахборот базаси

Қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият юритаётган субъектлар учун 6 блокдан иборат маълумотлар базасини шакллантириш тавсия этилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ердан фойдаланувчи субъект бўйича унинг ихтисослиги аниqlаниб, маълумотлар блокларга

ажратилган ҳолда тузилади. Бунда ер-ахборот маълумотлари киритилаётган субъектнинг асосий фаолият йўналиши кўрсатилади. Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида асосан қўйидаги ихтиносликлар бўйича ердан фойдаланувчилар таркиб топган:

1. Фермер хўжалиги.
2. Дехқон хўжалиги.
3. Қишлоқ хўжалик илмий текшириш муассасаси (тажриба, экспериментал ва ўқув тажриба хўжалиги).
4. Ўқув юртининг (тажриба, экспериментал ва ўқув тажриба хўжалиги).
5. Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхонаси.
6. Чорвачилик фермаси.
7. Паррандачилик фермаси.
8. Давлат қишлоқ хўжалик корхонаси.
9. Боғдорчилик ва сабзавотчилик уюшмаси.
10. Бошқа субъектлар.

Хуоса қилиб шуни айтиш жоизки, дастур республикамиз маъмурий туманлари худудида ер-ахборот базасини яратиш бўйича ягона автоматлаштирилган тизимни вужудга келтиради. «Еравтобанк» компьютер дастури ва унинг илмий-услубий натижалари маълумотлар тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ер участкалари бўйича зарурӣ маълумотлар олишнинг тезкор усулларини яратиш имкониятини беради, уни амалиётга татбиқ этиш ер-ахборот базасини яратиш бўйича ягона миллий тизимни жорий қилиш имкониятини туғдиради.

«Еравтобанк» ер-ахборот компьютер дастурини маъмурий туманлардаги ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати амалиётида қўллаш эвазига қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- тезкор ер-ахборот тизимини такомиллаштириш ер кадастри ҳужжатларни расмийлаштиришни тартибга солиш ҳам янги имкониятлар пайдо бўлишига олиб келади;
- ер-ахборотларни автоматлаштириш ишларини такомиллаштириш

эвазига йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни 5-10 баробар ҳамда ҳужжатлар сонини 10 марта гача камайтиришга хизмат қиласи.

Тезкор ер-ахборот тизими니 автоматлаштиришнинг бевосита самарасидан ташқари қуидаги билвосита ютуқларга эришиш ҳам кўзда тутилилади:

- иш сифатининг ортиши;
- мутахассислар малакасининг ошиши;
- соҳа мутахассислари ишлаб чиқариш маданиятининг ўсиши;
- маълумотлар аниқлиги ва ҳаққонийлигининг ортиши;
- суд ишлаб чиқариши ишлари ҳажмининг камайиши;
- қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида, субъектлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни тез ва ўз вақтида бартараф этиш имкониятларининг ортиши;
- ердан фойдаланувчи субъектларнинг хуқуқий ҳимоясининг ортиши ва уларнинг барқарор фаолияти таъминланиши;
- ягона ер солигини аниқлаш ва белгилаш бўйича ҳисоб-китобларда аниқлик ошиб, тезкор маълумот олиш имкониятининг кучайиши.

Демак, тавсия этиаётган электрон дастур дастур алгоритми қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкалари учун амалга оширилса маълумотларни тезкор олиш бўйича янги технологиялар самарасини оширишга ва вилоят миқёсида ягона тизим асосида иш юритишга асос яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Фофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2013 й. - 208 б.
13. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2007.
14. Чертовицкий А.С. Система земельно-кадастровой информации. Ташкент, МСВХ, ТИИИМСХ, - 1989.
15. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими . Ўқув қўлланма. Тошкент, ТМИИ, 2014 й. – 140 б.

5-кўчма амалий машғулот

**Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш усулларини ўрганиш
ва синов натижаларини таҳлил қилиш.**

Ишдан мақсад: Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш жараёнини билан танишиш, синовдан ўтказилган трактор кўрсаткичларини ўрганиш ва синов натижалари таҳлил қилиш бўйича амалий кўнималар ҳосил қилиш.

Ишни бажариш тартиби: Кўчма машғулот Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат марказида ўтказилади. Тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш лабораторияси билан танишилади, синовдан ўтказилган трактор кўрсаткичлари ўрганилади ва синов натижалари таҳлил қилиш бўйича амалий кўнималар ҳосил қилинади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат марказида тракторлар ва двигателларни синовдан ўтказиш бўйича мавжуд стандартлар билан танишилади. Синовдан ўтказишда ишлатиладиган жиҳозлар (тормоз қурилмаси, ёнилғи сарфини ва айланишлар частотасини ўлчаш воситалари ва бошқалар) алоҳида эътибор билан ўрганилади. Синовдан ўтказилган тракторлар ва двигателлар кўрсаткичлари баённомалар асосида ўрганилади ва синов натижалари таҳлил қилинади.

V. КЕЙСЛАР ВА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Қишлоқ хўжалик мобил энергетик воситалари дизелларининг таъминлаш тизимида кўп учрайдиган қуидаги носозликлар бўйича кејс

Кејс топшириғи. Қишлоқ хўжалик мобил энергетик воситалари дизелларининг таъминлаш тизимида кўп учрайдиган қуидаги носозликларга эътибор қаратинг:

1. Дизелни юргизиб юбориш имкони бўлмаяпти
2. Дизел нотекис ишляяпти ва тўлиқ қувватга эриша олмаяпти
3. Дизел тутаб ишляяпти (глушителдан қора тутун чиқиши кузатиляпти)
4. Дизел тўсатдан ўчиб қолаяпти
5. Дизел тақиллаган овоз чиқариб ишляяпти
 - Ушбу носозликларни кўп ёки кам учрашини аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва носозликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
 - Носозликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб

чиқинг.

- Носозликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хулосалар ёзинг.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

2. Тест саволлари намуналари

1. Ер баланси ким томонидан юритилади ?

1. Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ергео-дезкадастр бош бошқармаси томонидан
3. Кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари томонидан
4. “Ергеодезкадастр” қўмитасининг ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан

2. Ер баланси маълумотлари кимларга мўлжалланган ?

1. Ер муносабатларини тартибга солиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, ер учун ҳақ тўлаш миқдорларини асослаш ва хўжалик фаолиятини баҳолашга мўлжалланган
2. Юридик ва жисмоний шахсларга
3. Барча ердан, бино-иншоотлардан ва кўчмас мулк обьектларидан фойдаланувчиларга
4. Давлат солиқ инспекцияларини маълумотлар билан таъминлашга

3. Давлат ер кадастри ахборотлари қандай ахборотларга бўлинади ?

1. Асосий ва жорий
2. Якуний ва тугалланмаган
3. Юридик ва жисмоний шахслар тайёрланган ахборотларга
4. Давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун тайёрланган ахборотларга

4. Ер кадастрининг асосий ахбороти нима ?

1. Дастрлабки рўйхатга олиш вақтида олинган маълумотлар
2. Давлат ер кадастри маълумотларини қайта рўйхатдан ўтказиш ёки ўзгартириш жараёнида олинган маълумотлар
3. Туман бўлимларининг ойлик ҳисоботлари
4. Йиллик рўйхатга олиш ҳисоботлари

5. Ер кадастрининг жорий ахбороти нима ?

1. давлат ер кадастри маълумотларини қайта рўйхатдан ўтказиш ёки ўзгартириш жараёнида олинган маълумотлар
2. кундалик олинаётган ахборотлар

3. туман бўлимларининг ойлик ҳисоботлари
4. йиллик рўйхатга олиш ҳисоботлари

6. Давлат ер кадастри бошқа кадастрлар учун қандай аҳамиятга эга ?

1. Бошқа кадастр тизимлари ва мониторингларини яратиш ва юритиш учун фазовий-хуқукий асос ҳисобланади
2. Хеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки ҳар битта кадастр тури мусақил равища алоҳида юритилади
3. Бошқа кадастрларга алоқаси йўқ
4. Бошқа кадастр тизимлари билан тенг хуқуқли алоҳида юритилади

7. Ер кадастрини юритиш учун олиб бориладиган кузатувлар неча турга бўлинади?

1. дала ва камерал
2. агрохўжалик ва маҳсус
3. дала
4. маҳсус

8. Давлат ер кадастрининг обьекти нима?

1. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди
2. ҳар бир кадастр минтақаси ер ресурслари
3. захира ерлардан ташқари фойдаланилаётган барча ерлар
4. экин экиладиган, фойдаланиладиган барча ерлар

9. Ер участкаси нима ?

1. Ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хуқукий режимига ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир
2. Йўллар, каналлар ва бошқа табиий сарҳадларга эга бўлган, маълум ердан фойдаланучиларга бириктириб берилган ер бўллаги
3. Ер бўллаги
4. Ердан фойдаланучи ўрнатган чегарага эга бўлан ер майдони

10. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк хуқуқининг вужудга келиши?

1. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари улар жойлашган ер участкалари билан хусусийлаштирилганда қонун хужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади
2. Тегишли туман ва вилоят ҳокимлариниг ер бериш тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлганда
3. Ер участкаси бир умрлик авлоддан авлодга мерос қилиб қолдириш хукуки асосида берилганда
4. Ер участкаси совға қилиб берилганда

11. Кадастр рақами қандай тузилмага эга ?

1. Минтақа, зона, массив, мавзе, ер участкаси, бино-иншоот ҳамда бино ва иншоотнинг бир қисми рақамларининг икки нуқта билан ажратиладиган тузилмасига эга
2. Туманлар, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчи субъектлар ер майдонлари рақамлари
3. Туманлар ва улардаги ердан фойдаланувчилар худудлари рақамлари
4. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари худуди-даги ердан фойдала-нувчиларнинг кетма-кет ёзилган рақами кўринишида

12. Ер ҳисоби нима ?

1. Ер фонди ҳисоботи, (Ер баланси)
2. Ерларни хатловдан ўтказиш
3. Харита асосларини корректировка килиш
4. Ойлик қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш режаси

13. Ер участкаси экспликацияси қайси маълумотлардан ташкил топган?

1. Умумий ер майдони, ер эгаси ва ер турлари тўғрисидаги маълумотлардан
2. Ер участкасининг чегаралари кўрсатилган харита асосларидан
3. Ер участкасига қонуний асосда эгалик қилиш ва фойдаланиш хужжатларидан
4. Ер участкаларининг балл бонитети ва сифатини белгиловчи хужжатлардан

14. Ер кадастр дафтирига иккиласми маълумотларни тушириш қандай амалга оширилади?

1. Ўзаришларни хисобга олган холда
2. Бирламчи маълумотларни хисобига
3. Ўзгармаган холдаги
4. Иқтисодий баҳолаш

15. Ер эвалиги таркибида юз берадиган узаришлар қандай аниқланади?

1. Жорий ер кадастри ўтказилади
2. Суғориладиган ерлар
3. Ер ажратиш
4. Ерларнинг сифат тавсифи

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан, интернет ресурсларидан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- дарс давомида тўлиқ бажарилмаган топшириқларни охиригача етказиш ва улар бўйича хulosалар қилиш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил ишларни бажаришда ҳар бир тингловчи алоҳида маълум маркадаги двигател ёки трактор билан ишлайди ва мустақил ишларни бажаришда айнан ўша маркадаги двигател ёки трактор ўрганилади.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ер кадастри маълумотлар базасини яратиш ва жорий этишнинг назарий асослари.
2. Ер ислоҳотларини амалга оширишда ер кадастри ахборот тизимининг роли
3. Ривожланган хорижий давлатларда ва республикамизда ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонунчилик базасининг тахлили.
4. Ўзбекистонда ер кадастри ахборотини шакллантириш самарадорлиги.
5. Ер ахборотини ишлаб чиқишининг методологик асослари.
6. Маъмурий туманда автоматлаштирилган ер кадастри ахборот тизимини яратиш услублари.
7. Ривожланган хорижий давлатларда ер кадастри ахборот базасининг тузилиши.
8. Ривожланган хорижий давлатларда ер кадастри ахборот базасидан фойдаланиш кўлами.
9. Ер кадастри ахборот базасининг дастурий таъминоти (муаммолар ва ечимлар).
10. Ер кадастрига оид ахборотларни масофадан зондлаш методлари.
11. Ер кадастри ахборотлар базасини яратиш алгоритмлари(хорижик ва республика тажрибалари асосида)
12. Ер ахборот тизимларини яратишида чет эл тажрибасини қўллаш имкониятлари.
13. Ер кадастри ахборотлар базасининг бирламчи маълумот манбалари.

14. Ривожланган хорижий давлатларда ер ахборот базасини 3D шаклда яратиш тажрибалари.

15. Мустақил ҳамдўстлик давлатларида ер кадастри ахборот базасини яратиш тажрибаси.

VII. ГЛОССАРИЙ

(5-жадвал)

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
ер участкасини ижарага олиш	Ер участкасидан ижара шартномасининг шартлари бўйича вақтинча ҳақ эвазига фойдаланиш	
ер участкасини ижарага олувчи	Ер участкасини белгиланган тартибда ижарага олган юридик ёки жисмоний шахс	

Ер участкасини ижарага берувчи	Ер участкасини белгиланган тартибда ижарага берган юридик ёки жисмоний шахс	
Ер участкасининг эгаси	Ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехқон хўжалигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқида фойдаланувчи фукаро	
Ер участкасига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган хуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, бекор қилинишининг давлат томонидан эътироф қилиниши ва тасдиқланиши юридик акти	
Ер участкаси гарови (ипотекаси)	Юридик ёки жисмоний шахс томонидан ер участкасини ёки унга бўлган хуқуқни мажбуриятни таъминлаш шарти билан бошқа шахсга ўтказилиши	
Ер муносабатлари	Давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасаррф қилиш билан боғлиқ муносабатлар	
Сервитут	Юридик ва жисмоний шахснинг бир ёки бир нечта бегона ер участкаларидан келишув ёки суд қарори асосида белгиланадиган чекланган фойдаланиш хуқуки	
Ер участкаси	Ер сиртининг қайд этилган берк чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хукукий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми	
Ер фонди	Ер сиртининг, хусусан сув объектлари тубининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг маъмурий чегаралари ичida жойлашган қисми	
Ерларнинг тоифалари	Ер фондининг ер участкалари уларнинг асосий мақсад вазифалари бўйича киритилган қисмлари	
Ерлар мониторинги	Ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер	

	фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими	
Ер участкасига бўлган хуқуқларнинг чекланиши	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан фойдаланиш бўйича хуқуқларининг давлат, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва улардан фойдаланиш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарага олувчилари ва мулкдорлари, шунингдек қонунда назарда туилган ҳолларда аҳоли хавфсизлиги манфаатлари йўлида қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибида чекланиши	
Сугориладиган ерлар	Ерларни сугориш учун етарли миқдордаги сув ресурсларига эга сугориш манбай билан боғланган доимий ёки вактинчалик сугориш тармоғи мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	
Ерларнинг асосий мақсад вазифаси	Ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттирилгани каби мақсадларни кўзлаб фойдаланишининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиби ва шартлари	
Ерларни муҳофaza қилиш	Ерлардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган худудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равища олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирандан ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизими	
Тупроқ унумдорлиги	Тупроқнинг қишлоқ хўжалик ўсимликларининг тўйимли моддалар, ҳаво, сув, иссиқлиқ, биологик ва физикавий-кимёвий муҳитга бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юкори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш хусусияти	
Ер участкасидан фойдаланувчи	Ер участкасидан доимий ёки вактинча фойдаланиш хуқуқида фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс	
Ер участкасидан	Юридик ёки жисмоний шахснинг	

вақтингча фойдаланиш хуқуқи	давлат мулкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатларда фойдаланиш хуқуқи	
Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш хуқуқи	Фуқаронинг ҳайёт даврида амал қиладиган ва унинг меросхўрларига белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин бўлган ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехқон хўялигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиш хуқуқи	
Ер участкасидан доимий фойдаланиш хуқуқи	Юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мулкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатсиз фойдаланиш хуқуқи	
Ер участкасига бўлган мулк хуқуқи	Юридик ёки жисмоний шахснинг унга тегишли бўлган ер участкасига ўзининг ихтиёри бўйича ва ўз манфаатлари йўлида эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқи	
Ер участкалари бериш	Давлат мулкидаги ер участкаларини давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий ёки вақтингча фойдаланиш ёхуд ижарага олиш хуқуқларида бериш	
Ерларни хусусийлаштириш	Жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар томонидан ер участкаларини давлатдан хусусий мулк қилиб сотиб олиш	
Ерларни рекультивация қилиш	Бузилган ерларни вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш борасидаги техник, мелиоратив ва агротехник тадбирлар комплекси	
Ерларни ўзбошимчалик билинг эгаллаб олиш	Ерлардан ер участкасига бўлган хуқуқни тасдиқловчи хужжатларсиз фойдаланиш	
Ер участкаси билинг боғлик битимлар	Жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган харакатлари	
Кишлоқ хўжалик ерлари	Кишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ёки ем-хашак базаси сифатида	

	фойдаланилаётган ёхуд фойдаланилиши лозим бўлган асосий қисми; Қишлоқ хўжалик ерлари ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташкил топади	
--	---	--

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий- ҳуқуқий хужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўкув юритидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

6. 1. Конституция Республики Узбекистан: Т., Узбекистон. – 1993.

7. 2. Земельный кодекс Республики Узбекистан: Т., Узбекистон. - 1998.

8. 3. Закон Республики Узбекистан «О государственном земельном кадастре». Т., 1998.

9. 4. Законом Республики Узбекистан «О государственных кадастрах». Ташкент, - 2000 г.

10. 5. Законом Республики Узбекистан «Об информатизации». Ташкент, - 2004 г.

11. 6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, Ергеодезкадастр. 2010 – 2016 й.й.

12. Земельный фонд Республики Узбекистан. Т., Госкомземгеодезкадастр (1991-2016 г.г.).

II. Махсус адабиётлар

1. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофуров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ, 2013 й. - 208 б.
2. Дейт К. Дж. Введение в системы баз данных. Перевод с английского. Москва-Санкт-Петербург-Киев. «Вильямс», - 1999 г.
3. Логиновский О.В., Козлов А.С. Использование геоинформационных технологий в управлении социально-экономическим развитием региона – Челябинск – Издательство ЮУрГУ. - 1999.
4. Ломакин С.В. Система информационного обеспечения процесса управления земельными ресурсами//Проблемы современного управления в АПК: материалы юбилейной научно-практической конференции. - Воронеж, - 1998.
5. Ломакин С.В. Методика проведения эколого-экономической оценки территории сельскохозяйственных предприятий на персональном компьютере// Материалы конференции: Информационные технологии в учебном процессе и НИР. - Воронеж, - 1995.
6. Ломакин С.В. Проблемы информационного обеспечения землеустроительных органов// Проблемы и перспективы развития АПК в условиях рыночных отношений: тезисы докладов 50 научной конференции студентов и аспирантов 16-17 апреля 1998 г. - Мичуринск, - 1998.
7. Немчинов В.С. Избранные произведения. Т.2. М.: Наука - 1967.
8. Положение о порядке ведения государственного земельного кадастра в Республике Узбекистан. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1998 г. №453.
9. Powelson J.P. The Story of Land. Стокгольм, - 2007.
10. Урсул А.Д. Информация. Методологические аспекты.- М.: Наука – 1971.
11. Henssen, I.P. Williamson. Land registration, cadastre and its interaction - a world perspective. Стокгольм, - 2005.
12. Хаксхольд Вильям. Введение в городские географические информационные системы – перевод с английского – New York Oxford – Oxford University Press. - 1991.
13. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Тошкент, Фан – 2007.
14. Чертовицкий А.С. Система земельно-кадастровой информации. Ташкент, МСВХ, ТИИИМСХ, - 1989.

15. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими . Ўқув қўлланма. Тошкент, ТМИИ, 2014 й. – 140 б.

16. Инструкция о регистрации прав на землю в Узбекистане. Ташкент, Госкомземгеодезкастр. Утверждена Минюстом. - 1999.

17. Ларссон Г. Регистрация прав на землю и кадастровые системы. Великий Новгород. – 2002.

Интернет ресурслар

- 1. Интернет-сайта www.gisnews.icc.ru материаллари**
- 2. Интернет-сайта www.gisa.ru материаллари**
- 3. Интернет-сайта www.geofaq.ru материаллари**
- 4. Интернет-сайта www.dataplus.ru материаллари**
- 5. Интернет-сайта www.esri.com материаллари**